



Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ

Бош муҳаррир:

Собир ҲНАР

Бош муҳаррир ўринбосари:

Луқмон БҮРИХОН

Масъул котиб:

Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Абдусайд КҲЧИМОВ
Сирожиддин САЙИИД
Алишер НАЗАР
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи: Ғиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Манзилмиз:

Тошкент. ш.

Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а" уй.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Ёшлик" №5 (277) 2014 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган.

МУНДАРИЖА

МУЛОҚОТ

Қаҳрамон РАЖАБОВ. Мунгли кечмиш ёхуд тарихдан бир сабоқ... .. 2

НАСР

Равшан ЙҮЛДОШ. Арвоҳ иши. Қисса. 15
Баҳром МИРЗО. От минган одамлар. Ҳикоя. 39
Дилором ДИЛХОҲ. Тўлғоной. Ҳикоя. 50

НАЗМ

Зебо МИРЗО. Шамоллар ҳисларга солади титроқ. 12
Эгамберди МУСТАФОЕВ. Хаёлларим қийғос сочилур ҳар ён. 36
Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА. Олис тунлар юлдузлардан етди пайғом. ... 38

МУШОҲАДА

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ. "Мўйловчилар ғавғоси" ёхуд хослар
маданиятига таҳдид. 33
Саодат МУМИНОВА. Туйғулар тугғени. 44

ХОТИРА

Назар ШУКУР. Киприкларим найзасига илинган осмон. 46

ТАДҚИҚОТ

Малика ДАВРОНОВА. Шеърятда руҳият манзараси. 56

МАТНШУНОС САБОҒИ

Ваҳоб РАҲМОН. Бир тарихий фожа сири. 58

МУНОСАБАТ

Феруза ТҮРАЕВА. Кино санъати ё саноат? 48

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Азмиддин ШАРИФ. Шамол шивирида шитирлар хазон. 55
Хайрулла ХОЛТУРАЕВ. Мушки анбарларга тўлсайди осмон. 60
Гулчеҳра МАДАМИНОВА. Сенсан мангу ишқнинг ифори. 61
Ҳуснигул АҲМЕДОВА. Оппоқ эди унда орзулар. 63

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нодира СУЛТАНОВА. Одил Ёқубовнинг сўнги мактуби 62

ЕЛПУҒУЧ

Антон ЧЕХОВ. "Турмуш-мушт". Ҳикоя. 64

Босишга 25. 05. 2014 йилда руҳсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт.
"HILOL-MEDIA" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма № 48. Адади 5400 дона.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишмаси.



Қаҳрамон РАЖАБОВ

МУНГЛИ КЕЧМИШ

ёхуд тарихдан бир сабоқ...

Тарих фанлари доктори Қаҳрамон РАЖАБОВ билан мулоқот

– Қаҳрамон ака, Сиз кўп йиллик илмий изланишларингизни Бухоро амирлиги тарихини ўрганишга бағишлагансиз. Бугунги ёшларга, журналхонларга қизиқки, Туркистон тарихида 164 йиллик даврни эгаллаган Бухородаги манғитлар сулоласи ўзи қандай маъқега эга бўлган?

– Келинг, ўзаро гурунгимизни энг аввало манғитлар сулоласи эмас, балки “92 бовли ўзбек эли”нинг битта шохобчаси бўлган манғитлар уруғидан бошлайлик.

Тарихдан маълумки, манғитлар туркий қавм бўлиб, улар XII асрда Дашти Қипчоқда, катта бир қисми эса Волга ва Урал дарёлари оралиғида яшашган. Бу пайтда улар қипчоқларнинг катта таъсири остида бўлган. Қипчоқлар таъсири остида уларнинг бир қисми ўз тилларини унутиб, қипчоқ тилида гаплашганлар.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб келаётган манғитлар қавмининг бир қисми қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўзбекларнинг таъсири остида аста-секин ўтроқлашиб борган, бир қисми эса XX аср бошларига қадар ҳам чорвачилик билан шуғулланиб келган. Улар қорақўл ва жайдари қўйларни боқишган. Манғитлар деҳқончилик ва чорвачилиқдан ташқари ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланиб, гилам ва турли матолар тўқишган. Хусусан, узун патли гилам-жулхирс машҳур бўлган.

Манғитлар қавми оқ манғит, қора манғит ва тўқ манғит каби шохобчаларга бўлинган. Бухоро амирлигини 1756-1920 йилларда бошқарган манғитлар сулоласи манғит уруғининг тўқ манғит шохобчасидан бўлган.

XVIII аср 40-йилларига келганда Бухоро хонлигида сиёсий ва иқтисодий инқироз кучайган. Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон (ҳукмронлик даври: 1711-1747)нинг калтабинларча юритган сиёсати натижасида халқнинг моддий аҳволи оғирлашган. Бухоро хонлиги таркибидан Фарғона водийси ажралиб чиққан ва мустақил Қўқон хонлигига асос солинган, мамлакатнинг бекликларга бўлиниш хавфи кучайган. Бунинг устига Эрон шоҳи Нодиршоҳ (ҳукмронлик даври: 1736-1747)нинг Бухоро давлатига ҳужуми, мамлакатнинг асосий шаҳарлари бўлган Бухоро ва Самарқанднинг улар томонидан эгалланиши ва таланиши оқибатида сиёсий вазият баттар мураккаблашган. Туркистон тақдири ҳал қилинаётган ана шундай қалтис ва нозик бир фурсатда тарих саҳнасига янги сиёсий куч – манғитлар сулоласи кўтарилди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, XVII аср охири ва XVIII аср биринчи ярмида манғитлар қавмининг тўқ манғит шохобчасига мансуб бўлган Худодёрбий оталиқ ва унинг ўғли Муҳаммад Ҳақимбий оталиқ нуфузли манғит бийлари (уруғ бошлиқлари)дан саналиб, улар Аштархонийлар сулоласи бошқараётган Бухоро хонлиги саройидаги обрўли ва нуфузли амалдорлардан бўлган.

Шу ўринда Муҳаммад Ҳақимбий оталиқ (XVII аср сўнгги чораги – 1743) ва унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий оталиқ (1715-1758) хусусида икки оғиз тўхталиб ўтсак, манғитлар сулоласининг ҳокимиятга қандай келганлиги ойдинлашади.

Муҳаммад Ҳақимбий Аштархонийлар саройида дастлаб мирохўр ва парвоначи лавозимларида ишлаган. У қисқа фурсатда Бухоро хонлигидаги манғитлар қавмининг йўлбошчисига айланган ҳамда Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида хонликда унинг таъсири ниҳоятда кучайган. Муҳаммад Ҳақимбий кўп сонли манғитлар қавми ва уруғ йўлбошчиларига таяниб, қатағон ва кенгагас уруғлари, жумладан, шаҳрисабзлик Иброҳим Кенгагаснинг қавмларига қарши Бухорода марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қаттиқ ва муросасиз кураш олиб борган. Тез орада у саройда девонбеги лавозимини эгаллайди. Абулфайзхон томонидан тахминан 1720 йили Муҳаммадбий Ҳақимбий саройидаги барча шахзодалар оталиқларининг бошлиғи деб тан олинган ҳамда унга оталиқ унвони берилган.

Муҳаммад Ҳақимбий Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг 1740 йили Бухорога ҳужуми пайтида аҳолини боқин-

Қаҳрамон
РАЖАБОВ



1962 йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Саврак қишлоғида туғилган. ТошДУнинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1989 йилдан Ўзбекистон ФА Тарих институтида фаолият кўрсатади.

Тарих фанлари доктори, профессор.

чилар қўшинига қаршилик кўрсатмасликка чақирди. Бу хизматлари учун Нодиршоҳ уни Бухоронинг тўла ваколатли ҳокими, яъни сарой қушбегиси (Бош вазири) қилиб тайинлайди. Хуллас, Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ ва қушбегии сифатида манғитлар сулоласининг Бухорода ҳокимият тепасига келиши учун етарли шарт-шароит яратиб берган. Марказий ҳокимиятга бўйсунганини хоҳламаган амирлар ва турли қавмларнинг етакчилари-га қарши муросасиз курашган.

Муҳаммад Раҳимбий отаси тириклик давридаёқ муҳим сарой лавозимларини эгаллаган эди. У Абулфайзоннинг куёви сифатида 1745 йилдан Бухоро хонлигининг амалдаги ҳукмдорига айланди. 1747 йили унинг буйруғи билан Мир Араб мадрасаси хужраларининг бирига яширинган Абулфайзон ўлдирилди. Муҳаммад Раҳимбий Бухоро тахтига Абдулмўминхон (ҳукмронлик даври: 1747-1751), Убайдуллахон III ибн Абдулмўминхон (ҳукмронлик даври: 1751-1754), Шерғозихон (ҳукмронлик даври: 1754-1756) каби “қўғирчоқ хонлар”ни ўтқазиб, оталиқ сифатида қарийб 10 йил давомида улар номидан Бухоро мамлакатини бошқарган. Муҳаммад Раҳимбий фақат 1756 йил 12 декабрда Бухоро хонлиги тахтига расмий равишда ўтирган ва Бухоро хони деб эълон қилинган. Хуллас, Бухорода ҳокимият тепасига келган янги манғитлар сулоласи қон ва қилич кучи билан ўз ҳокимиятларини қарор топтиришган. 1756-1920 йилларда Бухоро амирлигини манғитлар сулоласи бошқарган. Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758), Муҳаммад Дониёлбий (1758-1785), Шоҳмурод (1785-1800), Ҳайдар (1800-1826), Мир Ҳусайн (1826), Мир Умар (1826-1827), Насруллоҳхон (1827-1860), Музаффархон (1860-1885), Абдулаҳадхон (1885-1910), Саид Олимхон (1910-1920) каби ўнта манғит амирлари Бухоро давлатида 164 йил салтанат тутганлар.

Тарихчилар томонидан манғитлар сулоласи вакиллари бўлган Бухоро амирларига турлича баҳо берилади. Амирларнинг аксарияти золимлик ва ёвузликда айбланади. Бироқ тарихда одил ҳукмдорлар жуда-жуда оз ўтган. Бундай одил ҳукмдорлар манғитлар сулоласи орасида ҳам мавжуд бўлиб, хусусан, “маъсум амир” номи билан шуҳрат қозонган Амир Шоҳмурод ва унинг ўғли Амир Ҳайдар фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ ҳозир ижозат берсангиз Амир Насруллоҳхон тўғрисида бир оз тўхталиб ўтсам.

Амир Насруллоҳхон фаолияти тўғрисида совет замонасида ҳам, бугунги кунда ҳам тадқиқотчилар кўп ёзишган, бироқ “хўп” ёзган эмас. Бу тадқиқотларнинг аксариятида манғитлар сулоласининг ушбу ҳукмдори ҳаёти ва фаолияти бир томонлама кўрсатилиб, Насруллоҳхон қиёфаси фақат қора бўёқларда тасвирланган. Аслида тарихчининг ихтиёрида фақат оқ ва қора ранглар ёхуд ижобий ва салбий мулоҳазаларнинг бири бўлмасдан у ҳар қандай тарихий шахсни ўша даврда кечган тарихий воқеалар ичида ҳолис тасвирлаши, тарихий шахсларга баҳо бераётганда замонасозлик қилмасдан адолат посангисини ўта серғаклик билан ушлаши лозим. Насруллоҳхон ҳақида бугунги кунда турли даъволар ва юзаки мулоҳазалар билдираётган (бирок бу иддаолар бир томонлама айтилаётган ўта кескин фикрлардан иборат бўлмоқда) муаллифларнинг аксарияти тарихчилар ўрнига журналистлар, адаблар, адабиётшунос олимлар ва бошқа касб соҳалари эканлиги эса муаммонинг анча жиддийлиги ва чуқурлигидан далолат беради ҳамда Ўзбекистон тарихида, шунингдек, Бухоро тарихида ўзига хос ро



Бухоро амири Сайид Олимхон (1881-1944 йиллар)

ўйнаган бу шахс ҳақидаги бор ҳақиқатни айнан тарихчи олимлар томонидан жамоатчилик ҳукмига тезроқ ҳавола этишни кун тартибига зарурият қилиб кўяди. 2011 йилда менинг “Насруллоҳхон” тарихий рисолам чоп қилинди. Ҳолбуки бу рисола 2006 йил июнь-октябрда ёзилган эди.

Рухсат берсангиз, Амир Насруллоҳхон ҳақидаги фикрларимни юқорида тилга олинган тарихий рисола-нинг хулоса қисмидаги мулоҳазаларим билан давом эттирсам:

Амир Насруллоҳ яшаб ўтган замондан буён қарийб 150 йил ўтди. Ушбу давр ичида нафақат Бухоро тарихида, балки бутун Туркистон минтақасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. XX аср охирида Насруллоҳхон орзу қилган Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг яхлит бутунлиги қайта тикланди.

Бизнингча, Насруллоҳхонни Туркистон тарихидаги ўрни ва роли қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, Амир Насруллоҳ Бухоро давлатида қатъий марказлаштириш сиёсатини олиб борди. Марказий ҳокимиятга бўйсунганини истамаган Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг қаршилигини синдириб, сепаратистик (ажралиш ва таслимчилик) кайфиятларига барҳам берди.

Иккинчидан, амир ўз сиёсатида бутун Мовароуннаҳр ва Хоразмни ягона давлат остига бирлаштиришга интилди. У бу режасини тўлиқ амалга ошира олмаган бўлса ҳам, қисқа муддат давомида бутун Мовароуннаҳрни ягона давлат сифатида бошқарди. Қўқон хонлиги ҳудудининг Бухоро амирлиги таркибига қўшиб олиниши аслини олганда минтақадаги икки ўзбек давлатчилигини ўзаро бирлаштириш эди. Афсуски, Насруллоҳхоннинг бу ҳаракатларини Қўқон тарихнавислик мактаби намоянадалари, жадид тараққийпарварлари (Иброт, Фитрат, Айний) ва Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихчилари бутунлай бошқача талқин қилиб,

кўп йиллар давомида халқ онгида “дахшатли ва қонхўр ҳукмдор”, “ботур қассоб”, “қассобнинг ботири” образларини шакллантиришди.

Учинчидан, Амир Насруллоҳ томонидан Бухоро амирлигида ўтказилган турли ислохотлар натижасида давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати бирмунча юксалди. Маъмурий соҳадаги ислохотлар оқибатида давлат бошқарувида халқнинг турли табақалари орасидан чиққан кишилар келиб қўшилди. Айниқса, ҳарбий соҳадаги ислохотлар анча самарали кечди. Айнан ҳарбий ислохотларнинг натижаси кейинчалик Россия империясининг тажовузи ва ҳужумига қарши курашда Бухоро амирлигининг учта ўзбек давлати ўртасида нисбатан энг кескин ва қаттиқ қаршилик кўрсатишига олиб келди. Россия империяси босқинига қарши курашда Бухоро амирлиги мағлубиятга учраган бўлса ҳам, мамлакат ҳудудларининг муайян қисми сақлаб қолинди.

Тўртинчидан, Насруллоҳон ўзининг фаол ташқи сиёсатида қатор ютуқларга эришиб, Бухоро давлатининг яхлит қисми ҳисобланган Балх, Марв ва бошқа вилоятлар ҳудудларини амирлик ихтиёрига яна қайтарди. Бироқ бу ҳудудлар кейинчалик турли сабаблар натижасида Бухоро амирлиги таркибидан чиқиб кетган. Бу ҳолат XIX аср сўнги чораги ва XX аср биринчи чорагида Туркистон минтақасида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларга, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Хуллас, яқин ўтмишда бўлиб ўтган ушбу геосиёсий ўзгаришлар натижасида бугунги Ўзбекистон Республикасининг сарҳадлари ўзининг тарихий ватанидан анча кичик доирада шаклланди ва ҳозир ҳам шу даражада сақланиб турибди.

Шу билан бирга Амир Насруллоҳ ўз фаолиятида бир қатор жиддий сиёсий хатоларга ҳам йўл қўйди. Давлат миқёсидаги энг муҳим лавозимларга туркий ўзбек қавмларидан ташқари ажнабийларнинг қўйилиши, давлат бошқарувида эроний қуллар бўлган шиаларнинг таъсири ошиши, манғитлар сулоласининг форслашиш жараёни, ўзбек тилининг мавқеи пасайиши ва бошқалар ана шундай жиддий хатолардандир. Бунинг устига Амир Насруллоҳ томонидан Нодирабегимнинг ўлдирилиши унинг обрўсига салбий таъсир кўрсатганлигини айтиб ўтиш жоиз.

– Бу гаплардан кўринадики, Россия империясининг Туркистон минтақасига, жумладан, Бухоро амирлигига қарши қаратилган истилочилик юришларида Амир Музаффархон, Амир Абдулаҳдхон, Амир Саид Олимхонлар муносиб қаршилик кўрсатиши мумкин эди?

– Ҳа, мумкин эди. Бироқ Амир Музаффархон бундай қаршилик кўрсата олмади. Бунинг сабаблари Сиз ўйлаётгандан кўра ҳам жиддий, оқибатлари эса дахшатли бўлди. Келинг, суҳбатимизни шу оғриқли мавзу атрофида давом эттирайлик.

Амир Музаффархон (1819-1885) шахсияти, унинг Бухоро тарихида тутган фожиали ўрни ҳамда амир фожиясининг Бухоро давлати фожиясига айланиш жараёни ҳақидаги аччиқ мулоҳазаларни билдириш мен учун ҳам осон эмас. Чунки Амир Музаффархон ҳукмронлиги даврида Бухоро давлатининг мустақиллиги бой берилган эди.

Амир Насруллоҳоннинг ўғли Саййид Музаффариддинхон отаси ҳукмронлиги даврида валиаҳд сифатида Карманага ҳокимлик қилган. У амир Насруллоҳоннинг ёлғиз ўғли эди. Бироқ Насруллоҳон ўлими олдидан (у 1860 йил 21 октябрда 56 ёшида вафот этди)

Бухоро тожу тахтини ёлғиз ўғли Саййид Музаффариддинхонга эмас, балки кўп сонли невараларидан бирига васият қилиб қолдиради. Эҳтимол, манғитлар сулоласи ҳукмдорлари орасида энг кўп салтанат сўраган ва давлат бошқаруви борасида катта тажрибага эга бўлган Амир Насруллоҳон ёлғиз ўғли Музаффариддинхонда (бу пайтда у 41 ёшда бўлган) давлат раҳбарларига хос сифатларни ва ҳукмдорлик лаёқатини кўрмаганлиги учун шундай йўл тутгандир. Бироқ воқеалар марҳум амир тириклик чоғида ўйлаганидан сал бошқачароқ ривожланган. Буюк Соҳибқирон Амир Темур 1405 йил февралда вафот этгандан кейин унинг васияти невараси Халил Султон ва бебос амирлар томонидан қандай бузилган бўлса, орадан 455 йил ўтган – 1860 йил сентябда ҳам Амир Насруллоҳоннинг васияти ана шундай бузилди. Ҳар икки ҳолатда ҳам васиятга амал қилмаслик оғир оқибатларга олиб келди...

Машҳур аллома ва давлат арбоби Аҳмад Дониш (1827-1897) ўзининг “Рисола ёхуд Манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” номли рисоласида ўзи гувоҳи бўлган бу ҳолатни қуйидагича тасвирлайди:

“Насруллоҳоннинг амир Музаффардан бошқа фарзанди йўқ эди. У ўз фарзандининг табиатида ғаразгўйлик ва шафқатсизликни кўрди. Ўзи раият ва қўшинга ғамхўр бўлганлиги туфайли фарзандининг ўзидан кейин давлат тепасида туришини истамади. Шу туфайли, ўз набираларидан бирини валиаҳдликка тайинлади ва айрим амирларга давлатни унга топширишни васият қилди...”

Амир Насруллоҳдан кейин амирлар ва аъёнлар ҳокимиятни набирасидами ёки ўғлигами бериш масаласида иккиландилар. Баъзилар “давлат илгаридан ота мерос” десалар, бошқалари “васиятнинг бажариш лозим” дедилар. Охири, ўғилни олиб келиш тарафдорлари жамоаси ғолиб келиб, Амир Музаффарни Карманадан чақирдилар. У 1227 (1860 йил) раби ул-аввал ойининг еттинчисида (23 сентябрда) Бухоро амирлиги тахтига ўтирди...”

Амир Музаффар давлат тепасида мустаҳкамланиб олгандан кейин васият тарафдори бўлганларни илдири билан қуритди. Меросхўр деб аталган шахс зудлик билан Бухорони тарк этди. Қочиб ушбу улгурмаган авлоди, яқинлари, зурриётларини амир қатл қилдирди. Отаси даврида мансаб эгаси бўлган барча аъёнлар, амирлар, вазирларни ҳайдади, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилди ва давлат тепасига ўз яқинлари ва тарафдорларини ўтказди. Қўшин ва раиятга зулм қилинди. Амир хизматида Карманадан келганларнинг ҳаммаси разил кишилар эди, чунки Амир Насрулло ўзи рад қилган кишиларни “сенинг хизматида бўлсин ва қадримизга етсин” деб Карманага (Музаффар олди) юборар эди.

Улар ўзлари кутмаган ҳолда ногоҳдан юқори мансаб ва амалларга қўйилгандан кейин аҳоли қонини ича бошладилар, қўпол муомала қилар, унча-мунчани назар-писанд қилмас эдилар. Шу жиҳатдан Кармана кишилари Бухоро одамлари наздида шум кўринар эди”.

Бу фикрлар Сизга қандай воқеаларни эслатмоқда? Олис ўтмишда ҳукм сурган сомонийлар, темурийлар, шайбонийлар, бобурийлар, аштархонийлар сулоалари ва қонли жангу-жадаллар эҳтимол Сизни ўйлантираётгандир. Бироқ Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг яқин ўтмиши ва энг янги тарихида ҳам бу воқеаларга ўхшаб кетадиган тарихий ҳодисалар тикилиб ётибди...

– Россия империяси қўшинларининг Сирдарё дашти орқали Бухоро амирлиги ҳудудида кириб ке-

лаётганини эшитган халқ ва уламолар таҳликага тушади. Ички ғавго, исён, даъватлар амир Музаффарни ношлож қўшин тўплашга мажбур этади.

Музаффархон 30 минг кишилиқ қўшинга Оллоёр девонбегини бош қилиб генерал Романовский қўшинига қарши Сирдарёга чиқаради.

Ўзи Ҳратепа яқинидаги Роғун қишлоғига қўшни майишат-ишратни бошлаб юборади. Лашкарбоши Оллоёр девонбегининг энди етилиб келаётган ўн яшар қизини қучоғига келтиришларини буюради. Амирнинг жирканч хатти-ҳаракати натижасида гўдак ўша кечаси нобуд бўлади. Бу мудҳиш хабарни эшитган Оллоёр жанг майдонини тарк этади.

Юрт, халқ, шунингдек, ўзининг тақдири ҳал бўлаётган таҳликали паллаларда ўз лашкарбошисининг норасида жигарбандини зўрлаган ҳукмдорни ким деб ўйлаш мумкин? Менимча мамлакат оёқости бўлишининг энг бурилиш, нозик нуқтаси шу ерда шекилли?

– Келинг, саволингизга жавобни яна ўша давр воқеаларининг бевосита гувоҳи бўлган Аҳмад Дониш фикрлари билан бошласам:

“Музаффархон) ҳукмонлигининг дастлабки бир икки-йилида отасидан қолган давлатга таянган ҳолда Ҳисор ва Ҳўқанд томон лашкар тортиб, баъзи мавзеларни куч ва шафқатсизлик билан эгаллади ва аҳолисига омонлик бермай, қатлга етказди, яъни аҳвол илгаридек хусумат ва фасодга қайтди. Жангу жадалда икки-уч ғалабадан кейин амирга фиръавн димоғдорлиги йўл топиб, дунёда ўзидан бошқани тан олмайдиган, шариат кўрсатмаларини ўз хоҳишига қараб мослайдиган бўлди.

...Шу тарихқа, отаси давридаги амалдорларнинг аксариятини қатл қилди, мулкларини мусодара этиб, ер билан яқсон қилди, қабих кишилар ва қулларни халқ бошига кўтарди.

Мовароуннахрни Россия томонидан истило қилиш бошлангунча шундай давом этди. Қўшинга ҳар тарафлама жабр қилишар, саркардалар ҳимматсиз, ғайратсиз, нодон эди. Аскарлар қулларга хизмат қилишни ор билиб, орқасини ўгириб қочишга юз тутди, шундай қилиб, ҳамма вилоятлар Россия тасарруфига ўтди.

Сабаби шундаки, бир аскарга бериладиган маош тўрт кишига бериладиган бўлди, бир саркардага бериладиган танҳо иккитасига бериладиган бўлди...

Бухоро вазирлиги Муҳаммадшоҳ қўшбеги қўлида эди. Бу одам калтафаҳм, саводсиз, беақл эди, доим касал бўлиб, тўғри сўзни ҳам подшога етказа олмасди. Ҳеч ким давлат фойдасига бирон нарса дейишга журъат қила олмас, шу сабабдан миллат ва давлатнинг ишлари тўлиқ инқирозга юз тутди, қўшин ва халқ ўртасида осойишталик йўқолди. Аслида мамлакат равнақи вазирнинг зийраклиги, қатъиятлиги, тўғри мулоҳаза юришига боғлиқ. Агар вазир бемулоҳаза бўлса, бундай давлатнинг ҳолига вой”.

Аҳмад Донишнинг Бухоро ҳукмдори ва унинг бош вазир ҳақидаги мулоҳазалари устидан кўп мушоҳада қиламан. Бунда алломанинг ёзганларини қайта-қайта ўқиб, бу ерда фақат ўзбек халқининг XIX асрдаги оғир тарихини эмас, балки унинг келгуси қисматини ҳам башорат қилганлигини ҳис этаман. Дарҳақиқат, юртда подшоҳ мабодо адолатли бўлиб, вазир золим бўлса ҳам барака бўлмайди.

Келинг, Россия империяси қўшинларининг Бухоро амирлигига ҳужуми тафсилотига ўтайлик. Гап шундаки, кўп манбаларда тарихий саналар ҳам, шахслар ҳам, воқеалар ҳам аралашиб кетган. Бунинг устига факт

олинган тарихий манба кўпинча ноаниқ. Фақат бу ерда битта нарса аниқ. Дарҳақиқат, бу жангда Бухоро амири қўшинлари енгилган.

Агар Сиз қарши бўлмасангиз суҳбат маромини ўзбек халқининг кейинги асрлардаги тақдири ҳал қилинган ўша мураккаб XIX аср 60-йиллари ўрталарига қараб бурсак...

XIX аср ўрталарида мустамлакачи икки йирик империя, яъни Россия ва Буюк Британиянинг стратегик манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Россия империяси сиёсатдонлари ва ҳарбийлари Буюк Британиянинг Туркистон ўлкаси ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишдан фоят хавфсираётган эди. Ана шундай вазиятда Ўрта Осиё хонлиқларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши хавфи кучайди. Россия империяси турли экспедиция ва илмий гуруҳларнинг қатнашчилари, сайёҳлар ва олимлар ниқоби остида кўплаб жосуслар, айғоқчилар, ҳарбий мутахассислар ва хуфияларни Туркистонга жунатган. Хуллас, хонлиқларни босиб олиш учун Россия империяси катта миқёсда ҳарбий-сиёсий тайёргарлик кўра бошлади.

Россия империяси Туркистон минтақасини босиб олишдан олдин мукаммал режани ишлаб чиққан. Режада асосий зарбани минтақада энг заиф ва ҳудуди жиҳатдан кичик Қўқон хонлигига бериш, айна пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Қўқон хонлиги билан ўзаро бирлашиб қўшин тузишига, ўзбек хонлиқларининг биргалиқда ҳаракат қилишига имкон бермаслик мақсадида улар ўртасида турли низолар чиқариш ва мавжуд ихтилофларни кучайтириш йўлларини ишлаб чиқишга қаратди. Россия ҳарбий министрлигида ҳарбий ҳаракатларга кетадиган харажатлар, қўшин миқдори ва тури, уруш ҳаракатларида қатнашувчи қисмлар, қуруқлик ва сувда ҳаракат қилувчи воситалар, қурол-ярғоқ миқдори ва захиралари аниқланди.

Россия империяси қўшинлари 1853 йил Қўқон хонлигининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Оқмасжид қалъасини (ҳозирги Қизил Ўрда шаҳрини) эгаллашди. Рус қўшинлари Қўқон хонлигининг шимолий ҳудудларига икки тарафдан – Орол денгизи бўйи ва Ғарбий Сибирь (собик қозоқ жузлари) ҳудуди орқали бостириб кела бошлади. Тез орада Или дарёси водийси эгалланиб, 1854 йил Олмаота қишлоғи ёнида Верний ҳарбий истеҳкоми (ҳозирги Алмати шаҳри) қурилди.

Россия империясининг Туркистон минтақасини эгаллаш учун кенг қўламдаги ҳарбий ҳаракатлари XIX аср 60-йилларидан бошланди. Пишпак (ҳозирги Бишкек), Тўқмоқ шаҳарлари 1862 йил, Сузоқ қалъаси 1863 йил, Туркистон, Авлиёота (ҳозирги Тароз шаҳри), Чимкент шаҳарлари 1864 йил Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олинди. Ниҳоят, 1865 йил 17 июнда Тошкент шаҳри ҳам М.Г. Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан қаттиқ қаршиликдан кейин эгалланди. Россия империяси босиб олинган ҳудудларда 1865 йил баҳорда Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсунувчи Туркистон вилоятини тузган.

Мустақиллик йилларида нашр этилган “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг 2006 йил босилиб чиққан 12-жилдида ёзилишича, рус қўшинларининг Тошкентни босиб олиши натижасида Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида бевосита ҳарбий тўқнашув юзага келган. М.Г. Черняев бошчилигидаги Россия империясининг қўшинлари 1866 йил февралда амирликка қарашли Жиззахни босиб олиш учун ҳужум қилдилар. Бу жангда руслар мағлубиятга учраб, орқага чекинган-

лар. Музаффархон қўшинлари ҳужумга ўтиб, 1866 йил 5 апрелда Чинозни руслар қўлидан озод қилишган. Россия империяси маъмурияти Черняев ишларидан қониқмай унга жазо бериб вазифасидан олиб ташлади ва ўрнига генерал Романовскийни тайинлади.

Бухоро амири Музаффархон Бухородан 60 000 кишилиқ лашкар билан Тошкентни эгаллаган руслар устига юриш қилди. Амир қўшини таркибида 5000 ўзбек манғитлари, 30 000 қирғиз ва қозоқлар, 10 000 туркманлар ва 20 тўп бўлган. Бироқ бухороликлар қўшини яхши қуролланмаган, аскарларнинг аксарияти ҳарбий тайёрликдан ўтмаган эди. 1866 йил 8 майда Жиззах билан Ўратепани ўртасидаги Майдаюлғун мавзесидаги Ержар манзилида (ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилояти ҳудудида) Музаффархон қўшини билан генерал Романовский бошчилигидаги Россия империяси ҳарбий кучлари ўртасидаги дастлабки жиддий тўқнашувда Бухоро аскарлари енгилган ва орқага чекинган. Ушбу жангда амир Музаффархон ўзининг ҳарбий лаёқатсизлигини намойиш қилди. Подшо Россияси қўшинлари 1866 йил 24 майда Хўжанд шаҳри ва Нав қалъасини, 2 октябрда Ўратепани, 18 октябрда Жиззахни босиб олдилар. Россия империяси бутун диққат-эътиборини Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудини тезроқ босиб олишга қаратди. Ўша йили Қўқон хонлиги ҳам Бухоро амирлиги таъсиридан чиқиб, Россия империясига тобе бўлиб қолган.

Машҳур тарихчи олим, йирик хаттот ва мунший Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1839-1908) Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида бўлган жангларда воқеанавис сифатида бевосита иштирок қилган. "Тарихи салотини манғития" (1906-1907) асарида муаллиф Бухоро амирлигининг манғитлар ҳукмронлик қилган даврини танқидий нуқтаи назардан баҳолайди. Мирзо Абдулазим Сомий Ержар жанги сифатида машҳур бўлган Майдаюлғун воқеасини (тарихчи ибораси) ўз китобида қуйидагича кўрсатиб ўтади:

"У (Музаффархон) панжшанба куни жиҳод йўлида оёғини жиҳод узангисига қўйиб, кўп сонли лашкари ҳам беҳисоб ғозийлар ила Бухорои шарифдан кўзғалиб, йўлга тушди. У бутун қурол-яроғлари-ю, шон-шавкати кўз-кўз қилиб, (узук) йўл босиб, (ўз) тасарруфидаги Ўратепага етди. Сайхун дарёси қирғоғида ўринлашмиш ва бир кенг саҳродан иборат бўлмиш Майдаюлғун мавзеида тўхтаб ўрду ясади.

Жинирол Кауфман бу воқеа хабарини эшитиб, душман ҳақида маълумот олиш мақсадида Черняев – тўра қўмондонлиги остида бир даста ўрис қўшинини сафарбар қилди. Насроний қўшинининг илғор дастаси ғозийлар кўзига кўрингач, булар (даҳшатдан) ранглари ўчиб, бир зум ўйлашиб қолдилар. Милтиқлардан отилган ўқларнинг кучлигина шовқини ҳали қулоқларига чалинар-чалинмас, (бухороликлар) тўплар сурони таъсирида хаёл уйқусидан уйғониб, қочмоқни мўлжаллаб қолдилар. Майдаюлғун воқеаси (янада) батафсилроқ баёнга муҳтождир, аммо ҳозир бунинг ўрни эмас. Баъзи бир вазиятларни сир сақлаш андишаси мени мазкур ишдан четга тортадурки (мени) кечирсинлар... (Эҳтимол, муаллиф юқорида сиз тилга олган шармандали ҳолатни тилга олишдан ор қилаётгандир).

Ғозийлар қочганидан кейин насронийлар қўшини ташлаб кетилган қурол-яроғ, тўпу тўфанг, нарса-буюмларга эга чиқиб олиб, сўнг Ўратепани ён атрофдаги барча мавзелари билан қўлга киритди-да, Чинозга қайтди. У бу ерда бир неча кун туриб, Бухоро билан сулҳ ҳамда дўстона муносабатлар ўрнатиш ва элчини озод қилиш

борасида яна бир бор уриниб кўрди. Аммо (бу иш) ҳеч қандай натижа бермади".

Бу ўринда Мирзо Абдулазим Сомий рус армияси қўмондонлари сифатида янглиш тарзда Кауфман ва Черняевнинг номларини тилга олади. Аслида бу жангга рус армиясини генерал-майор Д. Романовский бошлаб кирди. Генерал К.П. Кауфман Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори сифатида Тошкентга фақат 1867 йил июлда келган эди. Полковник М. Черняев бўлса 1864 йил бошидан то 1866 йил март ойигача Туркистонда бўлиб, Тошкент босиб олингандан кейин орадан кўп ўтмай у Санкт-Петербургга чақириб олинган ҳамда ўрнига генерал-майор Д. Романовский тайинланган эди.

Мазкур жанг тафсилотлари ва унда Бухоро қўшинининг шармандаларча мағлубиятга учраш сабаблари ўша воқеаларнинг яна бир иштирокчиси Аҳмад Дониш томонидан батафсил тасвирланади.

"Умуман олганда, русларнинг Тошкент устидан ғалаба қилиши ва у ерни истило қилишларидан кейин Бухоро сарҳадига ўтишда Самарқандга кириш дарвозаси бўлган Жиззахни ҳимоя қилиш зарурлигини англаб, бу борада юз минг танга сарфладилар ҳамда мудофаа деворини қурдилар. Русларнинг олға юришига тўсқинлик қилиш учун кўп сонли илғор гуруҳни қалъага гарнизон сифатида юбордилар.

Шу даврда умрида милтиқдан отилган ўқ овозини эшитмаган, уруш маъракасини, жанг майдонини кўрмаган амир ғулумларидан бири Яъқуб кушбеги лашкарбоши этиб тайинландики, энг оддий навкар ҳам унинг лашкар бошлиғи этиб тайинланганлигидан ор қилар эди.

Россия Жиззах устига юриш қилмасдан бир оз аввал Бухоро шаҳрида мадраса талабалари, уламолари жиҳод қилиш фарз деб сағиру кабирларни кофирлар устига ташланишга чақириб, катта ғавго кўтардилар. Амир бу ҳодисадан қийин аҳволда қолиб, иложсиз лашкар тортиш, жиҳод асбобларини тайёрлашга фармон берди.

Катта қўшин, ўттиз олтита тўп, бир неча туяга ортилган артиллерия анжомлари билан саросима ва ҳадикда шаҳардан чиқдилар. Душман билан юзма-юз келганда эса порох ва тўп ўқлари, ўқ-дорилар Бухорода қолгани, ҳамма уруш жиҳозлари яроқсиз ҳолда эканлиги маълум бўлди. Уқ-дорилар шу даражада эдики, уни аланглатиш, шуъла бериш учун бир лаган оташ керак эди...

Икки ой деганда Сирдарё бўйига етиб келиб, Сасиққўл деган жойда тўхтадилар...

Руслар душманнинг ҳақиқий аҳволини билмас эдилар. Улар ўз китоблари орқали Темур салтанати ва ўзбек қўшинининг куч-қудратидан хабардор бўлиб, бутун даштни мўру малаҳдех эгаллаб келаётган сипоҳларни кўриб сулҳ тузишга рози эдилар. Улар ўзларига катта шикаст етишидан хавотирда эдилар. Ҳар қанча одам юбормасинлар, хат ёзмасинлар, давлат амирларидан бахт-омад юз ўгирганиданми уларга сўз уқтириб бўлмади, эҳтимол улар (хатларнинг) маъносини тушунмагандирлар ва бу билан амирни ишонтира олишмагандирлар.

... Рус аскарлари бир ярим-икки мингдан ошмасанда, темир девордай келар эдилар. Бизнинг аскарлар орқага чекиниб бостириб келаётган рус аскарларини ноқулай жойга тушириб, ўраб, асирга олмоқчи эдилар.

Амир тўхтаган жойда шоҳона чодир қад кўтарган эди. Жанг майдони ундан тахминан бир фарсаҳ келарди. Ноғора овози унинг чодирга етиб келарди. Амир

чодир соясида шахмат ўйини билан банд эди. Бир тўда ҳофизлар ғазал ўқир эдилар. Амир ноғоранинг бир маромда урилишига мослаб оёғини тақиллатиб ўтиради. Бироқ шу вақт рус кўшинлари ҳужумга ўтиб тўпларни эгалладилар ва ислом ғозийлари томон икки-уч марта тўлдан сочма ўқ уздилар, ҳамма гўё қочишга мунтазир бўлиб тургандай, тўп-тўп бўлиб қоча бошлади... Шу вақтнинг ўзида амир ҳазратларига “лашкар бевафолик қилди, орқага чекинди” деган хабар келтирдилар. Амир саросимага тушиб, довдираган ҳолда шахмат устида туриб, тўни ва салласини ҳам кийишга улгурмай, эгарланмаган отга миниб қочиб қолди.

... Барча мулк, беҳисоб анжомлар, пуллар, ҳатто товоқларга солинган тайёр таомлар, тўшаклар устига терилган косою пиёлалар ҳам ўша жойда қолди. Лекин рус аскарлари бунга эътибор беришмади. Даштлик қирғиз ва қозоқ элатлари келиб, ҳеч ким ҳисобига етмайдиган бу ашёларга эгалик қилди.

Амир қочаётган вақтда заҳар танг қилиб, ҳожатини чиқаришга вақт тополмай, эгар устига ёзилиб иштонини ҳўл қилиб қўйди. Ховос қишлоғига келиб отдан тушди ва етиб келган бир неча хизматкорларга либосларини ювиб қўйишларини буюрди. Эртаси куни тонгда ҳузурига айрим амирлар йиғилди, амир эгнига тоза либослар билан оройиш бериб, Самарқандга етиб келди. Беш юзга яқин киши амир хизматига келди, тахминан икки юз мингга яқин аскар уйларига тарқалиб кетди. Уларни илгари ҳам ўйламай жам қилган эдилар, яна ўйлаб-нетиб ўтирмай уни тор-мор этилишига йўл қўйиб бердилар. Ҳеч ким “қаердан келдинг”, “қаерга кетаяпсан” деб сўрамади.

Бу парокандаликнинг сабабчилари Амирнинг эл ва улус уларга хизмат қилишдан ор қиладиган мактабдош ғуломларидан иборат лашкарбошилардир. Элатия жангчиларининг оладиган хизмат ҳақлари 20 танга эди. Шу ҳам кўпинча бир неча кунга кечиктирилиб, тўлиқ берилмасди. Бозорлардаги нархлар ўзгарувчан, баланд бўлганлиги туфайли хизмат ҳақлари баҳодирларга етишмас эди. Шу билан бирга, нон учун жон қурбон қиладиган оч ва муҳтожлар жуда кўп эди.

Агар кўшин бошига ҳақиқий жангчи тайинланганда, хазина эшиклари очилиб, ҳар қайси жангчига 60 дирҳамдан ҳақ берилганда, бозордаги нархлар тартибга солинганда одамларнинг шавқи синмас ва душман билан жон олиб, жон бериб курашар эдилар”.

Хуллас, Аҳмад Дониш манғитлар сулоласи тарихи тўғрисидаги ўз рисоласида ўткир киноя ва аччиқ кесатиқ билан ўзи хизмат қилган Амир Музаффарнинг бутун шахсий “сифатлари” ва “саркардалик” лаёқатини очиб беради. Бу сўзларга яна нимани қўшимча қилиш мумкин, ахир...

Шу ўринда Сиз тилга олган лашкарбоши Оллоёр девонбеги ҳақида бир оз тўхталиб ўтсак. Аслида Оллоёр девонбеги лашкарбоши, яъни муайян миқдордаги кўшин кўмондони бўлмай, балки у Жиззах ҳокими эди. У ҳам худди Бухоро амирлари сингари ўзбекларнинг манғит уруғига мансуб бўлган.

Мирзо Абдулазим Сомийнинг ёзишича, Майдаюлғун ҳодисасидан кейин Амир Музаффар “Жиззахда эканлигида манғитлардан Оллоёр девонбегини ҳокимликка тайинлаб, Жиззахдаги эски кўрғон атрофида яна бир девор қуриб, уни мустаҳкамлаб, шу ерда амирлашкарлар бошчилигида ўрду тарзида катта бир лашкар қолдиришни буюрдик, гўё бу тадбир ила у ўз кўнгида насронийлар кўшини йўлида мустаҳкам тўсиқ бино қилгандек эди...”

Муҳосарада қолган амирлардан Оллоёр девонбеги манғит, Одил додхоҳ хитой, Абдусаттор Иноқ Хусанбий, Жуёнхожа тўқсабо, жинирол Искандархон ва (бошқа) талай амирлашкарлар шаҳид бўлдилар... Ўлим соати кечиктирилган амирлар, хусусан, Ёқуб кўшбеги ва бошқа баъзи бир кишилар мағлубиятга учраб, уст-бошсиз, пиёда Самарқанд қочиб, олиймақом пойига етиб келдилар. Улардаги (сабоқ) шон-шўхратнинг қолган-қутганларидан ва Майдаюлғун воқеасидан кейин (ҳамон) сақланиб қолмиш куч-қудратдан асар ҳам қолмаганди.

...Жиззах воҳаси ва (унда) лашкари мағлуб бўлганлиги хабари (олинган)дан кейин жаноби олийлари Самарқанддан чиқиб, Карманага келдилар ва шу ерда муқим туриб қолдилар. Ҳузур ҳокими Абдулмалик Тўрани, Ҳисори Шодмон ҳокими Раҳмонқул парвоначини, талай қалъа лашкарларини, кўнғирот лашкарларининг қолган-қутганини, Миёнқол лашкарини, Бухоро навкарларини, (бошқа) вилоятлардаги ғозийларни Самарқандда қолдирди ва Ғишткўприкни мустаҳкамлаб, бу ерда ҳам ўрислар йўлини тўсиш учун лашкар қўйди”.

Маълумки, Жиззах шаҳри Россия империяси кўшинлари томонидан 1866 йил 18 октябрда босиб олинди. Тарихчи Сомий худди шу жараёни ўз асарида тасвирлаб, Жиззах ҳокими бўлган Оллоёр девонбеги шаҳарни ҳимоя қилиш жараёнида мардларча ҳалок бўлганлигини таъкидлайди. Руслар албатта Жиззахни босиб олгандан кейин Бухоро амирлигидаги иккинчи муқим марказ – Самарқанд шаҳрини эгаллашга асосий эътиборни қаратишади. Аҳмад Донишнинг ёзишича, бу пайтда Самарқанд ҳокими Шерали иноқ эди. Амир Музаффар Самарқанд мудофаачиларига ёрдам тариқасида ўз ўғли Катта Тўра номи билан машҳур бўлган валиаҳд шахзода, Ҳузур ҳокими, 18 ёшни тўлдирган навқирон Абдулмалик Тўра (1848-1909) бошчилигида бир гуруҳ кўшинни қолдирди.

Аҳмад Дониш томонидан Жиззах ва Самарқанднинг ўрислар томонидан босиб олинishi эса қуйидаги тасвирланган: “Бир сўз билан айтганда, ўзбек қозонининг қопқоғи очилди, олтин дейилгани мис бўлиб чиқди, руслар керакли даражада уларнинг аҳволдан хабардор бўлди. Улар шу вақтнинг ўзида Жиззах устига юриш қилдилар. Жиззахни мудофаа қилиш учун ўн икки минг аскар бир неча лашкарбоши амирлар бошчилигида Самарқандга юборилди. Ҳамма саркардалар бир-бирларига муҳолиф эдики, агар бири дам берса, бошқаси юриш қилар, агар бирининг оти лойга ботиб қолса, ҳеч қайсиси ёрдам бермас эди. Улар орасида мунтазам аскарлар ҳам бор эди, кўмондонлари афғонлардан бўлиб, тартибли жанг қилиш таъмини олган, катта маъракаларда иштирок этган эдилар...”

Руслар Жиззахни эгаллагандан кейин амир Самарқандда ортиқ туришни хоҳламади ва Бухоро томон отланди. Уламолар ҳақиқий аҳволдан хабарсиз муллалар ва авом одамларнинг кўпини Самарқандга йиғдилар. Амир томонидан Самарқандга ҳоким қилиб қолдирилган Шерали Иноқ эса “шуларнинг шумлиги, игвоси билан қанча жанг, фитналар содир бўлди, бу муллалар қатл қилинмаса, омма тинчимади” деб йиғилганларни қатл қилишга буюрди. “Аслида ғазот суннийларни ўлдиришдан иборат, шунда биз тинч бўлаемиз”, деди. Ўз амалларининг хатоси бўлмиш фармонни бир тўда мусулмонларнинг қони билан безадилар. Самарқанд фуқаролари бу бедодликни Шералидан қўриб, бутун аҳоли, мусулмон талабалари, эраку аёл Самарқанд гарнизони аскарларига қарши

кўтарилдиларки, кўчаларда одамлар қони оқа бошлади. Бу хабар дам-бадам душман қулоғига бориб етарди ва улар “қаерда ўлдирилмасин, бу бизнинг фойдамизга” дер эдилар. Ўшанда Самарқандда бўлган бухоролик айрим саркардалар энгил ваъдалар билан бу фитнани тинчлантириш йўлини топдилар.

Ҳеч ким ҳеч замон бу мамлакатда бўлганидек тартибсизликни кўрмаган...

Руслар Самарқанд дарёси ёқасига келганда тўп-ларимизнинг баъзилари Чўпонота қирига чиқарилган эди. Тўпдан икки-уч марта отилди, бироқ ўқ-доримиз олов олмади. Руслар сочма ўқ отиб, қийинчиликсиз шаҳарга кирди ва Кўктошни эгаллади. Ҳамма хаёлпарастлар ўша замон Бухорога қадар қочиб борди. Шу тариқа, чоруночор сулҳга рози бўлдилар. Асиримиздаги рус зодагонини текинга озод қилишди, амир русларга бир юз етмиш минг динар қизил олтин беришга мажбур бўлди. Бухоро ери Самарқанддан чегара чизиғи билан ажратилди...

Русларга қилинган ҳарбий харажатларни қоплаш ва биз томон ҳужумларни тўхтатиш учун яна шунча миқдорда тоvon тўладик, итоат интизомини бажарамиз деб ушбу маблағ билан Бухоро шахзодасини элчилар билан бирга рус императори пойтахтига юбордик”.

– Лекин халқ ўз ҳукмдорининг нодонлигига қараб ўтирмайди. Амир Музаффарнинг ўз ўғли Абдулмалик тўра босқинчиларга қарши бош кўтармоқчи бўлган оммани бошқаришга, ғанимнинг йўлини тўсишга ҳаракат қилди. Аммо отаси бу хатти-ҳаракатларни кўриб, душманни эмас, ўз ўғлини, ватанпарвар, халқпарвар бир инсонни йўқ қилишга киришди, охир оқибат рус лашкарбонилари билан тил бириктириб гўё “мақсадига эришди”. Амирни айнан ўз ўғли билан адоватлашишига нима сабаб бўлган эди?

– Дарҳақиқат, Катта Тўра номи билан машҳур бўлган валиаҳд шахзода Абдулмалик Тўра (1848-1909) Россия империясининг босқинчилик сиёсатига қарши кураш олиб борган жасур инсон эди. Хусусан, бу пайтда Фузор беги бўлган Абдулмалик тўранинг жасорати Самарқанд кўзғолони даврида яққол кўринди.

Самарқанд кўзғолони 1868 йил 1-8 июнда кўтарилган. Кўзғолон, бир томондан Россия империясининг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатига қарши, иккинчи томондан, маҳаллий амалдорларнинг зулми ва ўз халқига нисбатан хоинлигига қарши қаратилган эди.

1868 йил 2 майда Россия империяси қўшинлари Самарқандни эгаллагач, генерал К.П.Кауфман шаҳар ва унинг атрофида жойлашган вилоятлардаги маҳаллий амалдорлар ўз ўринларида қолдирилганини, халқ бунгача мавжуд бўлган солиқларни Россия империяси хазинасига топширмоғи лозим эканлигини эълон қилган. Ўша йилги солиқлар тўла ундирилганига қарамай, подшо ҳукумати аҳолига қайта солиқ солишни талаб қилган. Зарафшон округида (у 1886 йилда Самарқанд областига айлантирилди) генерал Н.Н.Головачёв бошқич ҳарбий-бюрократик ҳокимият ташкил қилиниб, меҳнаткаш аҳолининг амалдорлар ва Россия империяси маъмурияти томонидан эзилиши Самарқанд кўзғолонига сабаб бўлган.

Тарихчи Азим Маликовнинг ёзишича, 1868 йил 1 июнда Амир Музаффарнинг тўнғич ўғли Абдулмалик тўра бошчилигидаги қўшинлар Шаҳрисабздан Самарқандга йўл олишган. Уларнинг етиб келиши билан Самарқандда русларга қарши кўзғолон бошланган. Кўзғолонда ўзбек халқининг турли қавмлари: манғит-

лар, хитой-қипчоқлар, найманлар, туёқпилар, шунингдек, самарқандликлар, ургутликлар, панжикентликлар ва қорақалпоқлар қатнашган. Кўзғолончилар дастлаб Чўпонота тепалигида йиғилганлар. Улар 2 июнда қалъага (шаҳарга) ҳужум қилишган. Ўша даврда Самарқанд қалъасининг иккита дарвозаси бўлган. Ассий жанглар жанубда Рухобод мақбараси тарафида жойлашган Бухоро дарвозаси атрофида бўлган. Баъзи маълумотларга қараганда, жангларда ватанпарварлардан 6000 дан зиёд одам қатнашган.

Кўзғолонга дастлаб Шаҳрисабз ва Китоб беклари Жўрабек ва Бобобек, кейинчалик Абдулмалик тўра раҳбарлик қилишган. Кўзғолончилар рус аскарлари жойлашган қалъага қаттиқ ҳужумлар уюштиришган. Бутун шаҳар аҳолиси кўзғалган. Бироқ амир қўшинлари Зирабулоқ жангида руслар томонидан тор-мор келтирилганини эшитгандан сўнг ва 4 июнь куни руслар Шаҳрисабзга юриш бошлаганилиги тўғрисида ёлғон миш-мишга ишонган Китоб ва Шаҳрисабз беклари Самарқанддан чиқиб кетишган. Бу ёлғон миш-мишлар ва ваҳимали хабарларни русларнинг рубли ва даддабали ваъдаларига сотилган айрим сотқинлар ва хоинлар тарқатишган эди. Уларнинг номини ҳатто бу ерда келтиришдан ор қиласан киши... Афсуски, Туркистон ва Ўзбекистон тарихида кўпинча ана шундай сотқин ва кўрқоқ одамлар ҳамда уларнинг авлодларини ошиғи олчи, пичоғи мой устида бўлган... Дарвоқе, 1865 йил май ойида рус қўшинини ана шундай сотқинлардан бири қирғиз миллатли Шобдон ботир Жонтой ўғли йўлбошловчи сифатида Тошкент шаҳри устига бошлаб келган эди...

Самарқанд кўзғолонига кейинчалик Ибод Салимбоев, Тўхтаўжа Налчор, Зокирбой Раззоқбоев, Абдушариф Абдулфаттоев бошчилик қилишди. Кучларнинг заифлашишига қарамай самарқандликлар кўзғолонни тўхтатмай уни 7 июнгача давом эттиришган, лекин кўзғолончилар уюштирган ҳужумлар анча сусайган. Икки кун мобайнида Россия қўшинининг 150 аскарлари сафдан чиққан. 8 июнь куни Россия қўшинига ёрдамчи илғор қисмлар етиб келгандан кейин қаттиқ жанг бўлиб, Самарқанд шаҳри руслар томонидан қайта ишғол қилинган.

1868 йил 8 июнда Кауфман буйруғи билан Самарқанд шаҳри бирваракайига тўпга тутилди. Шаҳарни батамом ёқиб юбориш ҳақида буйруқ олган рус аскарлари қирғин бошлайдилар. 9 июнда минглаб тинч аҳолининг ёстиғини қуритган Самарқанд фожиаси бошланади. Қатли ом уч кун давом этади. Минглаб одамлар ҳеч қандай тергову суд ва сўроқсиз отиб ташланади. Кўзғолон фаолларидан 19 киши қўлга олиниб, Сибирга сургун қилинади. Умуман олганда Самарқанд кўзғолони тарихда муҳим ўрин тутди.

Садриддин Айнийнинг фикрича, Абдулмалик тўранинг ҳаракати ва кўзғолончиларнинг жасорати туфайли Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори К.П.Кауфман пойтахт Бухоро шаҳрига ҳужум қилишдан воз кечган ва сулҳ тузишга мажбур бўлган.

Хуллас, 1868 йил 23 июнда Самарқандда имзоланган Россия-Бухоро сулҳ шартномасига кўра, Бухоро амирлиги Россия империясига тобе бўлиб қолган. Зирабулоқча бўлган ҳудуд руслар бошқаруви остига ўтган.

Амир Музаффархон шахсиятидаги айрим иллатлар: худбинлик, бошқалар фикрини назар-писанд қилмаслик ва ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиш, ҳарбий соҳадаги лаёқатсизлик ва буни тан олмаслик, манмансирашлик касали ва шухратпарастлик кайфияти, ҳатто

душман олдидаги журъатсизлик ва кўрқоқлик, одам танлай билмаслик ва бошқарув илмини тушунмаслик каби камчиликлар Бухоро давлати ҳарбий кучларининг Россия империяси қўшинларидан мағлубиятга учрашига олиб келган субъектив омилидир. Шу билан бирга Бухорода ҳарбий иш ва қўшин аҳволи бу даврда ҳароб ҳолатда эканлиги, Амир Насруллоҳ даврида бошланган ислохотлар тўхтаб қолганлиги, минтақадаги учта ўзбек давлати ташқи душман – Россия империясига қарши курашда ўзаро бирлаша олмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бухоро амирлиги Россияга тобе бўлиб қолгач, амирликдаги баъзи сиёсий ва ҳарбий кучлар Абдулмалик тўра атрофида бирлашдилар. Абдулмалик тўра, бир томондан Россия империясининг босқини ва мустамликачилик зулмига қарши, иккинчи томондан, душманга қарши курашда ожизлик ва кўрқоқлик қилган отаси Амир Музаффархонга қарши Ғузор, Шаҳрисабз ва Китобда кўзғолон кўтарди. Уни ушбу ҳудуд аҳолиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари Жўрабек ва Бобобек қўллаб-қувватлайди. Пойтахт Бухорода ҳам Абдулмалик тўрани қўллаб-қувватловчилар топилади, унинг атрофида тўпланган беклар, саркардалар ҳамда оддий аҳоли вакиллари уни Шаҳрисабзда амир деб эълон қилишади.

Айнан шу ҳолатлар Амир Музаффархоннинг ўз ўғли билан ёвлашишига олиб келди. Музаффархон ўғлига қарши қўшин тортди ҳамда мағлубиятга учраб чекинди. Бу ҳолат қашқадарёлик журналист ва ёзувчи Самар Нурийнинг “Қора тонг” (2003) романида ўз ҳақоний ифодасини топган.

Мирзо Абдулазим Сомий ўзининг “Манғит султонлари тарихи” асарида Абдулмалик тўра жасоратини кўрсатиш билан биргаликда у йўл қўйган хатоларни, баъзи сарой амалдорлари ва саркардаларнинг ота-бола (амир ва валиаҳд) ўртасини бузишга интилгани, шу билан бирга, Амир Музаффархон лаёқатсиз ҳукмдор эканлигини очиқ кўрсатиб ўтган.

Хуллас, Бухоро амира Музаффархон ўғлига қарши қўшин тортди. Жанглarda мағлубиятга учрагач, Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги маъмуриларидан ҳарбий ёрдам сўрашга шошилди. Зарафшон округи ҳарбий губернатори генерал Абрамов бошчилигидаги рус қўшинлари 1868 йил 23 октябрда Қарши шаҳри устига юриш қилиб, шаҳарни Абдулмалик тўрадан тортиб олиб, Амир Музаффархонга топширди. Абдулмалик тўра атроф-теварақдан куч тўплашга киришган, хусусан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхондан мадад истаб борган, сўнгра Ҳисор вилоятидан ва туркманлардан қўшин тўплаб, Қаршини яна отасидан тортиб олган. Генерал Абрамов қўшинлари 1870 йилда Абдулмалик тўранинг кучларини тор-мор келтириб, Шаҳрисабз, Китоб ва Қаршини Амир Музаффарга қайта олиб берди. Айнан генерал Абрамов буйруғи билан Россия империяси қўшинлари томонидан Шаҳрисабздаги машҳур Оқсарой ва бошқа ёдгорликлар тўплардан ўққа тутилиб, вайрон қилинди. Бироқ бу тарихий ҳақиқат ҳозиргача илмий тадқиқотларда ҳолис кўрсатилмаяпти. Ҳатто академик Бўрибой Аҳмедов бундан анча йиллар олдин Шаҳрисабздаги Оқсаройни Бухоро хони Абдуллахон II буздирган, деган нотўғри маълумотни ўйлаб топди ҳамда ўз китобларидан китобларига бу фикрни кўчириб ўтказиш билан шуғулланди.

На отасидан, на Хива хонидан, на халқдан, на дўсту ёрларидан рўшнолик кўрган Абдулмалик тўра Бухородан чиқиб Афғонистонга, сўнгра 1873 йилда

Кошғарга жўнаб кетишга мажбур бўлди. Кошғар Хитой томонидан босиб олинган, у Ҳиндистондан паноҳ топди. Абдулмалик тўра 1909 йилда Пешовар шаҳрида вафот этди. Хуллас, ўзбек халқининг яна бир жасур ўғлини хоки бугунги Покистон давлати ҳудудида қолиб кетди...

Энди, гапнинг мавриди келиб қолди. Тарихчи олим ва бир куйинчак зиёли сифатида мени бир нарса кўп ўйлантиради. Туркий халқлар ўртасида, хусусан, биз мансуб бўлган ўзбек халқи орасида нега азалдан бирлик бўлмаган. Тарқоқлик ва ўзибўларчилик (буни биз ўзига бек деб лоф урагимиз), ҳокимият тепасида ўтирган аксарият амалдорларнинг Ватан ва Халқ манфаатини эмас, балки ўзи ва оиласи манфаатини ўйлаши, юрт ҳукмдорларининг душман олдида ожизлиги ва кўрқоқлиги, хусусан, юртини ўрисга бой берган Бухоро амира Музаффархон, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II, Қўқон хони Худоёрхон (бир пайтнинг ўзида битта халқнинг учта давлат ҳукмдорлари) биз учун ўта пасткаш ҳукмдорлар ҳисобланади... Гапириверсанг, ҳали гап кўп.

Амир Музаффархон ҳақида фикрларимизни яна Аҳмад Дониш асарларидан олинган иқтибос билан яқунласак: “Амир бутунлай ичкилик, бузуқлик, шаҳвоний нафсга берилиб кетди. Қаршидан Кешгача ҳудуддаги унга бўйсунадиган қалъаларда ғавво ва фасодга йўл очилмасин деб, паст табақали одамларни оқсоқол қилиб тайинлади. Иззат-обрўлиларини эса олиб ташлади. Бу вилоятларга кўнгил очиш мақсадида борганда шу ердаги оқсоқолларнинг ҳар куни таъзим бажо келтиришларини талаб қилар ва вилоят қизларини мендан қочирмасин деб йил давомида уларга шоҳона тўнлар кийдирарди...”

...Худди шундай ўнлаб араваларда вазирнинг махсус одамлари, мулозимлари Бухородан келар эди. Улар қизларни топиб, амир қаерда бўлса, кечаю кундуз ўша ерга олиб боришар эди. Ун минг аскар – хизматкорлари билан йигирма мингга етарди. Улар ўша диёр хотинлари, фарзандларига кўз олайтирар, хайвоний ҳирсга берилар эди. Уларнинг Бухорода қолган 20000 хотинлари эса ҳар оқшом 20000 одам билан яқинлашарди. “Аллоҳ асраганлари бундан мустасно, албатта”. (Қуръони карим, 7, 142-145)

Хуллас, Мавороуннаҳрнинг Бухорои шариф жойлашган қисми ялписига Лут Шаҳристонида айланди. Фиску фасод, тартибсизлик шунчалик кучайдики, мамлакат фиръавнлари Мисрга ўхшаб “фосиқлар шаҳри” номи билан машҳур бўлди. Лут шаҳарларига ўхшаб ифлос маконга айланишидан кўрқиб керак эди. “Аллоҳим, бу ер одамларини бу фасоддан сақла”. (Қуръони карим, 15, 74)

Амир Музаффар бошқаруви замонида ўрнатилган тартиблар жумласига гулхан атрофида базму томошалар, болалар рақси, масхарабозларнинг чиқиши, дорбозлар ўйинининг жорий этилиши, ҳамма вилоятларда ноғора, карнай овозлари янграб турганини қўшиш мумкин. Ҳамма жойда тинчлик ҳукмрон, фитнес фагод тугатилган деган фикр ҳосил бўлиши учун шундай қилинарди. Агар давлатга хавф-хатар туғилгудек бўлса, амир бу қадар хотиржам бўлмасди, доира овозини эшитиб ўтирмасди, деган хулоса ҳосил қилиш учун ҳам шу тахлит масхарабозлик қилинарди. Шаҳар аҳолиси сувсизликдан, нархларнинг баландлигидан жон бераётган бўлсалар ҳам, сурнаю карнай ва ноғора овозлари пасаимасди, дорбозлар, рақослар ўз ўйинларини давом эттирар эдилар. Зарафшон тўлиб оққанда, осмондан ёмғир ўрнига ғалла ёққанда шундай севинош мумкин

эди. Бўлмаса, жўшқин тантана, зиёфатлар нима учун қилинапти? Тавба қилиш, кечирим сўраш вақти, билъакс, асло рақс, дорни томоша қилиш вақти эмас эди. Чору ночор баъзилар шунчаки ёки оч қолсалар томошага борар эдилар.

Амир Музаффар даври узлуксиз байраму зиёфатлар замони бўлди. Масалан, агар янги йил (Наврўз) кирса, икки ойча айшу зиёфат тўхтамасди. Кейин Рамазон Қурбон ҳайити, келарди. Агар бу байрамлар тугаса, келин тўйлари, шаҳзода ва маликаларнинг никоҳ тўйлари уюштириларди. Олийҳимматли кишилар бу зиёфату байрамларда ўзларини бадном қилмас эдилар. Бу маъракаларда тубан, хасис одамлар, масхарабозлар, ўйинчилар, бесоқоллар совғаларини халталаб уйларига ташир эди. Саройга қизлар, фоҳишаларни етказиб берадиган қўшмачи кампирлар ҳаммадан кўп олар эди”.

– Қизиғи шундаки, кейинги амирлар ҳам худди шу йўлни туттишди. Амир Олимхонни олинг, бегуноҳ халқни эзгани етмагандай, юртнинг қайси гўшасида чиройли қиз бўлса, келтириб орномусини топтади, ҳарамини тўлдириб, хотин-бозликдан бўшамади. Уриснинг найрангига учиб, Файзулла Хўжаевни душман деб билди.

Ўз навбатида Ф.Хўжаев ҳам душман ҳийласига кўра Олимхонни энг хавфли ғаним ҳисоблади. Айтинг-чи, бу ҳукмдорлар учун Ватан тақдири шу даражада арзимас юмуш эдими?

– Келинг, энг аввало саволимизга озгина ойдинлик киритиб олайлик. Манғитлар сулоласининг сўнги ҳукмдори Амир Саид Олимхон (1881-1944) билан БХСР ва Ўзбекистон ССР ҳукуматларининг дастлабки раиси Файзулла Хўжаев (1886-1838) ўртасида ҳар жиҳатдан катта фарқ бўлган. Бироқ бир нуқта уларни ўзаро туташтиради: ҳар иккаласи ҳам Бухоронинг фарзанди, шу буюк заминда таваллуд топишган эди. Бироқ уларнинг ҳар иккаласи ҳам юртдан узокда: бири Москва ўрмонларида 1938 йилда, иккинчиси эса афғон тупроғида – Кобулда 1944 йил вафот этишди. Ҳар икки шахснинг ўлими фожа билан яқунланди. Ҳар иккиси ҳам юрт дийдорига талпиниб, мусофирликда жон берди. Бу тарих оғир, аянчли ва мунгли тарихдир. Тарих сабоқлари эса ундан-да оғир. Шунинг учун дадил айта оламани, бу зотлар учун Ватан тақдири, хусусан, Файзулла Хўжаев учун “арзимас юмуш” эмас эди! Файзулла Хўжаев, ҳатто Амир Олимхон ҳам Ватан тақдири, Бухоро ёхуд Туркистон, умуман айтганда Ўзбекистон тақдири учун қайғуришган.

Бироқ ҳар иккаласи ҳам қаттиқ адашди, жиддий хатоларга йўл қўйишди. Амир Олимхон ўзининг кичик замондоши, йирик савдогарнинг ўғли бўлган Файзулла Хўжаевга паст назар билан қарамасдан унинг фикрига қулоқ тутганда, Бухорода конституцион монархия ўрнатилганда большевизм балосига қарши жиддий курашиш мумкин эди. Лекин мен тарихчи сифатида шуни айта оламани, Бухоро амирлиги ҳам, Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳам Россия ва СССРнинг ҳарбий ва сиёсий таъйинлари остида мустақил фаолият юрита олмас эди. Совет ҳокимияти Шарқда бу “мустақил давлатлар” мавжуд бўлишига индамай қараб тура олмас, уларни йўқотиш ва аввал Совет Россияси, сўнгра Совет Иттифоқи (СССР) таркибига киритиш учун барча жирканч воситалар ва имкониятлардан фойдаланиши сир эмас эди. Аслида ҳам шундай бўлди. Дастлаб – 1920 йил сентябрда қизил армиянинг ёрдамида Бухоро босиб олинди ва амирлик тузуми куч билан ағдариб ташланди. 1924 йил охирида Ўрта Осиёда миллий-худудий

чегараланиш ўтказилиши натижасида Туркистон АССР ва Хоразм ССР сингари Бухоро Совет Социалистик Республикаси ҳам сиёсий йўл билан тугатилди.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихининг икки асосий ўчоғи – Бухоро ва Хоразм сиёсий саҳнадан йўқотилди. 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР ташкил топди ва у орадан кўп ўтмай – 1925 йил май ойида СССР таркибига киритилди.

Келинг, суҳбатимизни тарихий далиллар билан эмас, балки Ўзбекистоннинг XX аср тарихида муҳим роль ўйнаган ҳамда Сиз тилга олиб ўтган мазкур икки тарихий шахс ҳақидаги фикрлар билан давом эттирсак.

Амир Саид Олимхон манғитлардан Абдулаҳадхон хонадонида 1881 йил 18 декабрда (ҳижрий 1288 йил муҳаррам ойининг 15 куни) Кармана шаҳрида туғилган. Олимхоннинг энаси Давлат Бахт ойим исми гўзал аёл бўлган. Олимхон ёлғиз ўғил сифатида алоҳида меҳр-муҳаббат ва эҳтиромга лойиқ ҳолда вояга етган. Уни ёшлигидан бошлаб Тўражон тўра деб эъзозлашган.

Амир Абдулаҳадхон 1910 йил 22 декабрда Кармана яқинидаги Хайробод чорбоғида 54 ёшида вафот этгач, Кармана ҳокими бўлиб турган Мир Сайид Олимхон тўра отасининг дафн маросимидан кейин Бухоро шаҳрига келиб, 1910 йил 24 декабрда 29 ёшида амирлик тахтига ўтирди.

Амир Саид Олимхон дастлаб Бухоро амирлигида маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий соҳада ислохотлар ўтказилишига уринган. У 1910 йил 30 декабрда махсус фармон чиқариб, ислохотлар дастурини эълон қилган. Фармонга кўра халқдан олинувчи турли солиқлар камайтирилган ва хирож тартибга солинган, амалдорларнинг пора олиши таъқиқланиб, уларга хазинадан маош белгиланган. Ҳарбий ишни қайта қуришга киришилган. Навкарлар ва сарбозларнинг маошлари икки-уч баробар оширилади. Амир Саид Олимхон ва аркони давлатнинг бу ишларини Бухоро жадидлари, хусусан, Фитрат катта олқишлар билан қаршилаган. Бироқ орадан кўп ўтмай Амир Олимхон қадимистик йўл тарафдорлари бўлган баъзи уламоларнинг таъйинлари натижасида бу ислохотларни тўхтатиб қўйган. Ёш бухоролик жадидларга нисбатан хайрихоҳона сиёсатни ҳам ўзаро адоват ва нафрат эгаллаган.

Шу билан биргаликда Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигини Россия империясига қарамлиги тобора кучайди. Унинг фармони билан тараққийпарвар кучлар, аввало, Ёш бухороликлар қаттиқ таъқиқ қилинди. Биринчи жаҳон уруши даврида Россия императори Николаи II уни генерал-лейтенант ҳарбий унвони билан тақдирлаган ва ўзининг генерал-адъютанти қилиб тайинлаган (1915 йил декабрь). Чунки амир уруш пайтида Россия давлатига катта миқдордаги маблағ билан моддий ёрдам берган эди.

Амир Олимхон Бухоро мамлакати учун масъулиятли бўлган бир давр – 1917-1920 йилларда тўғри сиёсат юритиш ўрнига жабр-зулмни кучайтирган. Бухорода 1917 йил апрелда бўлган намойиш, хусусан, Колесов воқеаси (1918 йил март)дан кейин у амирлик ҳудудида 3000 кишини жадид деб айблаб, ноҳақ қатл қилдирган.

Туркистон ўлкасида 1917 йил кузида совет режими ўрнатилгач, Хоразмда Жунаидхон ҳамда Фаргона водийсида Мадаминбек, кейинчалик Шермуҳаммадбек билан қизил армияга қарши курашда иттифоқ тузилган бўлса ҳам Амир Саид Олимхон уларга етарли даражада ҳарбий ёрдам кўрсатмади. Бухоро қўшинини замонавий

қуруллар билан таъминлаш ишлари ҳам охирига етказилмади. Олимхон мамлакат аҳволини яхшилаш ўрнига асосий вақтини дабдабали турмуш кечириш ва айширатга сарфлаган. Бухородаги айрим мутаассиб уламо-ларнинг кучли таъсири остида бўлган улўфвор бир туркий давлат – Бухоро амирлиги таназзулга учраб, парчаланиб кетишида Олимхоннинг калтабинлиги сабаб бўлган.

1920 йил августида Туркистон fronti қўшинларининг Бухорога қилган босқини натижасида Саид Олимхон тож-тахтдан маҳрум бўлди. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди. Қизил аскарлар томонидан Бухоро шаҳри вайрон қилинди, амирлик хазинаси тўла равишда Москвага ташиб кетилди. Амирликнинг 118 кишидан иборат ҳарами 1920 йил сентябр ойи бошларида Хожа Ориф (ҳозирги Шофиркон)да қизил аскарлар томонидан қўлга олинган. Сентябрь ойининг ўрталарида собиқ амир Шарқий Бухорога бориб ўрнашди. Хуллас, Бухоро фожиалари Саид Олимхоннинг шахсиятида кескин ўзгаришлар ясади. Бироқ душманга қарши кураш учун асосий фурсат бой берилган эди. Шундай бўлишига қарамасдан Олимхон Бухоро халқининг босқинчи қизил армиясига қарши олиб борган мустақиллик курашига раҳбарлик қилишига уринди.

Саид Олимхон Ҳисор вилоятини ўзига қароргоҳ (марказ) қилиб, олти ой давомида қизил аскарларга қарши курашади. У Ҳисорда сарой аъёнлари ва маҳаллий амалдорлардан иборат янги ҳукумат ташкил қилади, бухороликларнинг қизил аскарларга қарши олиб бораётган жанг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилади. Янги ҳукумат фаолиятида Ҳисор ҳокими Авлиёкулбек (1922 йили халок бўлган) муҳим рол ўйнайди. Бироқ бир қатор жанглarda мағлубиятга учрагач, 1921 йил 4 мартда Саид Олимхон ўз яқинлари ва сарой аъёнлари билан Амударёнинг Чубек кечувидан Афғонистонга ўтиб кетган.

Кобул шаҳрида Олимхонни Афғонистон амири Омонуллахон (ҳукмронлик даври: 1919-1929) қабул қилиб, доимий яшashi учун унга пойтахт яқинидаги Қалъаи Фотуда махсус қароргоҳ ажратиб берди. У Кобулда муҳим яшаса ҳам Бухорода истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий жиҳатдан раҳбарлик қилишда давом этди, қўрбошилар ва уламоларга турли мактублар ва қимматбаҳо совғалар жўнатиб, уларни большевиклар ва қизил армияга қарши курашга илҳомлантирди.

Олимхон қолган бутун умрини Кобулда ўтказди. У Хорижда ҳам Бухорони большевиклардан озод қилиш фикридан воз кечмади. 1929 йил 4 июнда “Манчестер-Гардиан” (Англия) газетасида Олимхоннинг “Большевикларнинг Ўрта Осиёга компаниyasi” номли жаҳон халқларига мурожаатномаси эълон қилинди. Бу мурожаатномада совет Россиясининг 1917-1922 йилларда Марказий Осиёда юритган мустамлакачилик сиёсати, Бухоронинг қизил армия томонидан босиб олиниши, амирлик хазинасининг талон-тарож қилиниши ва Москвага олиб кетилиши, истиқлол жанглари ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Собиқ ҳукмдорнинг ёзишича, Туркистон минтақасида қизил армияга қарши курашаётган мужоҳидлар сони бу пайтда 60000, қизил армия жангчиларининг сони эса 100000 киши (фақат Бухоронинг ўзида 40000 нафар қурулди қизил аскар) бўлган.

Саид Олимхон Кобулда ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” номли машҳур эсдаликларини ёзган. Бу мемуар ва унинг Миллатлар Лигасига ёзган расмий баёноти ўзининг махсус вакили генерал Ҳожи Юсуфбек

Муқимбой ўғли орқали 1927 йил сентябрда Женевадаги бу ташкилот раҳбарларига топширилди. Мурожаатнома Женевадаги Миллатлар Лигасидан ташқари Гаагадаги халқаро трибуналга, Буюк Британия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларнинг раҳбарларига жўнатилиди. Бухоронинг собиқ амири томонидан тайёрланган ушбу расмий ҳужжат жаҳон аҳлини жунбушга солди. Франция, Италия, Швейцария, Германия, Англия ва Эрон давлатларида бу мурожаатнома қизгин муҳокама қилинди.

Саид Олимхон муҳожирликда юрт дийдорига талпиниб яшади. Унинг Бухорога қайтиб келиш ҳақидаги илтижоларига СССР давлати раҳбари И.В.Сталин қатъий рад жавобини берган. Умрининг охирида унинг кўзлари хиралашиб, ўзи оғир дардга чалинди. 1944 йил 28 апрелда Саид Олимхон узок давом этган хасталикдан сўнг 63 ёшида Кобул атрофидаги Қалъаи Фотуда вафот этди. У Кобул яқинидаги Шаҳидони ислом (ислом шаҳидлари) қабристонига дафн қилинган. Унинг дафн маросимига деярли барча ислом мамлакатларидан вакиллар келган. Олимхон қабри устига катта мрамардан хотира тоши ўрнатилган.

– Қаҳрамон ака, Сиз билан биз бир асрнинг нарғидаги тарих ҳақида сўзлашиб ётибмиз. Нима бўлганда ҳам бу кечилган тарих. Қандай хулоса чиқаришимиздан қатъи назар у ўзгармай қолаверади. Бугуннинг, Мустақил юртнинг ҳавосидан баҳраманд бўлаётган, тинч, осойишта замоннинг кўнгли тўқ фуқароларимиз. Улуғ Истиқлолимизнинг 23 йиллик шодиёнаси яқин. Биз унинг қадрига етиш маъносига тарихнинг, Қодирий таъбири билан айтганда “қора ва кир” саҳифаларига мурожаат қилдик, эсладик. Бу ҳам беҳудага эмас. Кечаги кунни мутлақо эсламаслигимиз ҳам мумкин. Бироқ улар ҳам аجدодларимиз. Улар қўрқоқлик қилмаганларида Ватаннинг беғуноҳ фуқаролари беҳуда нобуд бўлмаган, азоб кўрмаган, улуғ маърифатпарварларимизнинг ёш жонлари қирчинидан қийилмаган бўлармиди, маданиятимиз, адабиётимиз бундан кўра улуғ чўққиларга эришмасмиди, юртимиз бундан ҳам чандон гўзалроқ бўлармиди, деб ўйлайсан-да одам.

Сўхбатимизнинг чин маъноси ҳам шу ўзи: армон. Бошқа нарса эмас.

– Дарҳақиқат шундай.

Келинг, ўзаро сўхбатимизга ҳозирча нуқта қўйиб, уни Аҳмад Донишнинг қуйидаги фикрлари билан якунласак:

“Амир Темура дунёнинг тўртдан бир қисмида жасорати, мардлиги билан ном қозонган бўлса, Бухоро амирлари бадахлоқликлари, иродасизликлари, қўрқоқликлари билан ўз номларини бадном қилдилар.

Бухоро ва Самарқанд адолат, инсоф, дину диёнат, илму амали билан дунёга доврўғи кетган шаҳарлардандир. Булар ушбу шаҳарларни шунчалик бадном қилдиларки, бунинг шармандалиги қиёматгача қолади, тарих варақларидан ўчмайди...

Турон мамлакатини бошқариш хотинлар даражасидан паст одамнинг қўлига ўтса-я?! Мусулмон амирининг қабоҳат, разилликларини хотиржам кузатувчи кўз қайда бор?!”

Манғитлар ўтмиши ҳам бизнинг, ўзбек халқининг тарихидир. Тарихдан эса воз кечиб бўлмайди. Фақат сабоқ чиқариш мумкин. У шунинг учун ҳам муҳимдир...

Сўхбатдош: Собир ЎНАР



Шамоллар ҳисларга солади титроқ

СОҒИНЧ

Римма Аҳмедовага

Бу қандай ун? Бу қандай овоз?
Потирлайди дилда жон қуши.
Бу – Қиёмат қойим сўнгида
Томчилаган ёмғир товуши...
Ёки майса шивиридир у,
Ё кўз ёшининг таъми, эҳтимол.
Биби Марям қошида туриб,
Кечган каби дунёдан ҳалол...
Овозингиз сокин бир денгиз
Тўлқинининг тебранишлари...
Ё илоҳий сас бу – юракда
Йиғлаётган жаннат қушлари...
Соғинаман, ҳар бир ёғдуда
Муҳаббатдан қолган таниши ҳис...
Сиз қалбимнинг туби-тубида,
Жуда яқин,
Жудаям олис...



* * *

Келмоғинг-чун – минг йўл бор эди,
Кирмоғинг-чун – минг битта эшик.
Сен... қайтмадинг биттасидан ҳам!
Қолдим тилсим қаср каби берк.

...Энди бир кун тор келиб қолса,
Бу дунёнинг бўйи ва эни,
Олисларда қолиб кетган сир –
Ўша севгим қийнасин сени.

* * *

СИЗНИ ЖОНДАН СЕВГАН ЭДИ У,
Севган эди ҳаддан ташқари.
Боқмадингиз бирор марта ҳам,
Қолиб кетди бахтлардан нари.

Қолиб кетди Тангри қўлида,
Ва ҳеч кимга бермади қайтиб.
Зулматларнинг олис йўлида
Ўтди ойдин қўшиқлар айтиб...

Ёлғизликнинг маънос қаърида
Аталганди у Сизга ахир.
Ўша Турна Аёл бағрида
Очиларди дунё кутган сир!

Бермадингиз унга бир имкон,
Ё бир назар, ё сокин сурур.
Ғоратларнинг комида бежон,
Мангуликка сўнди ўша нур...

Аммо тагин тушларингизда
Излаяпсиз не учун, ё-ҳу!
... Чақирасиз энди бир умр,
Қайрилиб ҳам қарамайди У...

* * *

Сен – чашма,
Энг юксак осмон тоқида,
Худойим яширган жаннатий чашма.

Зебо МИРЗО



1964 йилда Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Бештерақ қишлоғида туғилган. ТошДУнинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Тун маликаси” (1990), “Ажр” (1997), “Нур кукунлари” (2004) каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

Сен – чашма,
 Ой – мавжинг сояси, сенга
 Талпинар дунёда жамийки ташна.
 Сен – чашма,
 Тангрининг ҳузуридаги,
 Малакалар тиланган илоҳий булоқ.
 Сен – чашма,
 Бир умр руҳимда оққан,
 Мунтазир қўлларим етмаган бироқ.
 Сен – чашма,
 Берилган фақат уйқуда,
 Бир лаҳза тажаллинг комига чўмиб,
 Олгин деб, озурда жисму жонимни,
 Ухлаб ўтаяпман кўзларим юмиб!
 Сен – чашма,
 Юлдузлар ортидан елиб,
 Нур каби кўксимда ёнгувчи чашма.
 Сенинг кўзларингдан дунёга келиб,
 Менинг лабларимга томгувчи чашма!
 Сен – чашма...



ОСМОН ФАРЗАНДЛАРИ

**Ш.Раҳмон, М.Юсуф, Ч.Аваз, Н. Шукур,
 А.Ўқтам ва бу дунёдан эрта кетган шоир
 акаларимга...**

Улар кесиб ўтган Вақт чизигидан,
 Бажариб бўлган Ўз вазифасини...
 Руҳлар яшагувчи олий қоядан
 Энди жим кузатиб туришар бизни...
 Дунё – улкан қўргон.
 Ҳеч ким кўролмас
 Бу юксак деворлар ортини минбаъд.
 Ва лекин кимгадир
 Бу тўсиқ оша
 Бориб-келмоқликка берилган рухсат...
 Шундай одамлар бор,
 Яшарлар танҳо,
 Жим ютиб ичига фарёдларини.
 Одми куйлакларин остида, аммо,
 Яшириб илоҳий қанотларини...
 Махфий бир элчига
 Ўхшаб кетишар,
 Асл ҳолатини этишмас ошкор.
 Оловлар ичидан юриб ўтишар,
 Фақат улар учун очиқ эшик бор!
 Уйқуси ўнгига менгзайди баъзан,
 Тушига менгзайди кўрган ҳаёти.
 Гоҳида маҳрумлар,
 Гоҳо марҳумлар
 Ўртасида топган сир-синоати.



Баъзида ўзи ҳам
 Билмай қийналар,
 Қайси ўнг-у, қайси туш эканини.
 Ёруғ лаҳзаларда,
 Бироқ ҳис қилар
 Ўзининг бир улкан қуш эканини!
 Улар келар
 Буюк тонглар олдидан,
 Зулматлар қаърини ёриб келар У!
 Юраклар сўнганда
 Мангу орзудан,
 Дилда қолмаганда бир тутам ёғду!
 Бир ёруғ нафасни
 Ташлаб ўтишар –
 Руҳингда жаранглаб кетар бир қилич!
 Ўзак-ўзагидан
 Сугрилиб келар
 Нафс тўрларида мудраб етган ич!..

Уни ўлдиролмас
 Хиёнат, зулм,
 Майда одамларнинг хор хусумати.
 Улар яшаб ўтмас
 Ўз ҳаётини,
 Уларга берилган дунё қисмати.
 Уларни билмайсиз,
 Гоҳо илмайсиз
 Назарга,
 Ғарибдан ғарибдир ҳоли.
 Аммо юрагининг баҳосига тенг,
 Тарозуда турган дунё аъмоли.
 Улар – пок,
 Хотира лавҳида қолган –
 Олис самоларга боғлаб ниятни,
 Нажот денгизининг қошига бир кун,
 Олиб борар бетин инсониятни.

Ўткинчи умрнинг
 Юкин ортқилаб
 Ўтса бўлар эди Ҳаёт изидан.
 Бироқ кўнмай, хорлик, муте, қулликка
 Улар кесиб ўтар вақт чизигидан!..
 Улар – Буюк Руҳнинг
 Олий қушлари,
 Замин бўғриққанда зулматда қолиб,
 Улар келар, зойиб
 Манзилларидан
 Бир гўзал, бир хушбўй ҳаволар олиб.

Осмон –
 Буюк сирлар макони Осмон,
 эй рангин, эй ёруғ нурлар уммони.
 Сен-ибтидо, азал,

Сенда бошланиб,
сенда тугар охир вақт имкони.
Сенинг зурёдларинг
Жасур ва ўқтам,
Ўткир нигоҳида ўтли қудрат бор.
Сен уни севасан,
Беҳад севасан,
Аччиқ меҳр билан,эй улуг шарор!..

Чексиз ҳаволарни
Қўксига қамаб,
Учирма қиларсан нурлар бағридан.
Сўнг уни севгинг-ла
Қаттиқ синайсан,
Қаттиқ қизғонасан замин қаъридан!
Сен уни бермайсан
Заминга, аммо
Қайтариб оласан кейин бирма-бир.
Сен уни ўзингда сақлайсан, танҳо
Сенда мангу қолар шу муқаддас сир!

Исёнкор юракнинг
Зарбаларидан
Отилиб кетасан самога тошдай,
Ва денгиз мавжининг
Жилваларидай
Сўнг ҳадя этасан энг сирли тушлар!
Эй осмон, эй зулмат,
Эй нур ва башар
сўнгсиз курашларнинг сўнгги жанггоҳи.
Тунлар тушларимни
Парчалаб ташлар,
Муқаддас Рухларнинг кескир нигоҳи!

Хайрият, дилим-қон,
Қўлларим эмас,
Юракка урилган Рухнинг ханжари.
У яна жимгина
Кўнмоққа қўймас,
у яна учмоқда мағрур, жангари.
Шовуллаб очилар
Осмон дарчаси,
Шовуллаб кўзимга урилади нур.
Юрагим, умримнинг
Маҳзун парчаси –
Ўғлим менинг, ётма, тур, ўрнингдан тур.
Рухингни чоғла шу
Ўтли курашга,
Сени чорлаётир Осмон Қушлари.
Ҳар тун тушларингда
Безовта қилган
Рўёмас, юрагинг талпинишлари!



Аммо ҳали ёшсан,
мағрурсан, содда,
бир тиниқ руҳ билан кўкка қарайсан.
Дунё ваҳшийлари
Ҳали кўп олдда,
Бир гўзал қалб билан қандай қарайсан?

Самовот уфқидан
Тушган руҳларнинг
Умид шаъмларини кўтариб келган –
Осмон ҳаётини
Яшаб ўтмоқлик –
Асл бахтдир инсон вужуди билан!..
Сен – шарор тождан
Келган бир шуъла.
Огоҳ бўлмасин деб бирор мунажжим,
Сен ҳали кучга тўл,
Сен ҳали ўс, деб
Қанотим остига яшираман жим.

Оғир, жуда оғир
Осмоннинг юки,
кўтариб Зулматнинг кўлкаларини,
Ўзига билдирмай
силаб қўяман,
Тунлари ўғлимнинг елкаларини!..

* * *

Ўзича саргайди кузак боғлари,
Шамоллар ҳисларга солади титроқ.
Недандир умидвор дарахт шохлари,
Кўнглимдай тўкилар ҳар битта япроқ.

Осмон ёгилади ой гардишидан,
Тундан оқиб кирар бир гўзал соя.
Энтиккан гулларми кетар ҳушидан,
Сенинг лабларингдан кутиб ҳимоя.

Кечиккан қушлардай уфқ ортидан
Интиқиб учади кўнглимиз “оҳ” и!
Хазондек ўтармиз умр ёдидан,
Маҳзун бу севгининг йўқдир паноҳи...

Бир-бирин пинжсига кириб тошлар ҳам,
Сумбула сувига солади титроқ.
Ёлғизсан – кўнглинда бир муқаддас ғам,
Ёлғизман – қўлингга етмайман бироқ.

Қарайсан – кўзингда бир илинж соя,
Қарайман – кўзларим ҳасратлар чоҳи.
Бу ғариб севгига йўқдир ниҳоя,
Бу маҳзун севгининг йўқдир гуноҳи...




Наср
Наср Наср
Наср

Равшан Йўлдош

АРВОҲ ИШИ

Қисса



Расмларни
Оловиддин Собир ўғли чизган.

Равшан Йўлдош



1970 йилда Хоразм вилоятининг Қўш-қўпир туманида туғилган. “Иблис учун икки васият”, “Гувоҳ мурда” каби китоблари чоп этилган. “Қайтар дунё”, “Умидинени сўндирма” сериаллари муаллифи.

1

Тушимда бармоғига узук таққан сичқон қопқон кўтариб мушукни қувлаб юрганмиш... Кўнглим хижил бўлди. Тушимга сичқон кириши яхшиликкамас, бунга бир неча бор амин бўлганман. Қайси куниям сувга калла ташлаётган сичқонни туш кўргандим. Эртасига қайнонам томондан хунук хабар келди: қайнотам тўйда араққа бўккан экан, аксимни кўраман деб қудуққа эгилиб пастга қулабди!

Кўлимдаги ручкани стол устига ташлаб ўрнимдан турдим. Кўрган тушим сира хаёлимдан кетмаяпти. Беҳудагамас бу. Қандайдир нохуш воқеа юз берадиган кўринади.

Эшик очилиб, бўлимимиз бошлиғи подполковник Шарипов билан 50-55 ёшлардаги узун бўйли, озгин аёл ичкарига кирганди. Аёлга разм солдим. Оққора аралаш сочлари калта қирқилган, қарашлари ниҳоятда жиддий, ёноқ суяклари бўртиб турган юзида юпқа упа қатлами сезиляпти. Чап қўлида тилла соат, ҳар бармоғида биттадан тилла узук. Умри буйруқ бериш билан ўтаётгани шундоққина сезилиб турган кибор хоним!

– Танишинг, Салима Ҳикматовна, – тилга кирди подполковник. – Капитан Акбаров. Бўлимимизнинг тажрибали ходимларидан.

Аёл – Салима Ҳикматовна бош ирғади.

– Танишганимдан хурсандман. Ўтирсам майлими?

– Бемалол. Капитан, Салима Ҳикматовнага диққат билан қулоқ солинг. Кейин, хонамга кирасиз.

– Хўп бўлади, ўртоқ подполковник.

Подполковник Шарипов чиқиб кетганидан сўнг, стол орқасига ўтиб курсига жойлашдим.

– Туғилган йилингиз? Манзилингиз?

– Туғилган йилим шартми?

– Шарт бўлмаса сўрамасдим.

– 55 ёшдаман. Мучалим сичқон...

Яна сичқон! Жин урсин!

– Қулоғим сизда, – ғўлдирадими Салима Ҳикматовна ҳақидаги маълумотларни қоғозга туширганимдан сўнг.

– Арвоҳларга ишонасизми?

– Кечирасиз?..

– Арвоҳларга ишонасизми, деб сўраяпман.

– Бунинг ишга алоқаси борми?

– Бор.

– Дейлик, ишонаман. Муддаога ўтинг.

– Мен арвоҳдан шикоят қилиб келдим, ўртоқ капитан.

Салимага тикилиброқ қараб қўйдим. Юз-кўзлари, ўзини тутиши, оҳангидан маст ёки эсини еган аёлга ўхшамайди. Аммо, муддаога ғалати. Арвоҳдан шикоят қилиб келганмиш! Тагин қаерга? Милицияга!

– Кечирасизу, биз арвоҳлар билан эмас, тирик қонунбузарлар билан шуғулланамиз...

– Бу ерга беҳуда келибсиз демоқчимисиз?

– Йўқ. Мен нима учун айнан арвоҳдан шикоят қилиб келганингизни тушунолмаёпман. Нима, қачон, қаерда каби саволлар кўндаланг туриб қоляпти. Демак, қулоғим сизда!

Салима сўлғин тин олди. Сўлғин тин олди-ю, қаддини ғоз тутиб хонага кирган кибрли аёлдан асар ҳам қолмади. Унинг ўрнида бутунлай гангиб қолган ожиз, ёши ўтган аёл пайдо бўлганди.

– Мен Ҳасан Жабборнинг хотиниман, – тилга кирди у яна сўлғин тин олиб, – Эримни танисангиз керак. Иккиланиброқ бош ирғадим. Ҳасан Жаббор ҳақида эшитганим бор. Адашмаётган бўлсам, бир йилми, бир ярим йилми олдин оғзидаги луқмани ютишга ҳам сабри чидамай шундоқ дастурхон ёнида жон берган экан.

– Эрим раҳматлик пулдор одам эди, – давом этди Салима. – Ўлимадан олдин менинг номимга, банкка катта пул қўйганди. Икром Рустамовичнинг банкига. Икром Рустамовични танисангиз керак?

Бу сафар комил ишонч билан бош ирғадим. Икром Рустамович шаҳардаги банклардан бирининг хўжайини эди. Бу одам ҳақида гап кетса ҳар ким ҳар хил фикр билдирар, дўстларига қулоқ солинса у жуда инсофли, ўта ҳалол инсон, душманларининг наздида эса, дунёда унданда маразроқ жонзотнинг ўзи йўқ эди.

– Эрим менинг номимга қўйган пуллар оламдан ўтганимдан сўнг фарзандларимиз – Шермат ва Даврон Жабборовлар орасида тенг тақсимланиши керак эди...

Учинчи марта сўлғин тин олган Салима Ҳикматовна жимиб қолди.

– Нима, пулларни фарзандларингизга қолдирмасликка қарор қилдингизми?

– Гап пулдамас. Аниқроғи, пулда... Эрим оламдан ўтганини айтдим. Бироқ, у мени безовта қияпти.

– Ким безовта қияпти?

– У... Эрим. Кейинги уч кун ичида эримнинг... ўзи ёки руҳи икки марта ёнимга келди. Уйқумда эмас, ўнгимда ёнимга келди, мен билан гаплашди. Сиз менга ишонмаяпсиз-а?

Жавобни ҳаяллатдим. Тўғри, шу ёшга етиб арвоҳни ўз кўзим билан кўрганим йўқ, бироқ бу дегани арвоҳ йўқ нарса дегани эмас. Яхши-ёмон руҳлар ҳақида турли гап-сўзларни эшитганман. Аммо, шу пайтгача бирон кимса милицияга арвоҳдан шикоят қилганини эшитмагандим.

– Эрингизнинг руҳи нима учун сизни безовта қилаётгани мени қизиқтириб қўйди, Салима Ҳикматовна. Мен билан гаплашди дедингиз. Нима ҳақда гаплашдинглар?

– Эримнинг руҳи биринчи марта келганида банк билан тузган шартномани ўзгартиришимни сўраганди.

– Кейинги келганида-чи?

– Талаб қилди.

Стол устида турган ручкага қўл чўзарканман пешонам тиришганини ҳис қилдим. Талаб қилганмиш! Қачондан бери арвоҳлар банкдаги пуллар билан қизиқадиган бўлиб қолишди?!

– Қайси маънода ўзгартиришингизни сўради? Фарзандларингизни пулдан маҳрум қилишингизни талаб қилдимми?

– Йўқ. Битимни ўзгартир деб уч марта айтди. Бошқа нимадир дедими-йўқми, билмайман. Хушимдан кетиб қолдим.

– Ҳасан Жабборнинг руҳи банк билан тузган битимни ўзгартиришингизни талаб қилган бўлса... Очиғи, ёнингизга келган руҳнинг арвоҳларга ярашмайдиган қилиқ қилгани менга шубҳали туюляпти. Чунки шу пайтгача биронта арвоҳ банкдаги пул билан қизиқганини эшитмаганман. Келинг, бу муаммога бошқа томондан назар ташлаймиз. Фарзандларингиз – Шермат ва Даврон Жабборовлар...

– Бу ишга фарзандларимнинг алоқаси йўқ, ўртоқ капитан! – сўзларимни чўрт кесди Салима қошларини чимириб.

– Мен сизга алоқаси бор деганим йўқ.

– Биламан, сиз эримнинг руҳи келганига ишонганингиз учун фарзандларимдан гумон қиялмасиз. Умуман олганда, сизни тушуниш мумкин. Сизлар ишни гумон қилишдан бошлайсизлар ўзи... Аммо, айтиб қўяй, фарзандларим жуда меҳрибон, тўғрисиўз, ниҳоятда ҳалол йигитлар. Истардимки...

– Қайтариб айтаман, Салима Ҳикматовна, мен, жуда бўлмаганда ҳозирча, ҳеч кимдан гумон қилаётганим йўқ. Саволларимга қисқа ва лўнда жавоб қилсангиз муаммога тезроқ ечим топган бўлардик. Уйингизда сиз билан фарзандларингиздан бошқа одам яшайдими?

– Йўқ. Яъни, яшайди десам ҳам бўлаверади. Уй хизматчим бор. Холбой. Холбой Норбоев. Уйи қишлоқда бўлгани боис, ҳафтада уч кун бизникида ётиб қолади. Ҳовлимизда унга атаб кичкина уйча қурдирганмиш. Холбой жуда ҳалол, мўмин-қобил, диёнатли йигит.

Ҳаммаси халол, ҳаммаси диёнатли, дедим ўзимга ўзим Холбой Норбоев ҳақидаги маълумотларни қоғозга туширарканман. Салима Ҳикматовна тирик фаршталар орасида яшаркан, қаранг!

– Эрингизнинг арвоҳи келганида Холбой Норбоев уйингиздамиди?

– Энди уй хизматчимдан шубҳаланяписизми?

– Мен савол беряпман.

– Бизникида эди. Бироқ, ундан шубҳаланманг. У жуда ҳалол...

– ...мўмин-қобил, диёнатли одам эканлигини эшитдим. Келинг, муддаога қайтамыз. Эрингизнинг фарзандларингиздан бошқа меросхўрлари борми?

– Йўқ, – деди Салима “яхшиям йўқ” демоқчи бўлган одам оҳангида, – Эрим болалар уйида тарбияланган. Ака-ука, опа-сингил каби мерос талашадиган қариндош-уруғлари йўқ.

– Балки...

– Ноқонуний туғилган болалари ҳам йўқ! Илтимос, эримнинг хотирасини ҳақорат қилманг!

– Мен муаммога ечим топиш учун ҳаракат қиляпман, Салима Ҳикматовна. Шунинг учун, саволларимдан оғринманг. Арвоҳ қачон, қандай вазиятда пайдо бўлгани...

– Бу ҳақда, сизларнинг тилингиз билан айтганда, воқеа юз берган жойда, яъни уйимда гаплашсак дегандим. Бугун қишлоққа кетаман. Ота-онамнинг қабрини зиёрат қилмоқчиман. Сизни эртага уйимда кутаман.

Салима яна умри буйруқ бериш билан ўтаётган кибрли аёлга айланиб бўлганди. Шунинг учунми, хайрмаъзурни қиёматга қолдириб эшикка йўналди.

– Бир дақиқа, – ғўлдирадим унинг бу қилиғини маъқулламай ўрнимдан турарканман, – Бу ерга келганингиздан фарзандларингизнинг хабари борми?

– Йўқ! – Салима тутқичга қўл чўзди.

– Ҳозирча бу ҳақда уларга айтмасангиз яхши бўларди.

– У ҳолда, уйимга борганингизда сизни ким деб таништираман? Суғурта агенти дебми?

– Йўқ. Суғурта агентларини жиним суймайди. Банк юристи сифатида уйингизга борсам нима дейсиз? Ё сизда бошқа таклиф борми?

Бир муддат уйга толган Салима Ҳикматовна ломим деб оғиз очгани йўқ. Бош ирғаб кўйди-да эшикни очди. Эшик ёпилгач стол устида ётган қоғозни олиб подполковник Шариповнинг хонасига йўл олдим.

2

Шарипов ҳам не дер эди?

Топшириқ берди. Жиддий ишлашни, зарурлигини уқтирди. Мана, ўша аёл яшайдиган маҳалла инспекторнинг эшигига рўбарў бўлиб турибман.

– Мумкинми, кирсак?

Елкалари кенг, гўштор юзли, катта лейтенант Ҳакимов қўлидаги қоғоздан нигоҳини олиб менга қаради.

– Жиноят қидирув бўлими ходимларига эшигимиз ҳар доим очиқ! Чунки, сизлардан эшикни ёпиб қутулишнинг иложи йўқ, барибир очишга мажбур қиласизлар... Хуллас, хуш кўрдик, ўртоқ капитан!

– Хушвақт бўл. Беговта қилмадимми, Ботир?

Қўл олишдик. Ҳакимов курсига ишора қилди.

– Беговта қилмадим деб ҳисоблайвер. Бу ерда нима қиляпсан, Фаррух? Шу иссиқда жиноятчиларни овляяпсанми?

Унинг ҳазилига муносабат билдирганим йўқ. Япа-лоқ папкални очиб бир варақ қоғоз суғурдим.

– Мени сенинг участканда яшайдиган, аниқроғи, яшаган бир одам қизиқтиряпти.

– Яшаган?

– Менга Ҳасан Жаббор ҳақида маълумот керак, Ботир.

Ҳакимов стол устида ётган сигарет қутисидан бир дона суғуриб гугуртга чўзилди.

– Бир йил олдин оламдан ўтган одам ҳақидаги маълумот нега керак бўлиб қолди деб сўраганим билан барибир айтмайсан. Шунинг учун, синчковлик қилиб ўтирмай муддаога ўта қоламан. Ёз. Ҳасан Жаббор. Болалар уйида тарбияланган. Исми Ҳасан бўлгани билан Ҳусани йўқ. Ким унга нима учун бундай исм қўйганини билмайман. Ёзаяпсанми?

– Давом этавер.

– Эшитишимча, Ҳасан Жаббор 25 ёшида Ҳалима исмлиқ қизни севиб қолиб совчи кўяди ва...

– Адашаётганинг йўқми? Салимага совчи кўйган демоқчи эмасмисан мабодо?

– Индаллосини айтгунча саволга кўмиб ташламай охиригача эшит. Ҳасан Жаббор 25 ёшида Ҳалима исмлиқ қизга совчи кўйиб Ҳалимагамас, унинг опаси Салимага уйланган. Бунга нима дейсан?

Ҳеч нима дегани йўқ. Мен ҳам 25 ёшимда хотинимга совчи кўйгандим, аммо, хотинимнинг опасига уйланганим йўқ... Ғалати одам бўлган эканми Ҳасан Жаббор дегани?

– Ҳасан ака ғалати одам эди, – давом қилди Ҳакимов менинг ўйимни уққан мисол, – Шунақанги ғалати қилиқлари бор эдики, эшитган одам ёқасини ушларди.

– Масалан?

– Масаланми? Бозорда ўтирадиган тиланчига бир миллион сўм садақа қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

– Бир миллион сўмга бойиган ўша тиланчи қаерда ҳозир?

– Ҳалиям бозорда. Тиланчиликни ташлаб мевачева билан савдо қиладиган бизнесменга айланган. Яқинда яп-янги “Малибу” сотиб олганини эшитдим. Хуллас, Ҳасан Жабборга таъриф бериш қийин. Бир қарасанг сахий, бир қарасанг ўларча зикна... Бир оғиз сўз билан айтганда, ғалати одам эди, раҳматлик.

– Тушунарли. Салима Жабборова ҳақида нима дея оласан?

Елка қисиб кўйган катта лейтенант Ҳакимов ўрnidан туриб деразага яқинлашди. Деразанинг бир табақасини очиб сигарет тутатгач оғзидан паға-паға тун чикариб тилга кирди.

– Бадавлат одамнинг хотинига айланган пулдор одамнинг қизи. Қўлини совуқ сувга урмай умри ўтаётган аёл. Яна нима дейишим мумкин?

– Деярли ҳеч нима деганинг йўқ. Фарзандлари...

– Уларнинг фарзанди йўқ. Салима туғмаган.

Тагин унга савол назари билан қараб кўйишимга тўғри келди. Ҳазиллашяптими? Ё Ҳасан Жабборнинг иккита ўғли борлигини билмас эканми?

– Нега фарзанди йўқ деяпсан? Шермат билан Даврон-чи?

– Ҳасан Жаббор салкам 40 йил хотини билан бир ёстиққа бош кўйиб фарзанд кўрмаган, Фаррух. Бундан

ўн йил олдин Шерматни болалар уйидан олиб келганди. Ўша йили Салима Жабборова синглисидан қолган фарзанд – Давронни қарамоғига олди. Ҳозир иккаласи ҳам 25 ёшда.

Ҳакимов айтган маълумотларни қайд қиларканман, кўз ўнгимда Салима Жабборова гавдаланди. Шермат билан Давронни фарзандим деганди менга. Боқиб олишгани ҳақида айтмаганди. Кўп нарсаларни айтмаган кўринади...

– Шермат ва Даврон Жабборовлар ҳақида нима дея оласан?

– Шермат маишатга ўч, такасалтанг, ғирт ярамас йигит. Санъат олийгоҳининг актёрлик факультетига ўқишга кириб учинчи курсда ташлаб кетган. Шундан бери ҳеч қаерда ўқимайдиям, ишламайдиям. Бир-икки марта кўчада маст-аласт юрганини кўриб огоҳлантиришимга тўғри келди. Даврон Жабборов эса дурадгор уста. Маҳаллада кичкина устахонаси бор. Қўли гул йигит.

– Ботир, Салима Жабборованинг уй хизматчиси тўғрисида ҳам икки оғиз.

– Холбой ҳақидами? Менга қара, Фаррух, Ҳасан Жабборнинг уйига борасанми?

– Бораман.

– Борганиндан кейин Холбойнинг қандай одамлигини ўзинг кўрасан! – Ҳакимов сигарет қолдигини ташқарига улоқтириб деразани ёпди. – Менга бошқа савол йўқми, изқувар?

– Йўқ.

– Айбга буюрма, ишим бошимдан ошиб ётибди.

Участка нозирига миннатдорчилик билдириб хонадан чиқиб кетдим.

3

Ҳасан Жабборнинг дарвозаси олдида машинадан тушиб, уйга разм солдим. Икки қаватлик росмана сарой. Томи, шу матоҳ билан савдо қиладиганларнинг тили билан айтганда, “минг йил сувга бўктириб кўйилса ҳам зангламайдиган” тунука билан ёпилган, ҳар бурчагига биттадан қарғага ўхшаб кетадиган қушнинг тунука ҳайкалчаси ўрнатилганди. Уйни ҳовлига қўшиб икки одам баландлигидаги ғиштин девор ўраб турарди. Деворга мустақкам темир дарвоза, дарвоза биқинига темир эшик ўрнатилган. Эшик тепасида кузатув камераси кўринмайди, холос...

Кўлтиғимдаги папкани қўлимга олиб ҳовли эшигига яқинлашдим. Эшикка 13 рақами илинган, рақам устида кўнғироқ тугмаси бўртиб турарди.

“Ҳасан Жаббор 13-числода туғилиб ойнинг 13-куни дастурхон атрофида жон таслим қилган”, деб ўйладим эшик кўнғироғига қўл чўзарканман, уйнинг рақами ҳам 13! Ҳаммаёқни 13 рақами босиб кетди...

Кўнғироқни босиб бир қадам орқага чекиндим. Анча кутдим, бироқ эшик очилгани йўқ. Кўнғироқни яна, бу сафар узокроқ босиб, тагин бир қадам орқага чекиндимда, кута бошладим. Бу ерга келаётиб кўнғироқ қилганим-да хонадон бекаси қишлоқдан қайтганига қўшиб мени кутаётганини ҳам айтганди. Уйига қайтгани балки ростдир, бироқ кейингиси ҳақиқатдан йироқ кўриняпти. Акс ҳолда, эшик олдида қотиб турмаган бўлардим!

– Ким? – учинчи марта кўнғироқни босганимдан кейингина ичкаридан эркак кишининг овози эшитилди.

– Акбаровман.

– Қайси Акбаров? Домла Акбаровмисиз?

– Йўқ, юрист Акбаровман. Ўзингиз кимсиз?

– Менми? Холбойман. Сизга ким керак?

– Салима Ҳикматовнанинг таклифи билан келдим. Эшикни очасизми ё...

Жавоб қайтгани йўқ. Тоқатим тоқ бўлиб Жабборовага кўнғироқ қилиш учун қўл телефонимни чиқардим. Чақирув тугмачасига бармоғимни кўйган пайтим эшик очилиб 30 дан то 50 ёшгача бўлган ёшларнинг бари-ни бериш мумкин бўлган ўрта бўйли, бурундор кимса кўринди. Агар Холбой Норбоев дегани шу одам бўлса, нафақат исми, балки фамилияси ҳам ўзига жуда мос экан. Тасаввур қилинг: чап юзида ўнга яқин катта-кичик хол, ўнг юзида чақалоқнинг шапалоғидай келади-ган нор бўртиб турибди. Катта бурни япалоқ башарасига ёпиштириб кўйилганга ўхшайди. Кўз қорачиқлари бир жойда тек турмай у ёқдан бу ёққа ўнаётгани сабаб кўзлари ҳозиргина ўғирлик жиноятини содир этган ўғрининг кўзларига ўхшаб кетарди.

– Сизми юрист? – тилга кирди Холбой бир қадам орқага чекиниб.

– Бир соатдан бери эшик кўнғироғини босаётган одам ҳам менман! Салима Ҳикматовнага келганимни айтинг!

Холбой яна бир қадам орқага чекинди.

– Опам сизни кутяпти.

– Опангиз? Салима Ҳикматовна сизнинг опангизми?

– Опам. Ота бир, она бошқа опа-укамиз.

Уларнинг қанақасига опа-ука эканлигини эшитиб норозилик билан бош чайқаб кўйдим. Салима Ҳикматовна Холбойни уй хизматчим деганди. Аслида эса, бир отанинг пуштикамаридан дунёга келган опа-ука бўлиб чиқяпти!

– Қаёққа?

– Уйга, қаёққа бўларди!

Дарвоза билан уйнинг ораси нари борса ўн қадамча келарди. Уй эшигига яқинлашган пайтим юришдан тўхтаб орқамга қарадим. Ҳовли эшикка аллақачон тамба урилган, Холбой Норбоев қаёққадир ғойиб бўлганди. Темир тамба сурилганда чиқарадиган товушга қўшиб қадамнинг товушларини ҳам эшитганим йўқ. Худди арвоҳга ўхшаб сассиз одимлаб кўздан йўқолибди. Унинг бу қилиғини ёқтирмай у ёқ-бу ёққа аланглагандим, ҳовлининг бир четига қурилган пастак бинога кўзим тушди. Кимдир дарпарданинг бир четини суриб деразадан менга қараб турганини илғадим. Аммо, кимлигини аниқлай олганим йўқ. Дарпарда сурилиб мени кузатаётган одам кўздан йўқолди.

Холбой бўлса керак деб ўйладим.

Шу вақт эшик очилди. Салима Ҳикматовна кўринди. Эғнида гулдор халат, бошида юпка рўмол, бурни устига ойнаги қалин кўзойнак кўндириб олибди. Қўлидаги китобга қараб кўйдим. “Рухлар ҳақида маълумот”.

– Салом, Салима Ҳикматовна.

– Салом, ўртоқ капи...

– Юрист.

– Ҳа-ҳа, ўртоқ юрист!

Китобга ишора қилдим.

– Маълумот бор эканми?

– Бор, фақат бир тийинга қиммат! Кириг.

Эшикдан катта, аниқроғи, жуда катта айвонга кирдик. Айвон деворларига жимжимадор нақшлар ўйилган, шифтда баҳайбат қандил осилиб турар, рўпарадаги деворни бутунича улкан уй кинотеатри эгаллаб олганди. Оёқ остида қимматбаҳо гиламлар, уй кинотеатрининг рўпарасида битта диван билан тўртта ўриндиғи жуда қалин юмшоқ курси кўриняпти.

– Ичкарига ўтамиз.

Салима айвон деворига ўрнатилган эшиклардан бирини очди. Аввал узун даҳлизга, даҳлиздан ўртача катталиқдаги хонага кирдик. Хона ўртасига икки кишилик ёғоч каравот, девор остига пардоз столи қўйилганди. Стол устида атир-упа, лаб бўёқ каби аёллар юзига жило беришда ишлатадиган нарсалар кўриняпти.

– Ўтиринг, – курсига ишора қилди Салима. – Воқеа ётоқда бўлиб ўтгани учун сизни шу ерга бошлаб келдим.

Курсига ўтирдим.

– Нега Холбой Норбоев укангиз эканлигини айтмадингиз? – сўрадим папкадан бир варақ қоғоз чиқариб.

– Бу узоқ ва энди далиллар билан исботлашнинг иложи бўлмаган тарих. Уй бекаси каравот четига омонат чўқди. – Отам раҳматлик Холбойнинг онаси билан яқин бўлганлиги ҳақида эшитганман. Аммо бу гап ростми, ёлғонми, отамнинг ўзи-ю, Холбойнинг раҳматлик онасидан бошқа ҳеч ким билмайди. Қолаверса, бунинг ишга алоқаси ҳам йўқ.

– Норбоев сизникида анчадан бери хизмат қиляптими?

– Салкам ўн беш йилдан бери. Мени “опа” деб чақиради, мен уни хафа қилмаслик учун “ука” дейман.

– Норбоевнинг оиласи борми?

– Йўқ. Қамоқда ўтирган пайти ташлаб кетган.

– Норбоев қамалганми?

– Ўтириб чиққан. Ўзининг моли бу ёқда қолиб, қўшнисининг сигирини сўйиб сотган экан...

– Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Демак, қулоғим сизда. Ҳаммасини бир бошдан сўзлаб беринг.

Салима хўрсиниб қўйди-да бўлган воқеани ҳикоя қила бошлади.

– Уч кун олдин, кечки пайт юз берди бу воқеа. Уйда ёлғиз ўзим эдим, телевизорда сериал томоша қилаётгандим. Бир вақт ошхонадан ниманингдир тарақлаган товуши эшитилди. Ўрнимдан туриб ошхонага чиқдим. Қарасам, даҳшат. Мен суйган пахта гулли чойнак оёқ остида чил-чил синиб ётарди!

– Сиз суйган чойнакнинг синиши, дейлик, кўнгилсизлик, аммо даҳшат эмас... Мушук-пушук кирган бўлса...

– Нима деб ўйлайсиз, жаноб юрист, эшик-дераза-си зич ёпилган ошхонага мушук кириши мумкинми?

– Тушунарли. Давом этинг.

Яна бир марта хўрсиниб қўйган Салима ҳикоясини давом этди.

– Чойнак тоқчада турганди. Жонсиз нарса қандай қилиб ерга тушиб кетган бўлиши мумкин? Жон кирганми? Азбаройи чойнагимга ачинганимдан, ҳатто, қўшнилари болаларидан ҳам шубҳаландим. Тўғри, қўшнилари фарзандлари орасида шумтакалари бор, аммо улар менинг ошхонамга кириб суйган чойнагимни синдириб кетишлари ақлга сиғадиган тахмин эмас.

Бу фикрга юз фоиз қўшилганим учун эътироз билдирганим йўқ.

Тоқчада турган чойнакнинг ўзидан ўзи ерга тушиб кетиши аввалига сирли, кейин шубҳали туюла бошлади. Бекоргамас бу, дедим ўзимга ўзим, бирон-бир кўнгилсиз воқеа юз берадиган кўринади! Ўйлаб адашмаган эканман. Ошхонадан чиқишим билан кучли шамол кўзгалди...

– Мени кечирасизу, шамолнинг кўзғалишига синган чойнагининг алоқаси бор деб ўйлайсизми?

– Давомини эшитинг. Ярим тунга яқин шамол янада зўрайди. Энди кўзим илинган экан, қарсиллаган товушдан чўчиб уйғондим. Бир муддат ётган жойимда ташқарига қулоқ тутдим. Қадам товушлари эшитилгандай бўлди. Секин ўрнимдан туриб деразага яқинлашдим. Ҳовли зимистон қўйнида қолган, дарвоза тепасидаги чироқ ўчган эди. Ичимда калима қайтариб каравотга қайтмоқчи бўлган пайтим, деразанинг бир табақаси тарақлаб очилди-ю тахтадек қотиб қолдим. Шундоқ рўпарамда... эрим турарди!

Кўзлари катта-катта очилиб кетган Салима, худди ҳозир ҳам эрининг руҳини кўраётгандай деразага қадалганча қотиб қолди.

– Нега жимиб қолдингиз? Кейин нима бўлди? Мени эшитяпсизми, Салима Ҳикматовна? Салима Ҳикматовна, илтимос, ўзингизни қўлга олинг. Менга қаранг. Менга қаранг!

Ниҳоят, уй бекасининг кўзлари аслига қайтди. Юзларига қон югуриб нималарнидир минғиллаган қўйи юзига фотиҳа тортганидан кейин менга юзланди.

– Нима деятгандим?

– Эрингизнинг арвоҳига қараб қотиб қолган экансиз. Кейин нима бўлганини айтасизми?

– Айтаман. Калима қайтарай десам тилим айланмасди, бақирай десам овозим чиқмасди. Турган жойимда тахтадек қотиб қолгандим. “Хотин, деди бир вақт эрим бармоқларидан нур таратиб, банкдаги пулларимга тегишли битимни ўзгартир... ўзгартир... ўзгар...тиррр...” Кейин нима бўлганини билмайман, ҳушимдан кетиб оёқ остига йиқилибман. Бу воқеа биринчи келганида юз берганди. Кейингисида яна битимни ўзгартаришимни талаб қилгач, онамнинг туғилган куни ҳисоб беришим кераклигини айтди. Шу жойига келганда яна ҳушимдан кетдим. Ўзимга келиб қарасам, арвоҳ йўқ, тепамда Шермат билан Даврон ўтирибди. Уларга бўлган воқеани сўзлаб бердим. Менга ишонидими-йўқми, билмайман.

– Айнан эрингизнинг арвоҳини кўрганингизга ишончингиз комилми?

– Очиғи, арвоҳ дейишга ҳам тилим бормайди. Худди, ўзи келгандай! Ўша соқол, ўша муйлов! Мен совға қилган кўзойнакни тақиб олганди!

– Ўлган одамнинг гўрдан чиқиб келишига, юмшоқроқ қилиб айтганда, ишониб қийин. Тагин келган одам бир йилдан бери тупроқ остида ётган бўлса! Бунақаси ҳали бўлмаган. Бўлмаса ҳам керак. Кўзойнак деяпсиз, эрингизнинг кўзойнаги қаерда эди?

– Иш кабинетидеги стол тортмасида турарди. Икки кундан бери қидириб тополмаяпман. Эрим кўзойнагини олиб кетган кўринади...

Бу тахминни таҳлил қилишга уринганим ҳам йўқ. Жин урсин, бир йил олдин ўлиб, танаси курт-қумурсқага ем бўлган одамга кўзойнакнинг нима кераги бор?!

– Арвоҳ деясиз. Эшитишимча, арвоҳда вужуд бўлмас экан. Сиз эса, деразани очди дедингиз...

– Очгани учун очди деяпман! Уларга дераза нима, девор ҳам чўт эмас.

– Эрингизнинг арвоҳи фақат банкдаги пуллар ҳақида гапирдими? Бошқа ҳеч нима дегани йўқми?

– Йўқ. Яна келишини айтиб кўздан йўқолди.

Ўрнимдан туриб деразага яқинлашдим. Ташқарига қарадим. Ётоқхона деразаси орқа ҳовлига очилганди. Орқа ҳовли ҳар хил мевали дарахтлар экилган боққа тутатиб кетган. Боғ тўрида қандайдир пастак бинолар кўриняпти. Арвоҳ дарахтлар орасидан чиқиб деразага яқинлашган бўлса керак. Руҳ эмиш! Арвоҳ дегани келиб-келиб банкдаги пул билан қизиқадими?!

– Агар сизга маъқул бўлмайдиган саволларни берсам, айбга буюрманг, – дедим орқамга ўгирилиб, – Арвоҳни “овлаётган” пайтим керак бўлиб қолиши мумкин. Кўзингизга эрингиз кўринганида...

– Мен кўзимга кўринди деганим йўқ!

– Узр. Эрингизнинг руҳи арвоҳларга ярашмайдиган талаб билан келганида уйда сиздан бошқа одам бормиди?

– Ҳеч ким йўқ эди. Шермат зиёфатга кетганди. Даврон устахонада ишлайди, алла-паллада уйга қайтади.

– Холбой-чи?

– Нима Холбой?

– Шу ердамиди?

– Ҳовлидаги уйчада ухлаётганди, адашмасам.

– Демак, эрингизнинг руҳи келганида уйда ўзингиз, ҳовлида Холбойдан бошқа ҳеч ким йўқ эди, шундайми?

– Бу билан нима демоқчисиз?

Нима демоқчилигимни ошкор этганим йўқ. Ҳозирча бу хонадонга кириб-чиқадиган одамларнинг биронтасидан ҳам гумон қилишга етарлик асосим йўқ. Тўғри, Холбой Норбоев менда ғалати таассурот қолдирди. Кўзлари ўғриникига, башараси қаллоб-никига ўхшайди, бировнинг сигирини сўйиб сотгани учун ўтириб ҳам чиққан. Шунингдек, сассиз одимлаб арвоҳлардек ғойиб бўлишни ўрнига қўйиши ҳам рост. Бироқ булар ундан жиддий шубҳаланишга асос бўлполмасди.

Навбатдаги саволни йўллаш учун оғиз жуфтлаганимда ташқаридан ниманингдир қарсиллаб сингани эшитилди. Орқамга ўгирилдим. Одатда, дарахтнинг қуриган шохи устига оёқ босилса, шунақанги товуш чиқаради. Айни боққа қараган пайтим кўкимтир спорт иштони билан энги узун қора кўйлакка ўралган гавда ишқом орқасига ўзини уриб кўздан ғойиб бўлди. Лоп этиб кўз ўнгимда Холбой Норбоев гавдаланди. У ҳам шу рангдаги спорт иштони била энги узун қора кўйлак кийиб олганди.

– Бировни қидиряпсизми? – сўради Салима хонага чўккан сукунат бағрини тилиб. – Боққа тикилиб қолдингиз?

– Шунчаки, ўзим. Айтинг-чи, Салима Ҳикматовна, мабодо, меросхўрларингиздан бирини пулдан маҳрум қилишга тўғри келиб қолса, қайси бирининг исмини рўйхатдан ўчирган бўлардингиз?

– Бунинг бошимга тушган муаммога алоқаси борми?

– Алоқаси бўлиши мумкин.

– Аввал, алоқаси бор-йўқлигини аниқланг, кейин саволингизга жавоб бераман!

Яна ишқом томонга қараб қўйдим. Токнинг япроқлари шунчалик қалин эдики, орқасида одам нима, бутун бошли трактор турган бўлса ҳам кўринмасди.

– Фарзандларингиз билан гаплашсам яхши бўларди, Салима Ҳикматовна.

Салима ўрнимдан турди.

– Юринг.

Сўнги марта ишқомга қараб қўйдим-да хонадон бекасига эргашиб ётоқхонадан чиқиб кетдим.

4

Ҳасан Жабборнинг кошонаси, уй бекасининг тили билан айтганда, уч қисмга бўлинган эди. Айвоннинг чап томони Салима Ҳикматовнага тегишли ҳудуд. Ундан берухсат бу ҳудудга ўтишга Шермат билан Давроннинг ҳаққи йўқ. Айвоннинг ўнг томони уларга тегишли (турган гапки, уй бекаси бўлгани боис, рухсат сўраб ўтирмай уларнинг ҳудудига ўтишга Салиманинг юз фоиз ҳаққи бор). Айвон билан иккинчи қаватдаги хоналар эса умумий, хоҳлаган пайтда кириш-чиқиш, меҳмон кутиш мумкин.

– Сиз шу ерда кутиб туринг. Салима диванга ишора қилиб хоналардан бирига кириб кетди. Ишора қилинган жойга ўтирганимдан сўнг, аввал уй кинотеатрига, кейин ён томондаги деворга илинган катта суратга қарадим. Суратда калта соқол-мўйлови ўзига умуман ярашмаган 55-60 ёшлардаги тепакал, кўпол башаралик одам хўмрайиб турарди.

Ҳасан Жаббор дегани шу одам бўлса керак. Жаҳли чиқиб турган пайти суратга тушган кўринади...

Яна уй кинотеатрига юзландим.

– Қанча тураркан? Уйимдаги телевизор бу матоҳнинг ўндан бири катталигича келади. Телевизорни бир ойлик маошимга сотиб олгандим. Демак, мен ҳам худди шундай уй кинотеатрини сотиб олишни истасам...

Афсуски, ўйимни охирига етказишга улгурганим йўқ. Хона эшиги очилиб айвонга чиққан Салима менга яқинлашди.

– Эрим... – сўлғин тин олди суратга ишора қилиб.

– Ўзим ҳам Ҳасан Жаббор шу одам бўлса керак деб ўйлагандим.

– Шу одам... Қандай инсон эди-я! Гурсиллатиб юрганида ер, қаҳ-қаҳ отиб кулганида, осмон титрарди... Эҳ, энди нимасини атай...

– Шермат қаердалигини айтинг.

– Хонасида ўтирибди. Сизни кутяпти. Фақат...

– Нима “фақат?”

– Ўғлим ҳақида нотўғри фикрга борманг. Эрим Шерматни жуда яхши кўрарди, раҳматлик. Полвон ўғлим дерди...

Хотиралар оғушида қолган уй бекасини четлаб ўтиб ўртача катталиқдаги хона эшигини очдим. Эшикни очим билан кир пайпоқ, сигарет тутуни ва спиртли ичимликларнинг аралаш-қуралаш сассиқ хиди димоғимга урилди. Ичкарига бир қўр назар ташладим. Диван устида йиғиштирилмаган кўрпа эшилиб-буралиб, остида уч-тўрт жуфт пайпоқ ғижимланиб ётарди. Дераза раҳига бўшатирилган арақ-вино шишалари териб қўйилган, шишалар орасида сигарет қолдиқларига тўлиб кетган кулдон турибди. Девор остига қиммат ёғочдан ишланган стол қўйилган бўлиб, стол ёнида 25-26 ёшлардаги тепа сочи битта қолмай тўкилган кўпол башаралик йигит ўтирарди. Унга кўзим тушгани ҳамон

Ҳасан Жаббор кўз ўнгимда гавдаланди. Соқол-мўйлов ўстириб бурни устига кўзойнакни кўндирса Ҳасан Жабборнинг бир мунча ёш пайтига ўхшайди-қолади!

- Шермат?
- Жаноб юрист?
- Мумкинми ўтирсам?

Бош ирғаб қўйган Шермат стол устида турган пиво шишасига ишора қилди.

- Кетадими?
- Кетмайди. Чунки, пиво эрталаб ичилса одамни семиртираркан.
- Кечки пайт ичилса-чи?
- Сочни тўқади дейишади...
- Аския қиялпсизми?
- Йўқ. Муддаога ўтяпман. Ҳеч қаерда ишламас экансиз. Ичишга пулни қаердан оласиз?

Савол бергунимча шишани яримлатиб улгурган Шерматнинг кўзлари қаҳрли тус олди.

– Банк юристининг мени тергов қилишга ҳаққи борми?

– Тергов қилаётганим йўқ. Бу шунчаки суҳбат. Давом этамиз. Ойингизнинг ёнига дадангизнинг арвоҳи келганида...

– Холам билан поччамнинг! Отам билан онамнинг ўзлари аллақачон арвоҳга айланиб бўлишган...

– Холангизнинг ёнига поччангизнинг арвоҳи келганида сиз қаерда эдингиз?

– Холамнинг кўзига биринчи марта эрининг ўзими, руҳими кўринганида бир дўстимнинг уйида арақ ичаётгандим. Шундай экан, унинг кўзига арвоҳ кўрингани учун мен айбдор эмасман.

- Кейингисида-чи?
- Улфатларим билан кафедра ўтиргандик. Бешта йигит буни қасам ичиб тасдиқлаши мумкин. Уйга қайтганимда холам гилам устида чўзилиб ётарди.

Айтилган сўзларни ёзиб олганимдан сўнг Шерматнинг кўзларига қарадим.

– Поччангиздан мерос сифатида қанча пул қолганини биласизми?

- Қизиқмаганман.
- Бу билан банкка, холамнинг номига пул қўйилганидан хабарим йўқ демоқчимисиз?

Бўшаган шишани дераза раҳига кўяётган Шермат ялт этиб менга қаради.

– Нима, поччам холамнинг номига пул қўйган эканми?

- Унинг саволини жавобсиз қолдирдим.
- Агар холангиз сизни пулга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилса, нима қилардингиз?

– Нима қилардим? Ҳеч нима. Унинг садақасисиз ҳам яшайверардим!

- Ишончингиз комилми?
- Нима, азбаройи алам қилганидан ўзини осиб ўлдирди деб ўйлаганмидингиз?!
- Мен савол беряпман.

– Унда жавобимни эшитинг! Пул экан-у, ҳатто, холам уйдан ҳайдаб юборса ҳам куйинмайман. Чунки отамдан қолган уй бор. Ўзимнинг уйим бор! Ичасизми?

– Йўқ. Сизга ҳам маслаҳат бермайман. Сўнги савол. Холбой Норбоев ҳақида нима дея оласиз?

– Холбой ҳақида нимадир дейиш шарт эмас, – мингиллади Шермат диван остидан яна бир шиша пиво олиб. – Унинг башараси қандай одамлигини айтиб турибди. Соғлигингиз учун, жаноб юрист!

– Саломат бўлинг. Биз ҳали яна учрашамиз деган умиддаман.

Ўрнимдан туриб хонадан чиқишга шошилдим. Пиво ҳиди кир пайпоқ ҳидига араллашиб чидаб бўлмайдиган даражага етганди. Шахт билан эшикни очдим. Хонадан чиқдим-у Салима Ҳикматовнага рўпара бўлдим.

- Гаплашдингизми?
- Гаплашдим.
- Хўш?
- Хулосани кейин чиқарамиз. Даврон қаерда?
- Ҳозир келади. Пича кутасиз.

Бош ирғаб диванга ўтирдим. Тағин девордаги суратга нигоҳим урилди. Чиндан ҳам, Шермат поччасига жуда ўхшаб кетаркан. Иккаласи ҳам тепакал, иккаласининг ҳам қошлари куюқ, дўрдоқ лаблари қирғий бурунларига қўшилиб башараларини жуда кўпол қилиб кўрсатяпти.

– Шермат синглингизнинг ўғлими? – сўрадим суратдан кўзимни олиб.

– Ҳа, раҳматлик Ҳалиманинг ўғли, – деди Салима ўйчан. Сўнг қатъий оҳангда қўшиб қўйди. – Энди менинг фарзандим!

Ҳасан Жаббор 25 ёшида Салиманинг синглиси Ҳалимани севиб қолиб совчи қўйгани ҳақида катта лейтенант Ҳакимовдан эшитдим. Аммо нима учун севгани бу ёқда қолиб унинг опасига уйлангани қоронғу. Балки...

Яна ўйимни охирига етказишга улгурганим йўқ. Айвон эшиги очилган, 25 ёшлардаги ўрта бўй, очиқ юзли йигит ичкарига кирганди. Уни кўриб ўрнимдан турдим. Салима йигитга пешвоз чиқди.

- Келдингми, Давронжон?
- Келдим. Тинчликми, ойи, – сўради Даврон хавотир аралаш мулоим оҳангда, – ўзингизни яхши ҳис қиялпсизми? Ҳеч қаерингиз оғримаяптими?

– Тинчлик, болам. Хавотир олма, ўзимни жуда яхши ҳис қиялпман.

– Тезда этиб кел деганингизга... Ие, меҳмон келибдими? Ассалому алайкум.

Даврон қўш-қўллаб чўзилди. Мен ҳам шу йўсинда кўлини олдим. Қисқача ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Хуш кўрдик, меҳмон?
- Хушвақт бўлинг. Мен банкда юрист бўлиб ишлайман. Сизга бир-иккита саволим бор эди.
- Бемалол. Марҳамат, ўтиринг.

Диванга жойлашдик. Менинг саволларимга жавоб қайтариш шарт эканлигига шаъма қилган Салима ташқарига йўналди.

– Мен Холбойдан хабар оламан. Сизлар бемалол гаплашиб олинглар.

– Холбой акани хонасидан тополмайсиз, – деди Даврон. – Боя қизариб-бўзариб ҳовлидан чиқиб кетаётганини кўргандим.

- Қизариб-бўзариб деганинг нимаси, болам? Нима гап, қаёққа кетаяпсиз, деб сўрамадингми?
- Сўрадим. Жавоб қилгани йўқ. Жаҳл билан қўл силтаб чиқиб кетди.

- Қизиқ... Жуда қизиқ! Мен хонамда бўламан.
- Салима даҳлизга кириб кетганидан сўнг Даврон менга қаради.

– Ака, узр, менинг вақтим зиқ. Устахонада шогирдларим кутяпти. Шунинг учун, тезроқ муддаога ўтсак.

– Кўп вақтингизни олмайман. Уч-тўртта саволимга жавоб берсангиз бўлди. Адашмасам, онангизнинг ташвишга тушиб қолганидан хабарингиз бор?

– Агар, ойимнинг кўзига дадамнинг руҳи кўринганини назарда тутаётган бўлсангиз, адашмадингиз.

– Ўша воқеа юз берган тунда қаерда эдингиз?

– Афсуски, уйдамасдим. Устахонада эдим. Беш-олтита шошилинч буюртма олганман. Шунинг учун алла маҳалгача устахонада қолиб кетишга тўғри кел-япти.

– Онангизнинг номига катта пул қўйилганидан хабарингиз борми?

Даврон бош ирғади.

– Хабарим бор. Ойимнинг ўзи айтганди.

– Агар, онангиз сизни пулдан маҳрум қилса, нима қиласиз?

Даврон дарров жавоб бермади. Бир муддат жим қолди. Жавобини тарозига солиб кўрди чамамда.

– Менимча, озми-кўпми алам қилса керак. Аммо, бу билан ойимга бўлган меҳрим камайиб қолмайди. 15 йил болалар уйда яшадим, ака. Туққан онам кўрсатмаган меҳри шу ерда топдим. Шундай экан, пулни деб ойимдан ранжисам, Худо кечирмайди.

Мен унинг самимилигига тан бердим. Дилидаги гапни тилига чиқараётгани шундоққина сезилиб турарди.

– Арвоҳлар борлигига ишонасизми?

– Мен ойимга ишонаман. У киши эса ёлғон гапирмайди.

– Арвоҳнинг банкдаги пул билан қизиқиши сизга шубҳали туюлмаётими?

– Очиғи, нима дейишга ҳам ҳайронман.

– Холбой Норбоев ҳақида нима дея оласиз?

– Холбой ака ўн беш йилдан бери уйимизда хизмат қилади. Шунча йил хизматингни қилган одам ҳақида ёмон гап айтиш мумкинми, ака?

– Агар, ўша ўн беш йиллик хизматини бир четга суриб қўйиб таъриф берсангиз-чи?

– Узр, ака, аммо мен унинг шунча йиллик хизматини бир четга суриб қўя олмайман. – Даврон бир муддат ўйга толганидан кейин қўшиб қўйди: – Қолаверса, кимда иллат йўқ дейсиз? Ҳеч биримиз фаришта эмасмиз.

– Бу гапингизда жон бор. Шермат Жабборов...

– У менинг акам!

Савол-жавоб маросимига яқун ясалгач Даврон уйдан чиқиб кетди. Мен Салима Жабборованинг айвонга чиқишини кута бошладим. Ҳозирча аниқ бир тўхтама келишга ундайдиган далилларга эга бўлганим йўқ. Тўғри, бу уйда шубҳали туюлган одамлар-у ҳолатлар бор, бироқ, шубҳа далиллар билан исбот қилинмас экан, шубҳалигича қолаверади.

Ниҳоят, айвон эшиги очилиб Салима кўринди.

– Мен бир нарсга тушунмаяпман, – ҳужумга ўтди даҳлиздан чиқар-чиқмас. – Нима, сиз фарзандларимдан гумон қиляпсизми?

– Мен муаммо ечимини топишга ҳаракат қиляпман, Салима Ҳикматовна.

– Шунақа денг? Топдингизми ўша ечимни?

– Ҳозирча, йўқ.

– Хўш, унда айтингчи, энди мен нима қилай?

– Битимни ўзгартиришга шошилманг.

– Фақат шуми?

– Ҳозирча фақат шу. Омон бўлинг!

Ўрнимдан туриб бошимни қимирлатиб қўйдим-да уйдан чиқиб кетдим. Пешонаси тириша бошлаган Салима Ҳикматовна мени кузатгани чиқмади.

5

Сомсахонага кириб бўш столлардан бирига ўтирдим. Стол устида туздон билан кулдон турар, уларнинг орасида бир варақ қоғоз ётарди. Қоғозга қараб қўйганим ҳам йўқ. Чунки, 20 та таом билан шунча салатнинг номи ёзилганию семиз ошпаз бу егуликларнинг ярмидан кўпи қандай тайёрланишини ҳам билмаслигидан хабарим бор эди. Шунинг учун, столга яқинлашган официант қизга тўртта сомса билан бир чойнак чой буюрдим.

– Қора чойми, кўкиданми?

– Фарқи йўқ. Фақат, илтимос, чойнакка қуруқ чой солишни унутманг...

Орадан бир неча дақиқа ўтгач бир чойнак чой билан сомса солинган ликопча столим устида пайдо бўлди. Чойнакка қўл чўзган пайтим сомсахонага кирган 50 ёшлардаги бўйинбоғли одамни кўриб сергак тортидим. Икром Рустамович. Ҳасан Жабборнинг пуллари қўйилган банк хўжайини. Чойнақдан қўлимни тортидим. Икром Рустамовичга ўхшаган пулдор одамлар сомсахонада овқатланмайдилар. Уларни бундай жойларга киришга жиддий муаммоларгина мажбур қилиши мумкин. Демак унинг бу ерга мени излаб келгани ҳақиқатга яқин.

Адашмаган эканман. Банкир мен банд қилган столга яқинлашгач юришдан тўхтади.

– Салом, ўртоқ капитан. Ёқимли иштаҳа.

– Раҳмат.

– Мен...

– Сизнинг кимлигингизни биламан, Икром Рустамович. Марҳамат, ўтиринг.

Ўриндиққа шубҳа билан қараб қўйган банкир курсининг бир четига омонат ўтирди.

– Сизни шу ердан топиш мумкинлигини...

– Ким айтганининг аҳамияти йўқ. Мақсадга ўтсак.

– Хўп. Биласизми, Салима Жабборова менинг йирик мижозларимдан бири...

– Хабарим бор.

– Милицияга мурожаат қилишни унга мен маслаҳат бергандим. Чунки, ҳар бир фуқаро...

– Икром Рустамович, тушлик учун бор-йўғи бир соат ажратилган. Подполковник Шарипов эрталаб ишга кечикиб келади-ганларни қанчалик хушламаса, тушлиқдан сўнг ўз вақтида иш жойида пайдо бўлмаган ходимларни ҳам шунчалик аяб ўтирмайди.

– Тушундим. Кўп вақтингизни олмайман. Бир соат олдин Жабборова билан телефонда гаплашгандим. Салима Ҳикматовна уйига келиб кетганингизни айтди. Мумкинми, сизга бир-иккита савол берсам?

– Мумкин. Фақат, ишга тааллуқли бўлмасин.

Банкир сўлгин тин олди.

– Мени тўғри тушунинг, ўртоқ капитан. Мен тергов-суриштирув ишларига тумшуғимни тикмоқчи эмасман. Аммо, Салима Жабборова бизга ўзининг пуллари ишониб топширган йирик мижозларимиздан бири бўлгани учун унинг бошига тушган муаммоларга бефарқ қараб туролмайман.

– Ана энди очикчасига ўтинг, Икром Рустамович.

– Хўп. Йирик мижозлардан биронтаси тузилган

битимни ўзгартиришни истаб қолса, ҳар қандай банкир дарров сергак тортади. Чунки, бундай истак, кўпичча, банкни чув тушириш учун қилинаётган ҳаракатдан дарак беради. Мен эса чув тушишни истамайман!

– Бу табиий ҳол. Мана сиз, банк билан тузилган битимни ўзгартиришни мижозингиздан ҳақиқий арвоҳ талаб қилганига ишонасизми?

– Йўқ!

– Салима Ҳикматовна банкни чув тушириш учун ҳийла ишлатаётган бўлиши мумкинми?

Банкир ўйланиб қолди. Буям табиий ҳол. Катта пулга тегишли қалтис саволга пул айланмаси билан шуғулланадиган одамлар чуқур ўйлаб жавоб қайтадилар.

– Биласизми, – тилга кирди ниҳоят. – Мен Салима Ҳикматовнани салкам 30 йилдан бери биламан. Раҳматлик Ҳасан Жаббор билан ҳам ораимиз яқин эди... Бир сўз билан айтганда, мен Жабборованинг ўзидан эмас, уни битимни ўзгартиришга ундаётган арвоҳдан шубҳаланипман.

Курсининг суянчиғига суяниб банкирға қарадим.

– Очиқроқ сўзланг, Икром Рустамович. Кимдан гумон қиялпсиз? Шермат билан Даврон Жабборовданми?

Икром Рустамович суҳбатимизга ҳеч ким қулоқ тутмаётганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлган мисол у ёқ, бу ёққа қараб қўйди-да стол оша мен томонга чўзилиб овозини пасайтирди.

– Мен сизга Ҳасан Жаббор билан яқин бўлганимни айтдим. Оилаларимиз билан борди-келди қилардик. Шермат билан Давронни ўғил қилиб олганида... Гапнинг индаллоси, Шерматнинг ҳаёт тарзи менга шубҳали туюляпти.

– Нима учун?

– Шермат жонини койитмай тўкин яшашга одатланиб қолган йигит. Маишатга ўч.

– Бир сўз билан айтганда, Шермат айбдор? Шундайми?

– Ҳа десам, мендан далил-исбот талаб қиласиз. Шунинг учун, бу менинг тахминим дея қоламиз. Қолаверса, Шерматнинг уй хизматчиси Холбой Норбоев билан яқин эканлигини ҳам эътибордан четда қолдириш ярамайди.

– Негадир мен уларнинг яқинлигини сезганим йўқ.

– Менда эса уларнинг бирга маишат қилишлари ҳақида маълумот бор.

– Мени тўғри тушунинг, Икром Рустамович, ҳозирча улардан жиддий шубҳаланишга асос йўқ.

Банкир бундай тахминни кутмагани чоғи, нима дейишини билмай каловланиб қолди.

6

Қўл телефоним жиринглади. Митти мониторда “Салима Ҳикматовна” деган ёзув ёниб турарди. Ташқарига йўналдим. Арвоҳлар ҳақида уйда гаплашмаган маъкул...

– Эшитаман?

– Капитан Акбаровнинг телефонига тушдимми? – Салиманинг овози эшитилди нариги томондан.

– Қулоғим сизда, Салима Ҳикматовна.

– Ҳавонинг авзойи бузуқ, ўртоқ капитан!

Беихтиёр осмонга қараб қўйдим. Дарҳақиқат, кўк юзини қоп-қора булутлар қоплаб олган, увиллаб шамол эсарди.

– Бу фикрга қўшиламан. Энди очиқ текст билан гапиринг!

– Арвоҳ бугун тунда келади!

– Келади? Айнан бугун келишини қаердан билдингиз?

– Арвоҳ иккинчи марта келганида “онанг туғилган кун ҳисоб берасан” деганди. Бугун раҳматлик онаминг туғилган куни. Қолаверса, ҳавонинг ҳам авзойи бузуқ. Демак, бугун арвоҳ албатта келади!

– Мендан нима истайсиз?

– Тунни менинг уйимда ўтказсангиз дегандим.

Аввал булутларга, сўнг телефонимга норозилик билан қараб қўйдим. Ҳасан Жабборнинг уйида тонг оттиришим етмай тургани ўзи! Бир хаёлим рад қилмоқчи бўлдим-у, ўйлаб кўриб фикримдан қайтдим. “Арвоҳ иши” менга топширилган. Демак, бу муаммога ечим топишим шарт. Айтишларича, арвоҳ халқининг кундуз тек ётиб, тунлари изғийдиган одати бормиш. Шундай экан, кундуз куни бу муаммога ечим топишим гумон. Демак, тунда арвоҳ билан жанг қилишимга тўғри келади. Жиноят жойида қўлига кишан урсам айни муддао бўларди!

– Таклифимни рад қилиш учун баҳона қидиряпсизми? – Салиманинг овози эшитилди телефондан.

– Йўқ. Ўйлаяпман. Уйингизда ким бор?

– Уйда ёлғиз ўзим. Холбой ҳовлидаги уйчада ўтирибди.

– Бир соатдан кейин уйингизга бораман. Менинг бормоқчи эканлигимни сиздан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак! Уйингизга кириш учун бошқа эшик борми?

– Бор. Орқа томондан келсангиз боғ деворимизга ўрнатилган эшик кўринади. Темирдан ясалган, занглаб ётибди. Қўшнилари билан адаштирамайсиз.

7

Уйдан чиққанимизда осмонга бир қур назар ташлаган хотиним жала қуйишини башорат қилганидан кейин соябонни олиб кетсам “барака топишимни” айтганди. Қулоқ солмадим, сендан икки дунёда ҳам нафаси иссиқ синоптик чиқмайди деб жириллаб ҳам бердим. Мана оқибат! Кўприк ёнида таксидан тушишим билан майдалаб ёғаётган ёмғир бирдан жалага айланди-ю, Ҳасан Жабборнинг боғ эшигига етгунимча усти-бошим жикқа ҳўл бўлди.

Темир эшик ўрнатилганидан бери очилмагани, занглаб ётарди. Зорланган мисол ғийқиллаб товуш чиқаргунича анча-мунча уринишимга тўғри келди. Шундаям охиригача очилгани йўқ, ярмигача очилгач қотиб қолди. Ён томоним билан ичкарига кирдим. Эшиқдан бетон қўйилган энсиз йўлакка ўтилишидан хабарим бор эди. Йўлакнинг охири ҳожатхона зинасига етиб тўхтаса, бошланиши орқа ҳовлига уланиб кетади. Ўнг қўлда Ҳасан Жабборнинг уйини қўшнисининг ҳовлисида ажратиб турган боғдевор, чап томонда боғнинг ўзи зимистонлик қўйнида хунук хўмрайиб турибди.

Орқа ҳовлига яқинлашгач юришдан тўхтаб ён-атрофга назар ташладим. На ҳовлида ва на боғ ичидаги қоронғилик қўйнида тирик жон шарпаси сезилмайди. Салима Ҳикматовнанинг ётоғида чироқ ёниқ турар, бошқа хоналарнинг деразасида милт этган нур кўринмасди. Қўл телефонимни чиқариб Салиманинг рақамини тердим.

– Эшитаман?

– Мен келдим.
Телефондан жавоб бўлгани йўқ. Орқа эшик очилиб Салима кўринди.

– Ивиб кетибсиз-ку!

Айвонга кирдик. Эшикни ёпиб бир муддат ичкарига кулоқ тутдим.

– Уйда сиздан бошқа одам борми?

– Йўқ.

– Ҳовлида нима гаплар?

– Холбой хонасида ўтирибди.

– Уйингизга келмоқчи эканлигимни...

– Ҳеч ким билмайди, – илиб кетди Салима. – Даврон ишда, Шермат бир соатча олдин қаёққадир чиқиб кетганди. Нима қилдик?

– Сизнинг “худудингизга” ўтамиз. Сиз ётоқда бўласиз, мен даҳлизга курси кўйиб ўтираман. Ётоқхонангиз эшиги очиқ туради. Тушунтиролдимми?

Изма-из одимлаб даҳлизга ўтдик. Ётоқхонанинг очиқ турган эшигидан деразага кўз ташлаганимдан сўнг девор остида турган курсини олиб эшик рўпарасига кўйдим. Ётоқда чироқ ўчирилса, даҳлиз ҳам зимистон бўлади. Даҳлизда ўтириб деразани кузатиш мумкин, бироқ деразадан қаралса даҳлизда одам тугул тирик динозавр ўтирган бўлса ҳам кўринмайди.

– Мен нима қилай? – сўради Салима курсига жойлашганимни кўриб. – Дераза ёнига курси кўйиб ўтирайми?

– Йўқ. Чироқни ўчириб ўрнингизга ётинг.

– Ҳўп. Балки, шивирлашиб гаплашиб ўтирармиз?

– Йўқ. Арвоҳни чўчитиб кўйишимиз мумкин.

– Сиз ҳалиям эримнинг арвоҳи келганига ишонмаяпсиз...

– Бугун ишонч ҳосил қиламан деган умиддаман. Рухлар изғийдиган вақт яқинлашяпти. Шунинг учун...

– Тавба денг!

– Дедим. Ётоғингизга кириб чироқни ўчириб. Кутамиз!

Мана, икки соатча бўлиб қолди, Кутяпмиз. Икки соат бир юз йигирма дақиқа деган гап. Устимдаги кийимларим қуриганини айтмаса, бирон-бир жиддий воқеа юз бергани йўқ. Эшиқдан кирган пайтим уй ичи қанчалик жим-жит бўлган бўлса, ҳозир ҳам шунчалик сокинлик кўйнида. Салиманинг пишиллаб нафас олишлари бу жимликни бузишга ожизлик қиларди. Ана, пишиллаши узуқ-юлуқ хуррак товушига айлана бошлади. Бу ҳолат унинг ухлаб қолганидан далолат берарди, холос.

Норозилик билан чўзиб нафас чиқарганимдан сўнг ўнинчи мартами, мингинчи мартами бош ва кўрсаткич бармоғимни қошларим устига кўйиб кўз қорачиқларимни айлантира бошладим. Қаердадир ўқиганман, шу қилиқ қилинса, кўз косасига кўпроқ қон қуйилиб уйқу қочаркан. Тўғри, уйқуни қочиришнинг бошқача усуллари ҳам бор. Масалан, захардай аччиқ қилиб дамланган қаҳва. Аччиқ қаҳва нафақат соғлиқ, балки, уйқуга ҳам душман, пинакка кетишга йўл кўймайди. Аммо, қани ўша қаҳва?

Ўтирган жойимда ухлаб қолмасам бўлди. Жин ур-гур арвоҳ тезроқ келса экан.

Айни шу палла ташқари эшикнинг ғийқиллаб очилгани эшитилди-ю айвонда лип этиб чироқ ёнди. Ўрнимдан тургунимча ётоқдан эшитилаётган хуррак товуши ҳам тинганди.

– Ким? – Салиманинг овози эшитилди шундоқ ёнимдан. Сал қолса чўчиб тушган бўлардим... Бу хонадонда арвоҳдай сассиз одимлаш одат тусига кирган кўринади. Салиманинг каравотдан туриб ёнимга келганини сезмаган эканман.

– Билмайман. Аммо, арвоҳ эмаслиги аниқ. Чунки, улар эшикни очиб кирмайдилар. Қолаверса, уларга чироқнинг ҳам кераги йўқ. Шу ерда туринг!

Оёқ учига кўтарилиб даҳлиз эшиги томонга одимладим. Эшикка яқинлашган бир муддат айвонга кулоқ тутдим. Жим-жит. Худди эшикнинг нариги томонида тирик жон йўқдай. Бироқ бу жимлик алдамчи, ташқари эшик очилиб-ёпилганини ўз кулоғим билан эшитдим. Демак, айвонда кимдир бор. Агар, кирган одам шундоқ бўсағанда тик тургани кўйи жон бермаган бўлса, қадам товушлари эшитилиши шарт!

Пича кутдим. Эшикнинг нариги томонидан сас-садо эшитилгани йўқ. Секин оёқ устига чўк тушиб калит тикиладиган тешиқдан айвонга қарагандим, хонасининг эшиги ёнида қотиб турган Шерматга кўзим тушди. Шермат, худди, эшик орқасида биқиниб турганимни кўраётгандай калит тикиладиган тешикка совуқ қадалиб турарди. Ниҳоят, қаққайиб туравериш жонига тегди чоғи, Шермат кўл силтаб кўйиб хонасининг эшигини очди. Айвоннинг чироғи ўчган палла эшикнинг ёпилганини илғадим.

– Шермат хонасига кириб кетдимми? – Салиманинг пичирлаши эшитилди жойимга қайтган пайтим. Курсига ўтиришни ҳам, ўтирмасликни ҳам билмай қотиб қолдим. Бу хонадон соҳиблари менинг кўнглимда мавҳум ҳадик уйғота бошлагандилар. Сассиз одимлашади, эшик орқасига яшириниб турган одамни кўраётгандай қилиқ қилганлари етмагандай, ташқари эшик очилган пайти чиқарган товушига қараб ким келганини ҳам аниқлашади!

– Кириб кетди. Ётоғингизнинг рўпарасидаги хона деразаси дарвоза томонга очилган. Шундайми?

– Шундай.

– Қоронғида ҳеч нарсага урилмай деразага ета оламанми?

– Деворларга яқинлашмасангиз ета оласиз. Холбойдан хабар олмоқчимисиз?

Пайпасланиб ётоқхона рўпарасидаги хонанинг эшигидан ичкарига кирдим. Зимистон. Фақат дераза элас-элас кўриняпти. Кўр одамдай қўлларимни олдинга чўзиб деразага яқинлашдим. Дарвозага қарадим. Оқ ранга бўялгани боис, қоронғида хира оқариб кўриняпти. Холбойга ажратилган уйча томонга қараган пайтим, уйчанинг эшиги очилгандай, қандайдир шарпа ташқарига чиққандай бўлди.

Кўзимга кўриндимикин? Балки... Уйимни охирига етмай. Айвон томондан ниманингдир тарақлаган товуши эшитилди. Даҳлизга шошилдим. Одатда, шахт билан очилган дераза деворга урилса шунақа товуш чиқаради.

– Эшитдингизми?

– Эшитдим.

– Қўрқяпман. Сиз-чи?

– Нима десам ишонасиз?

– Балки, мен ҳам даҳлизга чиқарман?

– Шарт эмас. Жим ўтирсангиз бўлди.

– Яна кутамизми?

– Жим ўтираммиз!

Орадан ярим соатча вақт ўтгач орқа ҳовлидан ниманингдир шалоплаган товуши эшитилди. Ялт этиб деразага қарадим-у қотиб қолдим. Дераза орқасида... Ҳасан Жаббор турарди!

8

Пешонамга чиқиб кетган кўзларим алдамаётганига ишончим комил. Подполковник Шарипов “Арвоҳ иши” ни бўйнимга юклаганидан бери Ҳасан Жабборнинг суратига шунчалик кўп тикилгандимки, юзидаги энг майда доғларгача ёд бўлиб кетганди менга. Қасам ичишга тайёрман, дераза орқасида чиндан ҳам Ҳасан Жаббор турарди! Тепа сочлари тўкилган хумдай бош, қуюқ қошлар, қўпол башараю башарасига умуман ярашмайдиган соқол-мўйлов! Ҳатто бурнининг учи-га осилиб турган лаънати кўзойнак ҳам таниш! Юзларига пастдан қандайдир нур ёғилиб турар, ҳатто, бармоқлари ҳам нур таратаётгандай эди. Хўмрайиб туриши шунчалик даҳшатли эдики, бу даҳшатга шу туришда таъриф беролмайман...

– Мумкин эмас, – дедим ўзимга. – Ҳали ҳеч ким у ёқдан қайтиб келмаган! Боз устига, арвоҳлар кўзойнак тақмайдилар... Туш кўраётган бўлсам керак.

Секин кўлимни тушириб сонимни чимчиладим. Оғриқни сездим. Демак, бу туш эмас. Ҳасан Жабборнинг ўзиними, кўзойнак таққан арвоҳиними ўнгимда кўряпман!

– Салима, – арвоҳнинг дўрдоқ лаблари орасидан бўғиқ овоз эшитилди. – Бу ёққа кел-л-л-л...

– Дадаси, илтимос... мени кўрқитманг. Кетинг, дадаси...

Арвоҳ унинг илтимосига тупурди чоғи, қимир этмай.

– Бу ёққа кел дедим сенга-а-а-а...

Салима гипноз ҳолатига тушиб қолгандай эди гўё. Ойпарастлар каби бошини эгани кўйи қўлларини олдинга чўзиб деразага яқинлашди.

– Тўхта-а-а-а!

Буйруқни сўзсиз бажарди. Бироқ, бошини кўтаргани йўқ.

– Гўримда тинч ётолмаяпман. Нега мен айтган ишни қилмадинггг?!
– Нима... қил дейсиз ахир...

– Эртагаёқ банкка бориб янгитдан битим туз-з-з!

– Қандай... б... битим?

– Янги битим деяпман! Мана бундай. Сен оламдан ўтганингдан кейин ким менинг тилла тамакидонимни банкка элтса, ўша одам пулларга эга чиқади. Тушундингми?

– Туш... туш...

– Тез орада ёнимга келасан-н-н... Келасан-н-н... Келасан-н-н-н!!!

Салима гурсиллаб каравот устига қулади. Унинг қулашини кузатиб, ёмон йиқилмаганига ишонч ҳосил қилгач, яна деразага қарадим. Арвоҳ ғойиб бўлган, кетар жафосига деразани ёпиб кетганди. Шундагина ўзимга келиб айвонга шошилдим. Агар, кўндаланг туриб қолган тахминим ҳақиқатга айланса, Шерматни хонасидан тополмайман. Акси бўлса, уйқусини бузганим учун узр сўраб орқамга қайтишимга тўғри келади!

Айвонга отилиб чиқдим шу шахт билан Шерматнинг хонаси эшигини очдим. Димоғимга “гуп” этиб сасиган пайпоқ ҳиди урилди. Бўсагадан ичкарига ўтганим йўқ.

Хонанинг чироғи ёниқ, дераза ланг очиқ турар, Шерматнинг қораси ҳам кўринмасди. Тахмин қилиб адашмаган кўринаман.

Салиманинг “худудига” қайтганимда уй бекаси анча ўзига келиб қолган, инқиллаб-синқиллаб ўрнидан тураётганди. Ётоқхона чироғини ёқиб ёрдамга шошилдим.

– Энди и... ишондингизми?

– Тинчингиз бузилганига ишондим. Муздек сув келтирайми?

– Муздек сув ўзингизга ҳам зарар қилмасди, юзларингиз оқариб кетибди. Аммо бу аҳволда ошхонани тополмайсиз. Яхшиси, ўтирайлик.

Салима каравотга, мен пардоз столи ёнида турган курсига ўтирдим.

– Эртага битимни ўзгартираман. Бошқа иложим йўқ.

– Бу масалада шошманг.

– Шошилма дейсиз-у...

– Айтганча, эрингизнинг тамакидони қаерда?

– Тилла тақинчоқларим сақланадиган қутичада турибди.

– Аниқми?

– Турганди...

– Қараб кўринг-чи.

Салима ўрнидан туриб шкафга яқинлашди. Шкафдан жимжимадор нақшлар ўйилган қутичани олди. Қутичани очди-ю титраб кетди.

– Эй Худойим... Тамакидон йўқ!

Худди шу жавобни кутгандим ундан. Падарига лаънат, бугун нимани тусмолласам бари ҳақиқатга айланяпти!

– Тушунарли.

– Нима “тушунарли?”

– Тамакидон йўқолганини тушундим... Мен кетаман. Энди бемалол ухлашингиз мумкин, арвоҳ бугун сизни бошқа безовта қилмайди. Деразадан чиқаман. Айтганча, арвоҳни бирга “томоша” қилганимизни ҳеч ким билмасин!

Деразадан орқа ҳовлига чиқдим. Телефонимнинг чироғини ёқиб нуруни ерга йўналтиргандим, лойга беланган туфли излари кўринди. Излар боққа кириб ғойиб бўлганди.

Арвоҳлар туфли киядиган бўлишибдими?..

9

Саккиз поғоналик зинани икки ҳатлашда босиб ўтиб бўлимга кирдим капитан Қобуловнинг навбатчилар хонасининг дарчасидан чиқиб турган бошига рўпара бўлдим.

– Келдингми, Фаррух? Қаерларда санғиб юрибсан?

– Келдим. Бу ерда тинчликми?

– Тинчлик. Яна бир оз кечиксанг подполковник Шарипов уйинга қуролланган наряд юборган бўларди!

Жуда катта тезликда иккинчи қаватга кўтарилдим. Шариповнинг хонаси эшигини тақиллатишим билан ичкаридан буйруқ эшитилди.

– Қиринг!

– Ўртоқ подполковник...

– Ўзингизни оқлаш учун арзирлик сабаб борми, ўртоқ капитан?! – сўзимни чўрт кесди подполковник яхшиликдан дарак бермайдиган оҳангда.

– Асло йўқ, ўртоқ подполковник!

Чунки, ухлаб қолганим арзирли сабаб ўрнида қабул қилинмайди!

Бир муддат кўзларимга ўқдек қадалиб турган Шарипов мийғида кулиб қўйди. Бурни устига йиғилган қошлари ҳам ёйила бошлаганини кўриб ҳийла енгил тортдим. Рост гапнинг тиғигина эмас, ҳақиқатни тан олган одамнинг айбини кечиришга ундайдиган хусусияти ҳам бор. Бунга бўлим бошлиғининг хонасида тик турган ҳолда яна бир марта имон келтиряпман...

– Келинга менинг кимлигимни айтиб қўй, “сен”-сирашга ўтди Шарипов. – Ҳар қалай, подполковник капитаннинг уйига кўнғироқ қилсаю, хотинидан “эрим ухлапти, уйғонганидан кейин кўнғироқ қилинг” деган гапни эшитса ярашмайди. Тушундингми?

– Тушундим.

– Тушунган бўлсанг нега қаққайиб турибсан? Ўтир. Шоша-пиша буйруқни бажардим.

– Қулогим сенда.

– Кеча, тунда сизга кўнғироқ қилганимдан сўнг Ҳасан Жабборнинг уйига йўл олдим. Уйда Салима Жабборованинг ўзи, ҳовлидаги уйчада Холбой Норбоевдан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Салима Ҳикматовнадан ётоғида ўтиришини сўраб ўзим даҳлизга жойлашдим. Тунги соат 11 яримларда Шермат Жабборов уйига кайтди.

– Холбой Норбоевга ажратилган уйчанинг эшиги очилиб кимдир ташқарига чиққанини кўрдинг, а?

– Менга шундай туюлди, ўртоқ подполковник. Ҳовли чироқ ўчиб қолгани учун бу саволингизга комил ишонч билан жавоб беролмайман. Орадан ярим соатча вақт ўтгач Салима Ҳикматовнанинг ётоқхонаси деразаси очилди ва... – Шариповнинг саволчан нигоҳидан кўзларимни олиб қочдим. – Ҳасан Жабборнинг арвоҳи пайдо бўлди.

Подполковникнинг юз-кўзларида жиддий норозилик ифодаси пайдо бўлишини кутгандим. Чунки у қонун бузилган жойда тирик қонунбузарларнигина тан олади.

– Қани у? – сўради Шарипов юмшоқ оҳангда. Яна бир марта енгил тин олдим. Ҳартугул, унинг кайфиятида мен кутган ўзгариш юз бергани йўқ. – Нега арвоҳни бу ерга олиб келмадинг?

– Удда қилолмадим. У ҳақиқий Ҳасан Жабборга жуда ўхшаб кетарди. Тан оламан, анграйиб қолганим учун... хуллас, айбдорман, ўртоқ подполковник.

– Удда қилолмадим дегин? Бу сафар арвоҳ Салима Жабборовага қандай талаб қўйди?

– Банк билан тузилган битимни ўзгартиришини яна талаб қилди. Унинг истаги бўйича, пуллар Салима Ҳикматовна оламдан ўтганидан сўнг Ҳасан Жабборнинг тилла тамакидонини банкка элтган одамга тегиши керак эди.

– Қизиқ... Арвоҳ пайдо бўлишидан олдин Шерматнинг хонасидан деразанинг тарақлаганини эшитдинг. Кейин, сенга Холбой Норбоевга ажратилган уйчанинг эшиги очилгандай туюлди... Жуда қизиқ!

– Арвоҳ ғойиб бўлгач, кўнглимда шубҳа туғилгани учун Шерматнинг хонасига шошилдим. У ерда нима-ларни кўрганимни тахмин қиласизми?

– Шермат хонасида йўқ эди. Шундайми?

– Айнан шундай.

– Тилла тамакидонга қайтамиз.

– Салима Жабборова ўзига келганидан сўнг, мен

ундан эридан қолган тамакидон қаердалигини сўрадим. Жабборова шкафдаги қутчасида сақлаётганини айтди. Аммо, қутчадан тамакидон топилмади.

Худди, менинг жавобимни ёқтирмагандай, подполковник Шарипов пешонасини тириштириб ўйга толди. Лом-лим деб оғиз очмай унинг тилга киришини кута бошладим.

– Шерматдан гумон қиляпсанми? – сўради Шарипов ўрнидан тураркан.

– Айрим нарсалар ундан гумон қилишга ундапти.

– Ўша нарсалар хулоса чиқаришга арзийдими?

– Ишончим комил эмас.

– Кейинги пайтларда, шу гапни кўп ишлатяпсан. Энди гап бундай, Фаррух. Сен ҳозир Салима Жабборованинг уйига борасан. Кимдан, нима учун шубҳаланаётганингни айтганингдан сўнг, Ҳасан Жабборнинг тамакидонини қидирасизлар.

– Агар, тамакидон мен тахмин қилаётган хонадан чиқса-чи?

– Воқеаликнинг ривожини Салима Ҳикматовнанинг ўзига ҳам боғлиқ. Мен унинг айбдорга нисбатан жиддий чора кўришимизни талаб қилишига ишонмайман. Сизга рухсат, капитан.

Ўрнимдан туриб эшикка йўналдим. Тутқичга қўл чўзган пайтим орқамдан подполковник Шариповнинг овози эшитилди.

– Ҳасан Жабборнинг тилла тамакидони Шерматнинг хонасидан топилиши ҳақиқатга яқин, Фаррух.

– Бу билан...

– Ҳозирча, ҳеч нарса демоқчи эмасман!

10

Ички ишлар бўлиmidан чиққач юришдан тўхтаб чўнтагимга қўл чўздим. Телефоним мусиқа чала бошлаганди.

– Эшитаман? – гўлдирадим телефонимни қулогимга етказиб.

– Капитан Акбаров?

– Икром Рустамович?

– Салом, ўртоқ капитан. Кўп вақтингизни олмаслик учун дарров муддаога ўтаман. Боя Салима Жабборова билан телефонда гаплашгандим.

– Демак, тунда Ҳасан Жабборнинг уйида юз берган воқеадан хабарингиз бор. Кўнғироқ қилганингиз яхши бўлди, ўзим сизни безовта қилмоқчи бўлиб тургандим. Сизга бир-иккита саволим бор эди.

– Менда ҳам. Сиздан бошлаймиз.

– Раҳмат. Мижозингизнинг номига катта ёки жуда катта пул қўйилган. Қайси бири?

– Кейингиси.

– Бу пулларга кўз олайтираётган одам мижозингиздан ғалати нарсани талаб қиляпти.

– Эшитдим. Тилла тамакидон.

– Бундай талаб жуда катта пулга нисбатан ҳақорат эмасми?

– Агар, мижоз ўз ихтиёри билан бу таклифни киритса, мумкин. Чунки, мижознинг истаги биз учун қонун! Бироқ, англашимча, мижозим бу ишни ўз ихтиёри билан қилаётгани йўқ.

– Тўғри англабсиз. Салима Жабборова арвоҳнинг қистови билан битимни ўзгартиришни талаб қилса, қандай муносабат билдирасиз?

– Унинг талабини бажаришга мажбур бўламан.

– Бироқ, воқеликнинг бундай ривожидан сизга маъқул эмас, шундайми?

– Албатта маъқул эмас! Чунки, пулга эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган одам пулларни зудлик билан қайтаришимизни талаб қилиши мумкин. Мен эса йирик мижозимдан айрилиб қолишни истамайман.

Орага қисқа сукунат чўқди.

– Бошқа саволингиз йўқми, ўртоқ капитан?

– Йўқ.

– Мен ҳам сиздан у-бу нарсалар ҳақида сўрамоқчи эдим.

– Марҳамат.

– Кеча тунда юз берган воқеадан сўнг айнан кимдан гумон қилаётганингизни билсам бўладими?

– Бошқа саволга ўтинг!

– Менинг мижозимни қачон арвоҳнинг таъқибидан халос қиласиз?

– Бундан бошқа саволингиз йўқми?

– Тушунарли. Ҳеч бўлмаса, йирик мижозимдан айрилиб қолмаслигимга кафолат берарсиз?

– Адолат қарор топишига кафолат бераман! Барча саволларингизга тез орада жавоб оласиз. Омон бўлинг, Икром Рустамович!

Банкир эс-ҳушини йиғиб олгунча бўлмай алоқани узиб Салима Жабборовога кўнғироқ қилдим-да юриб кетдим.

11

Салима Жабборова бир неча кун олдинги кибор хонимга умуман ўхшамасди. Йиғиданми, уй-қушқанданми кўзлари қизариб кетган, сўлғин юзларидаги ажинлар чуқурлашиб, қадди ҳам сезиларли букчайгандай эди. Менинг ташрифимни, худди бошига тушган кўргуликларга мен айбдордай совуққина қарши олди.

– Энди сизни кимгадир юрист деб таништиришим шарт бўлмаса керак?

– Шарт эмас.

– Эрталаб кўшни маҳалладаги фолбиннинг уйига боргандим. Фолбин фол кўриб, “милицияга бекорга борибсиз, нариги дунё вакилларига уларнинг ваколати ўтмайди, безовта руҳни дуо билан келган жойига қайтариб юбориш керак” деди.

– Ўша фолбин қандай дуо ўқиш кераклигини биларканми?

– Билса керак. Пулидан қочмасангиз бир ой ичидан даф қиламан деяпти.

– Бир ойдан кейин келайми?

– Кетмоқчимисиз?

– Йўқ. Менга ишонаверинг, Салима Ҳикматовна, бизнинг арвоҳга нафаси тиғдай ўткир фолбиннинг ҳам дуоси қўлмайди. Чунки, сизни безовта қилаётган арвоҳ у дунёга эмас, бизнинг дунёга тегишли.

– Демокчисизки...

– Худди шундай. Фақат, ҳовли эшик олдида туриб тирик арвоҳлар ҳақида гаплашиш ноқулай. Балки, ичкарига таклиф қиларсиз?

Салима эшикни каттароқ очди.

– Ҳовлида гаплашамиз.

Уй эшигининг икки томони мўъжазгина гулзорга айлантирилган, гулзор ёнига стол билан уч-тўртта курси қўйилганди. Курсиларга жойлашдик. Япалоқ папкамни стол устига қўярканман, ҳовлидаги уйчага қараб қўйдим.

– Холбой каллаи саҳарлаб қишлоққа кетди, – деди Салима. – Нега бунча эрта уйдан чиқиб кетганини билмайман. Аммо, сизда унинг каллаи саҳарлаб йўлга чиқишига нисбатан ҳам шубҳа бўлса керак...

– Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми, Салима Ҳикматовна? – сўрадим унинг киноясини жавобсиз қолдириб.

– Мазах қилманг...

– Сизга қанчалик оғирлигини тушуниб турибман. Агар, мендан ранжидимиз деган умидданман. Агар, бизнинг шубҳаларимиз исботини топса, ҳақиқатни яна бир кучли зарба ўрнида қабул қилишингизга тўғри келади.

Салиманинг кўзлари ниҳоятда аянчли тус олди.

– Мени сиз ҳам қўрқитманг. Илтимос...

– Муддаога ўтишдан олдин бир саволимга жавоб берсангиз. Мабодо, Шермат ёки Давроннинг меҳрингизга жавобан қабиҳ иш қилганлиги исботланса, нима қилган бўлардингиз?

– Билмадим... Ҳар қалай, қамоққа олишингизни илтимос қилмасам керак. Чунки, мен уларни ўғлим деганман. Ҳеч бир она фарзандининг азият чекишини истамайди. Шундай экан, мақсадга ўтаверинг.

Салимага жуда ачинардим. Аммо шубҳаларимни яшириш йўли билан уни аяшга ҳаққим йўқ эди. Шунинг учун кимдан, нима учун гумон қилаётганимни асослаб бердим.

– Бу билан арвоҳ... ҳақиқий арвоҳ эмас демоқчимисиз? – сўради юзлари оппоқ оқариб кетган Салима.

– Худди шундай. Ишонинг, Салима Ҳикматовна, ҳақиқий арвоҳлар ҳеч қачон банкдаги пул билан қизиқмайдилар.

– Сизни тўғри тушунган бўлсам, Шермат эримнинг қиёфасига кирган. Шундайми?

– Далиллар шунга ишора қиляпти. Шерматнинг актёрликка ўқиганини унутмаган бўлсангиз керак? Гриммдан фойдаланиб хоҳлаган одамнинг кўринишини олиш уқуви бор одам учун писта чаққандай гап!

– Демак, эримнинг арвоҳи эмас, балки, Шермат банк билан тузилган битимни бекор қилишимни талаб қилган экан-да?

– Мен нима учун айнан ундан шубҳаланаётганимни асослаб бердим.

Тамоман гангиб қолган уй бекаси нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмаётган одам йўриғида ўрнидан туриб кетди. Бир муддат қотиб тургач, худди шу йўсинда яна курсига чўқди.

– Сиз... сиз шубҳаларингизни исботлай оласизми?

– Ҳаракат қиламан. Аммо, бунинг учун Шерматнинг хонасини тинтишга тўғри келади.

– Унинг ўзидан сўрасак-чи?

– Агар, ундан гумон қилиб адашмаётган бўлсам, икки дунёда ҳам айбини тан олмайди. Шермат уйдаими?

– Йўқ. Кўчага чиқиб кетганди.

– Вақтни ўтказмайлик.

Икки ўт орасида қолган Салима охир-оқибат ўзидаги иккиланишни енгиб ўрнидан турди. Мен унга эргашдим. Изма-из айвонга, айвондан Шерматнинг хонасига кирдик.

– Қидираверинг.

– Узр, жиянингизнинг нарсаларини титкилашга менинг ваколатим йўқ. Сиз эса уй бекаси ва Шерматнинг онаси сифатида бунга ҳаққисиз.

Юрак-юракдан хўрсиниб кўйган Салима ишга киришди. Аввал кийим илинадиган шкаф очилди, ичидаги кишки-ёзги кийимларнинг чўнтакларига бирма-бир қўл суқилди. Шкаф устига, остига, орқасига назар ташланди, кўрпа-тўшак, ҳатто ёстиқлар ҳам текширилди. Бироқ ҳеч қаердан тилла тамакидон топила қолмади.

– Шерматдан узр сўрашингизга тўғри келади! – ҳукм чиқарди уй бекаси.

– Агар, шубҳаларим исботини топмаса, албатта, узр сўрайман. Шермат пул ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларини қаерда сақлашини билмайсизми?

– Адашмасам, пулларни синглимдан қолган темир қутичада сақларди.

– Ўша қутича қаерда?

Салима хонанинг бурчагига етиб гиламнинг бир четини кўтаргани, ўранинг оғзи кўринди. Уни паства эгилтирмаслик учун гилам устига чўк тушиб ўрадан темир қутичани олдим.

– Очинг.

Салима қутичани очди. Иккита тилла узук билан бир жуфт исирға бир даста мингталиқ пулнинг устида ётарди.

– Шўрлик синглимнинг тақинчоқлари... Буларни таққанида гулдек очилиб кетарди...

– Пуллар ғалати дўппайиб турибди. Остини қаранг-чи!

Талабимни сўзсиз бажарган уй бекаси қалқиб кетди. Пулларнинг остида тилла тамакидон ётарди.

– Бу ерда нима қиялмаслар?!?

Дўрилдоқ овозни эшитиб ялт этиб орқамга қарадим. Азбаройи Салима билан андармон бўлганимдан Шерматнинг хонага кирганини сезмаган эканман. Бу қилиқ жиноят қидирув бўлими ходимига ярашмаслигини тан олиб Шерматни саволга тутишга шайландим. Аммо уй бекаси бунга вақт қолдиргани йўқ.

– Мени шунчалик ёмон кўрасанми, болам?

– Бу нима деганингиз? – сўради Шермат. – Тинчликми ўзи?

– Поччанг сени ўз ўғлидай кўрарди. Унинг хотирасини оёқ ости қилишга уялмадингми?!?

– Ҳеч нарсага тушунолмаёйман. Поччаннинг хотирасини оёқ ости қиладиган нима иш қилибман? Яна ичишимни юзимни солмоқчимисиз?!?

– Кеча тунда уйга қайтганингиздан кейин нима иш қилдингиз?

Шермат ялт этиб менга қаради. Аниқроғи, еб қўйгудек қадалди.

– Тергов қилмоқчимисиз?

– Истасангиз тергов деб тушунишингиз мумкин. Капитан Акбаров. Жиноят қидирув бўлими. Саволимни такрорлашдан олдин ҳужжатимни кўрсатишим шарт деб ўйлайсизми?

– Кечаги юрист бугун милиция ходимига айланиб қолибдими?

Ҳужжатимни чиқариб бурнига яқинлаштирдим.

– Саволни қайтарайми?

– Шарт эмас! Кеча тунда уйга қайтганимдан кейин тўшакка чўзилдим.

– Ишончингиз комилми?

– Ухлагани ёганим рост! Аммо уйқум келмади. Шунинг учун деразадан ҳовлига, ҳовлидан кўчага чиқиб айланиб келдим.

– Нега эшик бу ёқда қолиб деразадан чиқдингиз?

– Чунки холамнинг уйқуси сергак, сичқон югуриб ўтса ҳам тинчи бузилади. Унинг уйқусини бузмаслик учун деразадан ташқарига чиқдим.

– Нима учун поччаннинг тилла тамакидонини ўғирладинг?

Шермат ялт этиб Салимага қаради.

– Ним-ма?! Яна қанақа тамакидон?! Мен ҳеч нима ўғирлаганим йўқ, хола!

Темир қутичага ишора қилдим. Қутича ичида ётган тамакидонга кўзи тушган Шермат анграйиб қолди. Унинг кўзларидаги ифода! Бу ифода ноҳақ айбланган одамгагина мос тушарди. Демак, у ё ростдан ҳам беғуноҳ ёки боплаб ролга қиялти.

– Мен... мен ҳеч нарсага тушунолмаёйман. Менинг қутичамда поччаннинг тамакидони нима қиялти?

– Балки, бу саволга ўзингиз жавоб берарсиз? Ҳеч бўлмаса энди ростини айтинг. Холангизнинг номига катта пул қўйилганини билармидингиз?

– Билмасдим! Пул ҳақида сиздан эшитдим!

– Негадир бу гапингизга ишонгим келмаяпти. Холангизнинг уйида содир этилган қонунбузарликка нисбатан менинг ўз фикрим бор. Агар, тахминларим нотўғри эканлигини исбот қилолсангиз хурсанд бўлардим. Демак, бундай. Сиз холангизнинг номига катта пул қўйилганидан хабардор бўлгансиз. Пулларга эғалиқ қилиш учун, гриммдан фойдаланиб поччангизнинг қиёфасига кирасиз ва холангиздан банк билан тузилган битимни бекор қилиб янгитдан битим тузишини талаб қиласиз.

Шермат қисқичбақадай қизариб кетди.

– Мен ҳеч кимнинг қиёфасига кирганим йўқ!

– Менинг тахминларимни далиллар билан рад қилсангиз яхши бўларди. Давом этаман. Сиз таклиф қилган битимга биноан, суғурта пули поччангизнинг тилла тамакидонини банк хўжайинига топширган одамга тегиши керак эди.

– Банк хўжайини, тамакидон, пул... Бу ишларга менинг алоқам йўқ!

– У ҳолда, янглишаётганимни исбот қилинг!

Унинг шалвираб қолишини тахмин қилганим. Адашмаган эканман. Нимадир дейишга чоғланган Шермат тилига келганни ташқарига чиқармай йўқ, қўл силтади-ю жимиб қолди.

– Тан олганингизми бу?

– Асло! Тўғри, кўчада айланиб юрганимни ҳеч ким кўргани йўқ. Аммо, онамнинг хотираси ҳаққи ҳурмати, менга ишонинг, хола. Поччаннинг тамакидонини ўғирлаганим ҳам, унинг қиёфасига кирганим ҳам йўқ!

Салима чуқур хўрсинди.

– Сендан кутмагандим, болам, кутмагандим...

– Айбим йўқ ахир менинг! Нега менга ишонмайсиз, нега?! Эй Худо, ҳақиқат борми ўзи бу дунёда?!?

На мен ва на холаси Шерматнинг фарёдига муносабат билдирмадик. Кутилмаганда унинг афти-ангори ўзгарди. Менга юзланди.

– Мен қамоққа олиндимми?

– Йўқ.

Шермат тилла тамакидонни олиб стол устига қўйгач темир қутичани бағрига босиб эшикка йўналди. Эшикка етган жойида тўхтаб, холасига совуқ нигоҳ ташлади.

– Ҳали пушаймон қиласиз, хола. Қаттиқ пушаймон қиласиз!

Шермат чиқиб кетгач сўлғин тин олдим. Кўнглим ниҳоятда ғаш эди...

12

– “Арвоҳ иши”га нуқта қўямизми?

Подполковникнинг бу саволига қандай жавоб қайтарсам адашмаган бўлиб чиқишимни ўзим ҳам билмасдим. Бир қарашда, гўёки хулоса тайин: арвоҳ банкдаги пул Ҳасан Жабборнинг тилла тамакидо-ни кимда бўлса ўшанга тегишини тайинлади, тамакидон Шерматнинг хонасидан топилди, гумондор ўзига қарши қўйилган далилларни рад қила олмади. Қолаверса, Салиманинг айтишича, Шермат уйдан чиқиб кетганидан кейин арвоҳ уни бирон марта ҳам безовта қилмабди. Демак, майда қонунбузарлик жиддий жиноятга айланмасидан олдин олди олинди...

Лекин буни баралла айтишга нимадир сира йўл қўймапти-да! Устига устак, Салима Жабборованинг кундан кунга сўлиб бораётгани ғалати. Муаммолари ечимини топган одам аксинча, енгил тин олиши керак эди-ку ахир?!

– Салима Жабборованинг аҳволи қандай? – сўради Шарипов.

– Яхши деб айтолмайман.

Стул устида учта сурат ётарди. Бирида Шермат хўмрайиб, иккинчисида Даврон ўйчан, кейингисида Холбой Норбоев, худди, мени мазах қилаётган каби ишшайиб турарди. Бу одам ҳам Шермат уйдан чиқиб кетган кун тонг саҳарлаб ғойиб бўлганича Салима Жабборованикига қайтгани йўқ...

– Менимча, “Арвоҳ иши”га ҳали нуқта қўйишга эрта, – деди Шарипов одати бўйича нигоҳи билан пешонамни нишонга оларкан. – Ҳасан Жабборнинг тилла тамакидони Холбой ёки Давроннинг эмас, нега айнан Шерматнинг хонасидан топилди? Мана, шу саволга жавоб топиш керак!

– Жавоб топиш керак, бироқ... Кеча Жабборовага кўнғироқ қилгандим. Гаплашишни истамади. Шермат уйдан чиқиб кетди, энди мени тинч қўйинглар деб дастакни қўйиб қўйди. Шундай экан...

– Шундай экан, гапни илиб кетди Шарипов. – Салима Жабборова банк билан тузган битимни ўзгартирдими-йўқми, аниқлаш зарур!

– Битимни ўзгартирмаса арвоҳ яна пайдо бўлади деб ўйлайсизми?

– Йўқ. Битимни ўзгартирганидан кейин пайдо бўлишига ишончим комил!

Подполковник Шариповнинг хонасидан чиқиб Икром Рустамовичга кўнғироқ қилдим. Зумда нариги томонда дастак кўтарилди.

– Салом, ўртоқ капитан.

– Салом, Икром Рустамович. Безовта қилмадимми?

– Йўқ. Қайтага хурсанд бўлдим. Шерматнинг кирдикорларини фош қилиб йирик мижозимиздан айрилишимизга йўл қўймаганингиз учун сиздан жуда миннатдорман. Менга нима хизмат?

– Сизга битта савол ва битта илтимосим бор эди. Қайси бирдан бошлай?

– Саволдан бошлай қолинг...

– Салима Жабборова банк билан тузилган битимни ўзгартирдими?

– Ҳозирча, йўқ.

– Агар, ўзгартирса менга хабар берсангиз, хурсанд бўлардим.

Банкирнинг бир муддат сукут сақлаганидан енгил тин олганини илғадим.

– Илтимосингиз шуми?

– Шу.

– Кўнғироқ қиламан. Саломат бўлинг, ўртоқ капитан.

Икром Рустамович апил-тапил дастакни қўйди...

13

Иккита сумкани кўтарган кўйи бўсағада пайдо бўлди.

– Эрталабдан дўконма-дўкон санғидингми?

– Дўкон қайда! Бозорга тушдим. Сабзи олдим, пиёз, помидор дегандай... Вой, айтганча, дадаси, бозордан чиқаётиб катта опамни кўриб қолдим. Сизни сўради, салом айтиб қўйишимни тайинлади.

– Саломат бўлсин, – дедим ошхонага кириб сумкаларни стол устига қўярканман. Ўғилойнинг унча мунчага “вой” лайдиган одати йўқ. “Вой” га “дадаси” ни ҳам қўшдим, демак, шу икки сўзни ишлатишга мажбур қилган қандайдир воқеа юз берган – Фақат, салом айтдимми?

– Ҳа. Лекин-чи, опамнинг айтишича, тез орада қўшниси Салима опанинг томи кетармиш!

Сергак тортдим. Айтдим-а, хотиним беҳудага “вой”ламайди деб!

– Қанақасига томи кетармиш?

– Шунақасига! Салима опа эрининг арвоҳи билан энди кундуз кунлариям гаплашаётганмиш. Опам, “кеча уйи олдидан ўтаётиб ўзим кўрдим, дарвоза олдида қотиб эри билан гаплашаётганди” дейди!

– Эри билан?! Янами?

– Яна, фақат кундуз куни.

Фигонимдан дуд чиқиб кетди. Кундуз куними, тундами, тонгдами, нима фарқи бор?! Жабборова “Шермат уйдан чиқиб кетганидан кейин эримнинг руҳи келмай қўйди” деганди-ку ахир?!

– Вой, сизга нима бўлди, дадаси? Юзларингиз қизариб кетяптими?

– Сенга шундай туюлаётгандир. Менга қара, мабодо опанг Салима Жабборова эрининг руҳига нима-лар деганини эшитмабдимми?

– Эшитибди. Салима опа, “дадажониси, эртагаёқ ёнингизга бораман. Фақат, мени ўзингиз кутиб олинг, бегона ўликлардан кўрқаман” деганмиш. Арвоҳлар бир ёпишса адои-тамом қилмагунча тинчимас экан, дадаси. Онам айтадилар...

– Онангга салом деб қўй! Мен кетдим!

– Қаёққа?

– Ҳасан Жабборнинг уйига!

Шоша-пиша ошхонадан йўқдай отилиб ҳовлидан чиқиб кетдим. Аммо нима учун Ҳасан Жабборнинг уйига кетаётганимни ўзим ҳам билмасдим. “13” рақами илинган дарвоза олдида таксини тўхтатганимча ҳам бирон бир қарорга келолганим йўқ. Машинадан чиққач эса ҳафсалам пир бўлди. Салима Жабборованинг ҳовли эшигига отнинг калласидай келадиган қулф осилганди. Бир муддат нима қиларимни билмай анграйиб турганимдан сўнг ён қўшнисининг эшигини тақиллатдим. Эшик очилиб онам тенги, шаддодлиги қув кўзларидан шундоққина сезилиб турган аёл кўринди.

– Кечирасиз...

– Майли, кечирдим, болам. Энди дардингни айта-вер.

– Салима холани қидириб келгандим. Қарасам, эшиги қулф. Мабодо, қаёққа кетганини билмайсизми?

– Нега билмас эканман? Биламан-да, болам. Аввал сен кимлигингни айт. Сўнг, нега уни қидириб юрганингни айтасан. Ана ундан кейин...

Хужжатимни кўрсатишимга тўғри келди.

– Тушунарли. Салима арқон сотиб олгани бозорга кетди.

– Бозорга кетди? Салима хола арқонни нима қилади? Ахир, моли йўқ-ку?

– Нега йўқ бўларкан? Ўтган кун эрталаб Холбой яна Салиманинг уйига қайтиб келди. Қуруқ келгани йўқ, қишлоқдан сигир етаклаб келди. Янги молга янги арқон боғлаш керак. Шунақа ирими бор. Эски арқонда турса...

Аёлнинг кейинги сўзлари қулоғимга кирмади. Яна таксига ўтириб бозор дарвозаси олдида тушиб қолдим. Ичкарига кирдим. Бозор тўла одам, ғала-ғовур, бақир-чақир...

Дарвозадан кириб тўғри арқончиларнинг расталари томонга одимладим. Салимани топдим. Ана, ўзи тенги арқончининг ёнида турибди. Ундаги ўзгаришни кўриб бўғзимдан хўрсиниқ юлинди. Шундоғам озгин эди, янада озиб чўпдай бўлиб қолибди. Ёнига яқинлашганимда сочларининг қорасидан оқи кўпайганини илғадим. Юзларини тилган ажинлар ҳам бунчалик кўп эмасди...

– Арқонингиз пишиқми, ота? – сўради Салима бош бармоқ йўғонлигидаги арқонни қўлига оларкан. Арқончи унга таажжубланиб қараб қўйди.

– Ота дедингми? Нима, мени танимаяпсанми, Салима?

– Кекса одамлар орасида таниш-билишларим кам, ота. Шунинг учун, айбга буюрманг.

– Яна ота дейди-я! Эсинг жойидами ўзи? Мен Бобожонман. Сен билан бир маҳаллада туғилиб...

– Узр, Бобожон ота, танимабман. Менга уч метр арқон беринг.

– Бобожон отамиш! Эс-хушинг жойидами ўзи?

– Жойида.

– Арқонни нима қиласан?

– Эрим уч метр арқон топиб қўйишимни сўраганди. Берасизми?

Бобожон ака “астафуролло” деб ёқасини ушлади.

– Нималар деяётганингни биласанми ўзи?! Эринг оламдан ўтганига бир йил бўлди-ку!

– Сизга ёлғон айтишибди. Эрим тирик. Ҳамма уни ўлган деб ўйлайди, аслида, у ўлмаган. Тез-тез учрашиб турибмиз.

Бобожон ака, унинг соғ эканига шубҳанди чоғи, арқони сотмади. Салима навбатдаги растага ўтиб уч метр арқон сотиб олгач бозор дарвозаси томонга юриб кетди. Унга эргашдим.

– Салима Ҳикматовна, бир дақиқага!

Кутилмаганда Салиманинг кўзларидаги ақли-хушидан айрилган одамларга хос бўлган ифода сўниб, зумда пулдор одамнинг бадавлат бевасига айланди.

– Мендан нима истайсиз?

– Мумкинми, сизни кузатиб қўйсам?

– Йўқ! Мен ўғлимга туҳмат қилган одам билан гап-

лашишни истамайман! Асли, эримнинг тамакидонини ўзингиз ўғирлаб Шерматжоннинг қутчасига солиб қўйгансиз!

Ундан ҳар нарсани кутган бўлсам ҳам бундай бе-маъни айбловни кутмагандим.

– Менга қаранг...

– Шерматни уйдан ҳайдатиш учун арвоҳ асли арвоҳмас, Шермат арвоҳ ролини ўйнапти дедингиз! Мен нодон сизга ишондим. Эримнинг арвоҳи эса кейинги икки кун ичида икки марта келди. Энди ундан қўрмайдиган бўлиб қолдим. Чунки, эрим бир сўзли одам, айтганимни қилсанг сенга зиён етказмайман деб ваъда бердим, бас, ваъдасини бажаради.

Бу гап менга умуман ёқмади.

– Менга қаранг, балки кимдир яна эрингизнинг қиёфасига кириб...

– Бўлмағур тахминларингиз ўзингизга сийлов, сўзларимни чўрт кесди Салима. – Ўтган тун эрим кўзимни очди. “Мен ҳақиқий арвоҳман, деди менга, синглингни ўғли қиёфамга кираётгани йўқ. Ишонмасанг, Шерматга кўнғироқ қил!” Кўнғироқ қилдим. Шермат мен билан гаплашишни истамади, сиздан нафратланаман деди-ю дастакни қўйиб қўйди. Арвоҳ эса бу пайтда шундоққина деразам олдида турарди!

Миям яшин тезлигида ишлай бошлади. Демак, арвоҳ икки кун олдин яна пайдо бўлган. Ҳасан Жабборнинг қўшнисидан Холбой Норбоев ҳам Салиманинг уйига икки кун олдин қайтганини эшитдим. Қизиқ, жуда қизиқ!

– Банк билан тузган битимни ўзгартирдингизми?

Салима индамай, йўл чеккасида турган таксига ўтирди. Бир муддат жойидан қўзғалган таксининг орқасидан қараб тургач уйга йўл олдим.

– Келдингизми, дадаси?

– Келдим. Мени ким сўраса ҳам йўқман!

Хотиним кайфиятим расволигини илғади чоғи, индамай қўяқолди. Айвонга кириб диванга ўтирдим.

– Шермат уйдан чиқиб кетганидан кейин ҳам арвоҳ тинчимабди, – дедим ўзимга ўзим. – Энг ёмони, руҳан эзилиб адо бўлган Салима Жабборова унинг истаги қўлига айланган кўринадди. Шошма-шошма, Салима Жабборова банк билан тузган битимни ўзгартирган бўлмасин тагин?

Шоша-пиша телефонимни чиқариб Икром Рустамовичнинг қўл телефонига тердим. Чақирув кетгани йўқ, унинг ўрнига мен сўраётган телефон ўчириб қўйилгани маълум қилинди. Банкирнинг уйига кўнғироқ қилдим.

– Алло? – аёл кишининг овози эшитилди нариги томондан.

– Ассалому алайкум. Икром Рустамовичнинг уйими?

– У киши йўқ. Дам олгани Ялтага кетди.

Ҳафсалам пир бўлди. Қайси бир қизиқчимиз айтганидек, пулинг бўлса халтада, дам оласан Ялтада! Банкир билан қандай гаплашаман энди? Ялтага кўнғироқ қиламанми?!

14

Кун ўтди, куёш ботиб борлиқ тун пардаси қўйнида қолди. Уйлайверганимдан бошим ғовлаб кетган бўлса-да, бирон бир мантиқли фикрга келолмайман.

– Дадаси, – ўйларимни тўзғитди хотиним. – Нима қиляпсиз?

– Телевизорга қадалиб ўтирган одам нима қилади? Телевизор кўради-да!

– Кўзингиз экранда-ю, хаёлингиз бошқа жойда. Яхшиси, шаҳар телестудияси каналини олинг. Ҳаваскор қизиқчиларнинг танловини кўрсатаркан бугун.

Канални ўзгартиргандим, сахнада турган йигит кўринди. Йигит машхур инсонларнинг овозларига тақлид қиларди. Ана, Зикир Муҳаммаджоновнинг овозида монолог ўқий бошлади. Бутун зал, залдагиларга қўшилиб мен ҳам унга бақрайганча қотиб қолгандим. Фақат залдагилардан фарқли ўлароқ, менинг кулгим эмас, ўзимни бўралаб-бўралаб сўкким келарди.

– Дадаси, нега хўмрайиб ўтирибсиз? Кулмайсизми?

– Кулгили эканми?

– Бояги қизиқчи арқонни илонга ўхшатган анқов ҳақида латифа айтганида кулавериб...

– Нима ҳақда латифа айтди дединг?

– Бир анқов арқонни илонга ўхшатган экан...

– Арқон?! – ялт этиб хотинимга қарадим. – Менга қара, эрталаб опангни кўрганингни айтганинг эсингдами?

– Эсимда. Нега сўраб қолдингиз? Тинчликми?

– Опанг Салима Жабборова эрининг руҳи билан гаплашаётганини кўрган экан дегандинг. Тўғрими?

– Тўғри. Тинчликми ахир?

– Салима опа қачон эрига ёнига боришини айтибди?

– Эртага бораман, кутиб олинг деганмиш...

– Опанг Салима опа эри билан гаплашаётганини кеча кўрган экан, шундайми? Эртага ёнингизга бораман деган бўлса... Демак... бугун!

Сақраб ўрнимдан турдим ташқарига отилдим. Хотиним анграйиб қолаверди.

Шарипов Салима Жабборова битимни ўзгартиргач арвоҳ албатта пайдо бўлади деганди! Подполковник ҳар доимгидек ҳақ! Салима битимни ўзгартирган кўринади. Акс ҳолда, арвоҳ уни арқон олиб келгани бозорга юбормаган бўларди!

* * *

Тун. Салима Жабборованинг боғи зимистон қўйнида қолган. На уникида ва на қўшнилариининг уйида лип этган чироқ кўринмайди.

Ўғридай писиб Салиманинг боғига кирганимга икки соат бўлди. Шунча вақтдан бери унинг ётоғига яқин жойда биқиниб ўтирибман. Арвоҳни кутяпман...

Қўл соатимга назар ташладим. Тунги бир ярим. Айни арвоҳлар изғийдиган пайт ҳозир...

Шу вақт, худди, ўйимни уққан мисол боғ эшикнинг ғийқиллаб очилгани эшитилди. Кўзларимни йириб очиб орқа ҳовлига элтувчи йўлакка қарадим. Шарпани илғадим. Қоронғилик қўйнида элас-элас кўринаётган шарпа сассиз одимлаб ўйнинг ён томонига ўтди-да, пастак бинога кириб кетди. Пастак бино, чамаси, омбор вазифасини ўтар, дераза ўрнига дарча ўрнатилганди. Бир вақт, дарчада ожизгина нур кўринди. Орадан ярим соатча вақт ўтгач нур сўниб шарпа ташқарига чиқди. Шарпа қоронғида хира оқариб турган оқ рангли матога ўралиб олганди.

– Падарингга лаънат! – сўкиндим ичимда. – Ўлмайтириб кафанга ўралиб олибдими, лаънати?!

Менинг биқиниб турганимдан беҳабар шарпа сассиз одимлаб Салиманинг ётоғи деразасига яқинлашди.

– Салима... – хириллади бўғиқ овозда деразанинг бир табақасини очиб – Мен келдим!

Шу асно ётоқхона деразасида ожиз нур кўринди. Салима стол чироғини ёққанини англадим.

– Нега чироқни ёқдинг? Ўчир... ўчир!

– Қўрқяпман, дадаси... – Салиманинг овози эшитилди ичкаридан.

– Қўрқма... Ота-боболаринг сени олиб келгани юборишди. Улар сени кутишяпти. Арқон сотиб олдингми?

– Сотиб олдим.

– Қани у?

– Ана, шифт остидан ўтган қувурга боғлаб қўйибман...

– Арқоннинг бу томонини сиртмоқ қил. Яхши. Энди сиртмоқни бўйнингга сол, – шарпа овозини бир парда кўтарди. – Бўйнингга сол дедим сенга!

– Лекин, дадаси...

– Буйруқни бажар! Агар, айтганимни қилмасанг, ота-боболарингнинг руҳлари ёнингга келишади! Улар газабда, сени аяб ўтирмайдилар! Бўйнингга сол!

– Х... хўп... Фақат, сиз кетиб қолманг. Бирга... бирга кетамиз...

Биқинган жойимдан чиқиб оёқ учида деразага яқинлаша бошладим. Қадамим товушини, ҳатто, ўзим эшитганим йўқ, шарпага йўл бўлсин!

– Имиллама, хотин!

– Шоширманг, дадаси. Биласиз-ку, бўйнимда қитигим бор...

– Тезроқ бўл дедим сенга!

– Ёрдам керакмасми?

Шарпа сапчиб тушишга улгурди, холос. Ёқасига чанг солиб даст кўтардим-у ичкарига улоқтирдим. Ётоқхонадан гурсиллаган товуш эшитилганида ўзим ҳам дераза раҳига чиқиб улгургандим. Тўғри, бировнинг уйига деразадан кириш яхшимас, одам боласи эшикни беҳудага ўйлаб топмаган. Аммо, эшиқдан киришга вақт йўқ эди. Салима курси устида турар, қувурга боғланган арқоннинг учи сиртмоқ қилинган, сиртмоқни бўйнига олиб олганди.

– Қимирламанг! – бақириб билан чекланмай “арвоҳ”нинг юзига мушт тушириб курсига ташландим. Салима менга ўқрайиб қаради.

– Эримни... эримни нега урасан, ярамас?!

– Эрингиз бир йил олдин оламдан ўтган, Салима опа! Ўзингизни қўлга олинг! Кўзимга қаранг. Кўзимга қаранг деяпман сизга! Мен капитан Акбаровман. Акбаров! Манави ўлакка эса эрингиз эмас. Арвоҳ ҳам эмас!

– Унда ким? Яна Шерматми?!

– Сиртмоқни бўйнингиздан олиб курсидан тушсангиз, айтаман.

Салима талабимни сўзсиз бажарди. Қувурдан арқонни ечиб олдим-да “арвоҳ”нинг қўллариини чандиб боғладим.

– Энди саволимга жавоб беринг!

– Ҳозир ўзингиз жавоб топасиз. Қаранг!

“Арвоҳ”нинг тепакалийо соқол-мўйловини юлиб олдим. Салима чинқариб юборди.

– Даврон?!

– Худди шундай! Даврон Жабборов!

Салиманинг қай аҳволга тушганини таърифлаб ўтирмайман...

– Лекин... лекин сиз Шерматдан гумон қилгандингиз-ку?



– Янглишган эканман...

– Аблах! – хириллади Даврон кўзларидан олов сачраб. Бир неча кун олдинги самимий, очиққўнгил йигитдан асар ҳам қолмаган, оёқларим остида пул учун ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган мараз кимса ётарди.

– Демак, Шермат айбдор эмас экан-да? – сўради Салима курсига оғир чўкаркан.

– Салима Ҳикматовна, келинг бари бир бошдан таҳлил қиламиз. Уйингизга биринчи марта келган кунимни эсланг. Ўшанда Даврон очиққўнгил, самимий йигит ролини қойилмақом қилиб ўйнаб мени чалғитишни уddалаганди. Натижада, ундан шубҳаланганим йўқ. У бундан усталик билан фойдаланди, Шерматни банкдаги пуллардан маҳрум қилиш учун марҳум эрингизнинг қиёфасига кириб сизни безовта қилишда давом қилди. Чунки, воқеликка эртами-кечми биз аралашимизни биларди, лаънати! Тўғри гапиряпманми, ҳайвон?

Даврон лом-лим деб оғиз очгани йўқ.

– Майли, истамасанг индамай кўя қол. Сукут аломати ризо деган гап бор. Воқеликка биз аралашганимиздан кейин, Шерматни шубҳа остида қолдириш учун эрингизнинг тилла тамакидонини ўғирлаб синглингиздан қолган қутичага солиб кўяди.

– Шерматжон, шўрликкина... Сиз уйимга келган тун чиндан ҳам кўчага айлангани чиққан экан-да?

– Қаерга, нима учун чиққанини билмадим, унинг бу ишда қўли йўқлиги аниқ. Банк билан тузилган битимни Давроннинг фойдасига ўзгартирдингизми?

– Ўзгартиргандим. Икки кун олдин... Ўша куни тунда у... яна келганди.

– Сиз Шерматни пулдан маҳрум қилдингиз. Пуллар Давронга қоладиган бўлди. Энди сизнинг унга керагингиз йўқ эди. Шунинг учун, Даврон яна эрингизнинг қиёфасига киради ва сизни жонингизга қасд қилишга ундай бошлайди.

– Айнан бугун тунда бўйнимга сиртмоқ солишимни қаердан билдингиз?

– Бунинг учун қайнонамга раҳмат айтишингиз керак. Агар, қайнонам катта қизини кўшнингизга эрга бермаганида бундан беҳабар қолардим... Кеча хотинимнинг опаси “эрингиз” билан гаплашиб турганингизни эшитган экан. Сиз, эртага унинг ёнига боришингизни

айтган экансиз. Боз устига, хаёлингиз... ҳм, нима десам экан, паришон эди десамми... Хуллас, бозордан арқон сотиб олаётганингизда шундоқ ёнингизда тургандим. Сени ҳам бозорда кўргандай бўлдимми, ярамас?

Даврон тишларини ғижирлатди.

– Кўрмади деб ўйлагандим. Адашган эканман!

– Сен иккита қалтис хатога йўл кўйдинг. Биринчиси, Салима Ҳикматовнани арвоҳлигингга ишонтириш учун Шерматга кўнғироқ қилдирдинг. Иккинчиси, қизиқчилар танловида иштирок этиб тақлид қилишга уста эканлигингни кўз-кўз қилдинг! Сени телевизорда кўрганим заҳоти мен ҳам катта хатога йўл кўйганимни тушундим. Мана шу икки хатоинг сирингни фош қилди.

Ниҳоятда чарчагандим. Пардоз столи ёнида турган курсига чўкиб қўл телефонимни чиқариб подполковник Шариповга кўнғироқ қилдим. Шарипов тунда Жабборованинг уйида қандай воқеа содир этилишини олдиндан билгану менинг кўнғироқ қилишимни кутаётгандай дарров дастакни кўтарди.

– Бемаҳал безовта қилаётганим учун узр, ўртоқ подполковник.

– Ҳасан Жабборнинг уйдан кўнғироқ қиляпсанми? – сўради Шарипов бу саволга қандай жавоб қайтишини ҳам олдиндан билган одам йўриғида.

– Ахборот бераман, ўртоқ подполковник. Биринчидан, сиз Салима Жабборова банк билан тузилган битимни ўзгартиргач арвоҳ яна пайдо бўлишни тахмин қилиб адашмаган экансиз. Иккинчидан, арвоҳ қўлга олинди! Унинг кимлигини айттайми?

– Яхшиси, Жабборова Шерматни пулга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилибдими – йўқми, шуни айт.

– Маҳрум қилибди, Собир ака.

Подполковник Шарипов бир муддат сукут сақлагач тилга кирди:

– Даврон Жабборовни ички ишлар бўлимига олиб боринг, капитан!

– Хўп бўлади, ўртоқ подполковник!

– Айтиб кўяй, Фаррух, агар эртага ишга кечикиб келсанг аяб ўтирмайман!

Телефонни ўчириб чўнтагимга жойладим.

– Мана шунақа гаплар, Салима Ҳикматовна. Ана энди “Арвоҳ иши”га нуқта кўямиз!





“МУЙЛОВЧИЛАР ҒАВҒОСИ”

ёхуд хослар маданиятига таҳдид

Инсоният яшайтган соғлом маънавий муҳитни том маънода таназзулга учратиб, тирик ҳужайраларни мисли ўлатдек еб битираётган, нафосат ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурларни йўққа чиқариб, ахлоқсизлик, бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарғиб қилаётган “оммавий маданият” ёхуд “оломон маданияти” каби истилоҳлар сўнгги пайтлар тилимизда тез-тез урчиб қолди. Бугун қай бир зиёли билан суҳбат қурманг ушбу атамани ўзича изоҳлаб, уни турли-туман таърифу тавсифлар билан тушунтириш, ёт, бегона маданиятнинг зарар-оқибатлари ҳақида мулоҳаза айтиш истагида бўлади. Аввало фикр шуки, бу балою офат бутун ер шарига қутқу солаётган бир замонда пинакка беркиниб олиб, “дунёни сув босса, ўрдакка не ғам?” қабилда ҳаёт кечирши зиёлиман деган одамга ярашмайди. Шу боис ҳозир матбуот, телевидение, радио, интернет нашрлари “оммавий маданият” ҳақида тинимсиз бонг ураётир, жаҳолат қуйқасига айланаётган ёвуз моҳиятни сиқиб чиқариш, ёш авлод онгини жирканч тутумлардан тозалаш, энг муҳими таъби нозик одамлар рутбаси – маданиятни асраб-авайлаш улар учун муҳим мезонга айланган.

“Оммавий маданият” қўштирноқсиз ёзилса, бир-мунча ижобий тасаввурларга туртки беради. Яъни, “хослар маданияти”, “киборлар маданияти”, “танланган маданият” ва ҳоказо. Улуғ рус адиби Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романида княз Балконский ва Наташа Ростованинг балдаги гўзал танишуви ёки маъри-

фатпарвар адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида тасвирланган Отабек ва Кумуш билан боғлиқ лирик воқеалар тўғри маънода оммавий маданиятнинг ёрқин намунасидир. Қолаверса, биз азалдан оммавий-маданий тарғибот ва тадбирлар деганда, халқ ҳаваскорлиги, халқ орасидан истеъдодларни излаб топиб, профессионал санъатга йўлланма бериш каби маъноларни англаб келганмиз. Буни қарангки, ХХI аср бошларига келиб, бу тушунча акс маънога хизмат қилаётир. Айни дамда “оммавий маданият” сўзини эшитган ақлли, хушёр кимса борки, дарров жонсарак бўлиб, етти кўча наридан юришга интилади. Қизиқ, маданият ҳам зарарли бўлиши мумкинми?

“Оммавий маданият” ибораси ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ғарбда пайдо бўлди. Уни Европада “популяр” ёки қисқача “поп-культура” (яъни “оммавий маданият”) деб аташади. Зоҳиран олганда маданият ривожига тўғаноқ бўлаётган сарҳад, чегараларни бузиш, дунё халқларини санъат воситасида бирлаштириш, энг юксак асарларни оммага танитиш каби алдамчи таассуротларга етакласа-да, туб мақсади инсон таҳайюлини издан чиқариш, ҳайвоний майллар орқали онгни эксплуатация қилиш, ҳиссиёт, ақл-идрок, тафаккур, юрак сезгиларини ўлдириб, соғлом руҳиятни инкирозга учратиш экани кундек равшан. Айни дамда “оммавий маданият” шу қадар бетизгин, бежиловки, ҳар қандай моҳир чавандоз уни гирибонидан ушлаб, эгарлаб олиши амри маҳол. Бу жирканч моҳият бамисоли эрталарда учровчи “тўққиз бошқан аждаҳо” янглич дуч келган томонга олов пуркамоқда, аммо қилич яланғочлаб, ана шу баҳайбат аждаҳонинг жилла қурса,

Шохруҳ
АБДУРАСУЛОВ



1991 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Санъатшунослик журналистикаси” факультети талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини стипендияси соҳиби. (2013)

битта бошини кесишга қодир “Рустами дoston” лар “Кенжа ботир” лар топилмаяпти. Биз бежизга “тўққиз бошли аждаҳо” ни ёдга олмадик. “Оммавий маданият” шабадасини Фарбу Шарққа учираётган воситаларни аждаҳонинг бир бошига қиёсласак, “Поп-арт”, “Космополитизм”, “Садизм”, “Эгоцентризм”, “Порнография”, “Мода”, “Нутқ ва жаргон”, “Кибер лудонамия” ва “Индивидуализм” ана шу бошларни ташкил этади. Тасаввуримиздаги махлуқ Шарқнинг улуғ шоири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида келувчи, икки елкасидан илон ўсиб чиққан, ҳар куни бир йигитнинг бош мияси билан озиқланадиган “Заҳҳоки морон”дан ҳам хавфлироқ экани қиёсий ўхшатмада кўриниб турибди. Демак, курашни асло кечиктириб бўлмайдди. Айниқса, душманни кўриб, ҳис қилиб турганинда, қуролни ташлаб, ортга чекиниш – азбаройи кўрқоқлик, фикрий ожизликдан ўзга нарса эмас.

Адабиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” романи XXI аср инсонларини ташвишга солаётган “оммавий маданият”нинг илк муждаларига қарши исён руҳи билан суғорилган десак, кўпчилик ажабланмаса керак. Боиси китоб саҳифаларини варақлашингиз ҳамано вужудингиз жимирлаб, залолатга учраган авлод фожиясидан оғир сўниш олади. Қатлга ҳукм этилган Аурелиано Буэндиа ва унинг ворислари, шаҳвоний нафси қариндош-уруғчилик муносабатларидан устун қўйган ака-сингиллар, орқасида дум билан туғилиши тахмин қилинган гўдак, куриб-қовжираб қолган сўнги авлоднинг чумолилар томонидан еб битирилиши ва бошқа ақл бовар қилмас ҳодисотлар асли нотабий, оҳорли сюжет баҳона Фарбада курта ёза бошлаган “ажнабий маданият” нинг кўрқинч асоратларидан огоҳ этувчи кўнғироқ зарбига ўхшарди. Бутун дунё Маркеснинг ажабтовур романига тик туриб қарсак чалган бўлса-да, матн остидаги истеҳзо, киноларни тушунмади ёки тушунишни истамади. Сал аввал эса италянлардан Салвадор Дали деган чапани рассом чиқиб, ҳанузгача бирор мардумга тилсимоти ечилмай турган “Мона Лиза” картинасини “безаб” қўйишни ният қилдию, ҳеч иккиланмай, доҳиёна асарга, нимхуш табассумла боқиб турган аёл чехрасига беўхшов мўйловни кўндирди. Тагин, уялмай-нетмай шу қилмишига “Мўйловли Мона Лиза” деб ном берди. Ҳеч шубҳасиз бу ҳолат жаҳон тасвирий санъати “киприк остида асраб келаётган” Леонардонинг тенгсиз асарига ҳурматсизлик, чин маънода ҳақорат эди. Буюк чўққиларга боққанда бўйни оғрийдиган олифталар нашватига етолмай, “пуф сассиқ” деган тулки мисол инсон тафаккурининг юксак маҳсулларини мазаҳ қилишга туришди. Эмишки, да Винчи, Рафаэл, Рембрандлар даври ўтганмиш, уларнинг зерикарли асарлари урфдан чиққанмиш. Оломончилар пардасига беркинган уч-тўрт “мўйлов” чи рассомлар аллақандай “изм” лар баҳона инсониятнинг олий тасаввури, гўзаллик ҳақидаги покиза ҳаёлларига чанг солди. Энг ачинарлиси, “ёмғирдан кейин чиққан кўзиқорин” дек “оломон маданияти” ни зумда тарқалиб кетишига кенг йўл очиб берди.

Фарбада мусиқий дид ва фаросат ҳам росманасига касодга учради. Бах, Бетховен, Моцарт, Чайковский каби доҳий санъаткорларнинг ҳайратомуз асарлари аллақандай қийқириғу шайтоний жазавадан иборат “рок”, “реп” йўналишидаги арзон-гаров матоҳларга,

нафсининг оний истакларини қитиқловчи бепарда томошаларга ўрин бўшатди. Ҳақиқат истовчи зиёлиларга эса демократиянинг “муҳолиф”и, “душмани” деган тамғалар босилди. Бу орада биргина “Роллинг стоунз”, яъни “юмалаётган тош” маъносини берувчи рокчилар ансамбли миллионлаб ёшларни ўз ортидан эргаштириб, тоза фикрларни ҳам тийиқсиз майллар гирдибодига ўраб ташлади. “Нафсининг қонганча ишрат қил, наркотикдан баҳраманд бўл, зериккан бўлсанг рокн-ролга рақсга туш!...” Мана, “Роллинг стоунз” нинг дастак тутган шиори. Гўё яшашдан мурод шу уч нарса. Қолган барчаси бекор. Нақадар ҳайвоний, тубан ақидалар. Шундай эмасми? Афсуски, “юмалаётган тош” нинг йўлига ғов бўлиш ҳеч кимга насиб этмаяпти. Қарийб ярим асрдан бери бу ансамбл ва унинг бадиий раҳбари ёшларга ахлоқсизлик дарсидан “беминнат” сабоқ бераётир.

Оврўпа театрларида классик асарларнинг мисли кўрилмаган энг “замонавий” талқинлари пайдо бўлди. Унга кўра, Отелло ва Яго баччавоз, Ҳамлет зинокор, Офелия эса фоҳиша (?) бўлиб чиқди. Э-воҳ, беш аср-ки, дунё саҳналарини титратиб келаётган буюк Шекспирнинг оламшумул трагедиялари наҳот шу даражада оёқости қилинса?!.. Пушкин айтмоқчи, “рашк эмас, ишонч трагедияси” бўлган “Отелло”, устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов таъбирича, “бутун жаҳон адабиётида кенг расм бўлган интеллектуал қаҳрамон образининг илк тажаллиси” бўлмиш “Ҳамлет” шоён юксакликдан шу тахлит пастга улоқтирилса? Буларга ҳам қўл силтайман десангиз, Голливуд режиссёри Жон Медден томонидан суратга олинган ва бевосита Шекспир шахсиятига номатлуб сифатлар тиркалган “Ошуфта Шекспир” фильми ёдга тушади. Фильм воқеаларига кўра, машҳур драматург изтиробли муҳаббат қиссаси – “Ромео ва Жульетта” ни ёзишдан аввал бир аёл билан хилватда зино қилади. Режиссёр фикрича, гўё бу ҳайвоний жараён Шекспирга Ромео ва Жульеттанинг муҳаббатини теранроқ ҳис қилиш, воқеаларни ҳаққоний тасвирлаш имконини берармиш!.. Демак, жаноб Медден мулоҳазасига кўра, “Ромео ва Жульетта” ғамли, дардчил, адоват сабаб завола топган муҳаббат достони эмас, аксинча, шармсизлик, бузуқчилик, хирсий ялтоқланиш, бодиликнинг бир кўриниш экан-да?..

Жаҳон киносига “Оскар” ҳайкалчаларини бенарвон уриб, катта шўхрат қозонган Жеймс Кэмероннинг афсонавий “Титаник” фильмини кўпчилик мириқиб томоша қилган. Баҳайбат кеманинг океан сатҳида пишқириб сузиши, тасодифан танишиб қолган йигит ва қизнинг самимий муҳаббати, ҳалокат чоғида минглаб одамларнинг бир тану бир жонга айланиши, хуллас ҳамма эпизодлар, режиссёр маҳоратидан тортиб, оператор тасвири, фильм учун махсус ёзилган “My heart will go on” таронасигача барчаси аъло даражада, гап-сўз йўқ. Уч соатлик фильм бир лаҳзада ўтади-кетди. Лек шундай томошабоп, профессионал даражада суратга олинган картинада ҳам маънавиятга шикаст етказувчи, дилни хира қилувчи кадрлар борки, назаран олганда, қизиқарли сюжетга шўнғиб, уларга эътибор бермаслик, “ҳаммаси чиройли-ку!..” дея илиқ-некбин хулосаларга бориш асло тўғри эмас. Бир эслаб кўринг-а, бош қаҳрамон Жейк (П.Дикаприо) зерикканда қандай суратларни чизарди? ... У беҳаё аёлларнинг ошуфтаси эди ва



кун келиб севгилиси Роуз (К.Уинслет)ни ҳам шу ҳолатда тасвирлайди. Кема чўкаётган палла ўша шахвоний сурат темир қутида қолиб кетади ва саксон йилдан сўнг ҳалокат асоратларини ўрганаётган экспидиторларнинг қўлига тушиб қолади. Шундан кейин суратдаги қиз Роуз экани маълум бўлиб, қариб-кексаиб қолган кампир тилидан фильм воқеалари ҳикоя қилинади. Эътибор беринг, сюжет ривож қандай детал асосига қуриляпти?.. Буям камлик қилгандай, икки севишганнинг кема бортида бузуқилик қилиши-чи? Азалдан маълумки, бирор қавмдан ўғри, каззоб ё қотил чиқса, унинг жинояти эвазига бутун қавм, бой-бадавлатдан тортиб, ғарибу ғурабогача азият чеккан. “Ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнади”, деганлари шу бўлса керак-да! “Титаник” эса ғайрияхлоқий ҳаёт тарзини ўзи истамаган тарзда, билвосита тарғиб қилиб қўйди. Жаҳон киномуҳаблари узумини едилару, боғини сўрашга бодилик қилдилар. Гуррос-гуррос бўлиб кинозалларга ёпирилиб келишди. Кинотеатрлар фильм намойиши бўйича ким ўзарга пойга ўйнашди. Ҳатто Москвадаги “Салют” кинотеатри “Титаник”ни икки йил давомида узлуксиз қўйиб, ўзига хос рекорд ўрнатди. Дунёнинг “манаман” деган кинотанқидчилари фильмни барча даврларнинг энг зўр картинаси сифатида баҳолаб, оз эмас-кўп эмас ўн битта (!) “Оскар” ҳайкалчасини қўш-қўллаб топширишди. Бироқ ҳеч ким фильмнинг ижтимоий-ғоявий аҳамиятини ўйлаб кўрмади.

Балки дунё кинобозорининг энг харидоргир маҳсулотини бутунлай қоралаш ё инкор этиш тўғри эмасдир. Аммо оломончилик кайфиятини уйғотувчи баъзи салбий жиҳатларини ҳаспўшлаш ҳам яхши эмас-да... Қолаверса, ким кафолат бера олади, бундаин зарарли томошалар бизнинг кинога ҳам кириб келмайди деб? “Ота-онамнинг оқ фотиҳасига муҳтож эмасман”, “Усиз менга ҳаёт йўқ”, дея қўл ушлашиб юрган, эрта балоғатга етиб қолган ёшларнинг сохта ҳаётини сценарий қилиб ёзиш, кейин катта экранларда намойиш-корона кўрсатиш хусусий киночилигимизда таомилга айланди-ку!

Клип деганлари-ку, аллақачон Ғарбнинг “заҳарли оқовалари”ни “ўзбекнинг ариғи”га руҳсатсиз очиб юборди. Бундан бир-икки йил аввал хонанда Севинч Мўминова “Мени, мени сев” дея сохта карашма ила

илондек тўлғониб рақсга тушганида, юзу кўзини бежаб, бир шўринг қурғур йигитнинг ортидан ялиниб-ёлворганида муҳаббат аталмиш нафис туйғунинг оёқости бўлишини кўриб, тўғриси ачинган, бу тахлит ғайрияхлоқий клипларни камайишини истаган эдим. Аммо, эстрада бозори бундай “ижод намуналари”ни ямламай ютадиган бўлди. Қайси бирини айтай. Амирлик давлатига бориб, арабнинг ястаниб ётган саҳросида дам олиш баҳона ярим-яланғоч қизни ўйнатиб қўйиб, кимгадир ҳузур, кимгадир “уят – ўлимдан қаттиқ”лигини эслатиб турган Тоҳир Содиковними ёинки ажнабий либослару учирма қошлар ила минглаб ишратпараст қиёфаларни экранга михлаб қўяётган “Сетора” гуруҳиними?

Муниса Ризаеванинг “Голливуд” номли қўшиғига ишланган клипда хонанда саккиз хил қиёфада кўриниш бериб, ғалати соч турмакларини “қийқирик” модадаги сўнги либосларини “кўз-кўз” қилган бўлса, Тамилла исмли қўшиқчи “Кел, аяма” номли таронасида журнал муқоваларида суратга тушишга орзуманд эканлигини кўрсатиб қўйди.

“Оломон маданияти” ҳар турли воситалар, кино ва видео маҳсулотлари, кундалик сўзлашувдан тортиб кийиму либослар, ҳатто кўпчилик эътибор бермайдиган энг майда деталларда ҳам намоён бўлмоқда. Бу ғайрияхлоқий маданият ёшларнинг изланувчанлик ва бунёдкорлик салоҳиятини сўндириб, боқимандалик, истеъмолчилик кайфиятини кучайтириши, асрлар давомида халқимиз эъзозлаб келаётган боқий қадриятларни эскилик сарқити деб билиши, инсонни худбин, ҳаёсиз, андишасиз, разил ва жоҳил кимсага айлантириб қўйиши билан хатарлидир. Исрофгарчиликни бойлик белгиси, ёшликни лаззатланиш даври, саховатни мақсадсиз харажат, яхши отани позитив партнёр, оилани эркин бўғувчи занжир сифатида талқин этаётган бу сохта маданиятдан ҳимояланиш учун ўзимизнинг миллий маданиятимизга қайтиш, тарихда катта жасорат кўрсатган буюк аждодларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиш, ўзбекнинг нафаси уфуриб турадиган қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ана шундагина ҳеч қандай хавф-хатар бизга таҳдид сололмайди.





Наёллари қийғос соғилур ҳар ён

БАҚАТЕРАК ҚИСМАТИ

Ҳар тонгда шаббода терак шохларин
Уйғотиб, оҳиста куйга соларди.
Кўркига шаббода шайдолигидан,
Терак, шохлари-ла ором оларди.

Мамнун эди бисоти танҳолигидан,
Силкиниб тўрт томон,
Турарди мағрур.
Шод эди.
Сабода инъом беқиёс,
Сарафроз саҳнидан кўнглида гурур.

Ҳар баҳор нашъасин айлаб тараннум,
Қушлар оғушида ўтказарди ёз.
Тўплабон қузакда баргидан уюм,
Келар қиш, пойига солар пойандоз.



Баъзан барглари-ла, шивир-шивирлаб,
Қуёш ёғдусини инкор қиларди.
Довулга чап бериб, аёзга мирлаб,
Кўклам жаласининг кўксин тиларди.

Аммо ўтди йиллар...
Эскирди виқор,
Чириди илдизи,
Барглари ҳазин.
Қуриди танаси,
Кетганди оҳор,
Кесилди...
Бўлди у, бир уюм ўтин.

Терак қисматини
Ўйла, ўқувчим,
Бекорчи умрга зеб бермоқ, нечун?
Ўтган авлод гувоҳ, азалий бичим –
Тарвақайлар терак “бақа” лиги-чун.

Баъзилар мевасиз терак сингари,
Қадди-қоматининг ростлигидан, шўх!
Бироқ у бир қуни вақтнинг пойида,
Ўтин бўлишидан хабарлари йўқ...

* * *

На керак инсонга тил,
Ул гуфти бийрон бўлмаса.
Лутфидин нусрат йигар,
Эл дили шодон бўлмаса.

Не забон? – дерлар ани,
Улфати чорни чоғ этиб,

Эгамберди МУСТАФОВ



1938 йилда Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. “Мен шеърят шайдосиман” шеърлар тўплами ва кўплаб илмий китоблар муаллифи.

Иқтисод фанлари доктори, профессор.

Дўсту ёрни шод этар
Барқи сухандон бўлмаса.

Кечалар дийданг қуриб,
Ёнсангу ҳижрон ўтида,
Ҳасрату гаминг йиқар,
Таъбири хандон бўлмаса.

Бир қамар ҳажри сени
Хастаи зор этса магар,
Васфидин зоринг йитар,
Ҳадиси афгон бўлмаса.

Ҳой Эгамберди, ҳазин
Хонишинг элга ёйилмас,
Тинглаган мардум тўкар
Кўз ёши маржон бўлмаса.

* * *

Малҳам эрмас, тўтиё
Кўзга сурилмасдан бурун,
Дийда мулкин сахнида
Эриб, суюлмасдан бурун.

Сизгай, ул, аста-секин
Кўз туби-ю, гавҳар томон.
Сочмагай мардум зиё
Парда очилмасдан бурун.

Токи равшан гавҳаринг
Нурин ажабо акси бор.
Айла аксин тўтиё,
Кўзинг ёпилмасдан бурун.

Неки ишига қўл урарсан
Асра кўзни, шошма, сен!
Ечмагил, дерлар этикни
Сувни кўрмасдан бурун.

Жон Эгамберди, улусга
Панди фикрат дема, кўп!
Элга маълум Ҳақ иши,
Назминг битилмасдан бурун.

ВАТАН САРҲАДИ

Тафаккур ёгдуси сочганида нур,
Чулгайди қалбимни ажиб бир гурур.

Сарҳадин чеки йўқ, борлиққа монанд,
Кўпирар тўлқиндек қирғоқдан баланд.

Андоза олгандек эл боқар ондан,
Кўзгатар шуурим, ошар уммондан.

Хаёлларим қийғос сочилур ҳар ён,
Инсон тафаккури унда намоён.

Шунда ҳолатимга тафсир излайман,
Топганимдан ани, қувониб дейман:

Азиз Она замин қадрини билсам,
Тупрогин кўзимга тўтиё қилсам.

Дилбандлик ҳимматин этиб дилга жо,
Халқим хизматини айласам бажо.

Меҳнатим авжидан яшинаса боғлар,
Сочса нур, зулматни йиққан чароғлар.

Мард аскар фарзанди бўлсам Ватанни,
Эркига бахш этсам жон ила танни.

Шунда Ватан боғи гулларга тўлур,
Инсон буюклиги намоён бўлур.

Ватанда бахтиёр инсонлигимни,
Садоқат рамзига посбонлигимни,

Дилга туйган бўлиб, вақт ўтган сайин,
Орзум жиловини тортибон тайин,

Натижа бобига битиб таҳайюр,
Камолот элига айтиб минг узр,

Ҳайқириб, жаҳонни ларзага солгум,
Ватан огушида то абад қолгум...





Олис тунлар юлдузлардан етди пайғоми

СЕВГИМНИ АСРАБ ПИНХОН...

Қалбимга бир назар солдим бу оқишом,
Муҳаббатим мазмунини изладим.
Олис тунлар юлдузлардан етди пайғом,
Ҳатто сизнинг хаёлингизни сизладим.

Алмайман бахту баҳоримни ҳеч
Кузнинг хазон баргларига мен зинҳор.
Алмайман севгим туморини ҳеч,
Токи танда жоним эрур барқарор.

Қалбимдаги севгимни асраб пинҳон,
Садоқатдан кияжакман олий тож.
Севганимнинг васли менгадир эҳсон,
Тангрим этмас ошиқни ишққа муҳтож...

* * *

Кетдинг йироқлашиб, қалбимни доғлаб,
Мен эса согинчлар бағрида ёндим.

Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА



1987 йилда Элликқалъа туманининг Бўстон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсини тамомлаган. “Ёниқ кўзлар” шеърий китоби нашр этилган.

Суюк хотирангни дилда ардоглаб,
Дунёдан, кўнгилдан, ўзимдан тондим.

Қаерда бўлсанг ҳам қалбим тугёни,
Бошлайди сен томон, дилга султонсан.
Сен-ла тугал дейман ахир дунёни,
Юрагим бир парчаси бўлиб қолгансан.

СОГИНЧ

Ҳижронларинг кўксимдан ўтди,
Қалбим сенинг висолинг кутди.
Фироқингда куймишам нетай,
Қалбим фарёдлари самога етди.

Олис тунлар хаёл паришон,
Сени излаб кўзларим гирён.
Висолингга етарманми, айт,
Қайлардасан суюкли инсон.

Самоларга хаёлим учиб,
Муҳаббатим дунёни қучиб,
Сени, фақат сени ахтардим,
Келақолгин қалбимга кўчиб...

* * *

Сенинг исминг ёзиб толмагай қалам,
Гарчи азобидан куйса-да дилим.
Муҳаббат гунчаси юракка малҳам,
Согинчлар жисмимни қилар минг тилим.

Қарогимда музлаб қолган ёш,
Кўнгил томон оқар ашики нобларим.
Садоқат баҳи этар улкан бир бардош,
Арзимас туюлгай гам-азобларим...



ОТ МИНГАН ОДАМЛАР

Ҳикоя

Ўтирса отнинг бели майишадиган одамни учратсам керак, деб ўйлаган эдим. Турсунбой отанинг андак ўктамлигини, тетик ва чайирлигини ҳисобга олмаганда одатдаги хушмуомала мўсафидлардан ҳеч фарқ қилмасди. У мени қир бағрида жойлашган ҳовлисига бошлади. Ҳовлидаги каттакон сада тагидаги супага жой қилинди, дастурхон ёзилди. Бир пиёла чой устида гурунг бошланди.

– Э, одамлар, одамлар-а... – деб гап бошлади Турсунбой ота, – бир умр одамларнинг ардоғида, олқишида яшадим. Полвон деган ном чиқардим. Отам тайинлагандек солин учун эмас, элнинг ори учун майдонларга тушдим, қўл синса, енг ичида, бош ёрилса, дўппи тагида қабилда яшашга интилдим. Бироқ бир воқеа сабаб...

Турсунбой отанинг беихтиёр овози титради. Кўзига инган ёшни белбоғига артар экан, нафасини ростлаб, туйғуларини жиловлаб, пиёлада совий бошлаган чойдан бир ҳўплам ичди-да, давом этди:

– Ярамни тирнадингиз-да, ҳа, майли, дардимни бировларга айтмай, ичимда сақлагандим, лекин нега-



дир сизга гапиргим келди... Баъзан ўтганларни, уларнинг сиймоларини, иши-ю юриш-туришини эсласам ҳам, хаёлга бериладиган, кўзимга ёш оладиган бўлиб қолибман. Қандай одамлар ўтди-я... Ҳай, сиз менга кўп эътибор қилаверманг. Қарилик-да болам, қарилик. Одам кексаяверса шунақа бўб қоларкан, илгари раҳматли кампирим билан бир-биримизни сўзсиз тушуниб, суянчиқ бўб яшаётгандик...

Полвонни чалғитиш ҳам овутиш мақсадида:

– Э, ота, ҳали бизга ўхшаган ёшларнинг бир-икитаси билан бемалол бел олишасиз, – дедим мулозамат қилиб.

Гапим қарияга маъқул тушди.

– Қани чойдан ичинг, дастурхонга қаранг... Манави қатиқ уйники. Қаранг, косада қошиқ тик турибди. Тоғнинг қатиғи-да. Сиз шаҳар боласисиз, кам қувват кўринасиз, исталовойнинг пирашкаси билан лойқа чойи овқат бўлармиди, болам.

– Лойқа чой деганингиз нимаси, – деб сўрайман азбаройи қизиқиб.

– Сизлар уни кўфемиде, капемиде дейсизлар.

Кулгудан ўзимни аранг тутаман. Лойқа сувдай чайқалиб турган қаҳва тўла идиш кўз ўнгимда жонланиб чолнинг топқирлигига ичимда қойил қоламан.

Баҳром МИРЗО



Жиззах вилоятида туғилган. ТошДунинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозирги кунда "Келажак бунёдкори" газетаси масъул ходими.

Ҳазил қилишга уринганидан сездимки, Турсунбой ота хаёллар гирдобидан кутулди. Яна полвонлик феъли уйғонди.

– Лекин болам, бугун кетиш йўқ. Ўзим сизни бир меҳмон қилай... Эчкининг така тегмаган боласини қозонга босамиз. Куласиз-а... Бунинг маънисини билмайсиз-да. Эчки пақат ўтнинг гулини териб ейди. Кийикдан тарқаган-да. Унинг сутини ичган улоқчаси минг дардга даво бўлади.

Гап оҳангидан шаҳарлик билмаган нарсани ўргатаётганидан, мени ҳайратга солиб қўйганидан ғурурланаётгани сезилади, кўзларида аллақандай ёлқин пайдо бўлди.

– Энди меҳмон бироз зерикмай ўтириб турасиз. Ўзим бориб сизга аталган жонлиқни олиб келай. Ёш-яланга айтсам ҳам бўлади-ку, лекин улар бунинг маънисини билмайди. Анави зормандадан ҳам бўсин-а?..

– Сўраб бергунча, уриб бер, дейишган...

Турсунбой ота у ён-бу ён аланглаб:

– Ислол полвон, ҳов, Ислол полвон, Самантойни опкелинг-чи, – деб овоз беради.

Ҳовли этагидан беш-олти яшар бир бола саман отни етаклаб келди.

– Акангизга салом бермайсизми, полвон... Акаси хафа бўмайсиз-да... Жуда ўр-да, укангиз...

Турсунбой ота дастурхондан бир бурда нон олди-ю, ўрнидан турди. “Самантой, Самантой” деб кўлидаги нон бурдасини отга егизди. Сўнгра “Ё пирим” деб ўзини енгилгина эгарга олди. Ҳаракатларидан умр бўйи от мингани сезилиб турибди.

– Энди меҳмон, мана укангиз билан атрофни айланиб турасиз, пастда чорбоғимиз бор. Бемалол кириб, томоша қилиб туриш...

Миннатдорчилик ҳам розилик аломати сифатида кўлимни кўксимга қўйиб бош ирғайман.

Ўр укамиз бобоси кетгач ҳам барибир меҳмоннинг олдига келмади. Бу ҳовлида ким хўжайин эканини кўрсатиб қўймоқчидай, хўроз-товуқларни, нўхтасини узиб ҳовлига кириб қолган бузоқчани қувиб солишга тушади. Қулоқлари кесилган баҳайбат итига “Бўрибосар, ол, ол деярман”, деб буйруқ беради. Бироқ унинг бу пўписаларига ўрганиб қолган шекилли, Бўрибосар парвоям қилмайди, бошини яна тиззалари устига қўйиб мудрашга тушади.

– Эна, эна-а, дейман, – деб бақиради бола яна. Ўзини тутишидан, овоз оҳангини ўзгартиришидан бобосига тақлид қилаётгани билиниб туради. Боланинг овозини эшитиб, чорбоғ тарафдан бағрига кўғирчоғини босиб олган қизчани етаклаб чиқиб келган жувон, мени кўриб рўмолининг учини тишлаб, овозсиз бош ирғаб саломлашган бўлди.

– Чарос, сен қоч, бузоқча босиб кетади, – дейди бола. Афтидан ҳамон бу ҳовли эгаси ўзи эканини менга пеш қилишга тиришарди. Жувон бир тарафдан, бола бир тарафдан уйноқлаб югуриб юрган бузоқчани оғилхонага ҳайдашди. Боланинг гапини эшитган қизалоқ эса, турган жойида бир бармоғини оғзига солиб, менга анграйиб тикилиб тураверди. Бузоқчани оғилхонага қамашди шекилли, бояги жувон қизчани етаклаб этак томон кетди. Бола эса кўринмади...

Улкан чинор остидаги супада шу ўй-хаёллар оғушида қандай мудроқ босганини сезмай қолибман.

– Ислол полвон, ҳов Ислол полвон, – деган овоздан уйғониб кетдим.

Саман отининг эгари қошига бир улоқчани ўнгариб олган Турсунбой ота келган экан. Ота отдан тушиб, улоқчани ҳам пастга олди. Дийдорига югуриб чиққан неварасини отга мингазди.

– Қани, полвон, отни жойига элтиб боғлаб қўйингчи...

Пастда турган офтобадан сув қуйиб юз-кўлимни ювдим-да ота ҳузурига юрдим.

– Зерикмадингизми, меҳмон... Бахузур дам олавермайсизми?..

– Турсунбой ота, келинг мен ҳам ёрдамлашай, шаҳарга бориб ёр-у жўраларга айтиб юраман-да.

– Маъқул... Маъқул... Келин, ҳов келин...

Чақириқни эшитган бояги жувон, кўп бора кўра-вериб кўзи пишган шекилли, зарур нарсаларнинг барчасини бир зумда муҳайё қилади. Саманни боғлаб келган невага ҳам бобосининг ёнида пилдираб қолади. Шунча яхши гапирмай менга ҳалиям ёв қарашини қўймайди. Ўзини худди катталардек тутиб бобосига қараша бошлайди. Менинг нўноқ ҳаракатларимдан манманларча кулиб ҳам кўяди.

Ниҳоят янги сўйилган улоқча қозонга босилгач, бобо билан супага қайтамиз. Пешин намозини ўқиган Турсунбой ота ҳам яна бир салом бериб супага жойлашади.

Янгиланган дастурхондан бир тишлам-бир тишлам нон ейилгач, ота кўп таърифини келтирган кумғонда қайнаган чойдан хўплаб гурунгни давом эттира-миз.

– Энди ўғлим, оилада ёлғиз фарзанд бўлиб ўсганман, – деб салмоқ билан гап бошлайди Полвон, – менгача опа-акаларим туришмаган. Шу сабаб исминини Турсунбой қўйишган. Отамиз асли тоғлиқлардан, волидамиз даштдан. Раҳматли падаримиз шу атрофда донғи кетган полвон бўлган. Курашчи полвон эмас. Кўпқари чопган. Бизда улоқчи чавандозларнинг полвон деб улуғлашади... Хуллас, ёлғиз фарзанд бўлганимданми, ота-онам мени ҳеч нарсага зориктирмай ўстиришди. Айтганим – айтган, деганим деган денг... Эрта от минишни ўргандим... Отамнинг сабоғини олиб улоқ чопдим... Озми кўпми номим чиқди. Фақат тўғриси, шу илмга кўп тобим бўлмади. Шунинг учун ўқиган одамларга ихлосим катта. Меҳмон қилгим, суҳбатларини олгим келади...

Турсунбой ота чойдан хўплайди. Бироз ўй сургач, яна давом этади.

– Қишлоқнинг энг сулув қизига уйландим... Отам раҳматли полвонларга хос чапани, тилга ботир, чўрт-кесар одам эди. Ўғил невага кўришни интиқиб кутди. Бироқ, дастлабки беш фарзандимиз қиз бўлди. Отам билдирмаса-да ҳар сафар ўғил невага кутиб интиқаётганини барчамиз сезиб юрардик. Ҳар гал аёлим юкли бўлганда бир саман тойчоқни етаклаб келарди. Лекин ўғил неварасини кўриш отамга насиб қилмади. Ўғлим туғилишидан бир ҳафта олдин омонатини топширди...

Турсунбой отанинг яна ўпкаси тўлди. Нималарнидир пичирлади. Балки, отасини эслаб дуо қилаётгандир, балки... Сўрашга ботинолмайман. Кўнглининг туб-тубидан отилиб чиқаётган туғённи бўлиб қўйишдан кўрқаман.

– Лозим маъракаларни ўтказиб, ўғлим бир ёшга етганда элга катта тўй бердим. Мақтаниш эмас, ўзиям кўпқаримисан кўпқари бўлди. Буёғи Олойдан, буёғи

қозоқдан полвонлар келди. Довруғини ҳали айтиб юришади. Отам ўлиб бироз чўккан кўнглимга яна нур ўрлади. Бутун меҳримни боламга бердим. Буям полвон бўлсин, ота-бобосининг йўлини берсин, деб ният қилдим. Ўзим билган азиз-авлиёларнинг зиёратидан айирмадим... Лекин, тавба, полвоннинг болаши, полвоннинг қони... Отга қизиқмас бўладими. Қўлидан китоб тушмайди. Охири бор-э деб қўл силтадим. Қизлардан тараган невараларимни чавандозликка ўргата бошладим. Аммо, улардан ҳам бирорта доврўқли полвон чиқмади. Буям энди Худодан экан-да, болам... Барибир ўғлимни жуда яхши кўрардим. Меҳр билан ўстирдим. Ота, рухсат беринг, шаҳарга бориб ўқимоқчиман, деб қолди бир куни. Бироқ ёлғиз ўғил, олдимдан силжитгим келмади. Рухсат бермадим. Анча кўнгли ўксиб, сиқилиб юрди. Бироқ, менга терс иш қилишга ботинолмади. Уйланиб, бола-чақали бўлса, шаҳарни унутар, деб эрта уйлантирдим. Келиним юкли бўлганда жўрттага, кўз тегмасин деб, қиз неvara бўлса ямғир розиман деб юрдим. Аммо юрагимнинг туб-тубида интиқ бўлиб ўғил неvara кутдим. Кечалари илтижо қилиб Худодан сўрадим. Ҳеч кимга билдирмай азиз-авлиёларнинг қабрига чироқ ёқиб келдим. Аёлим раҳматли, отаси, суюнчи беринг, ўғил неvara муборак деганида қанча суюнганимни энди тасаввур қилинг. Ирим қилиб ҳовлига саман от опкирмовдим. Афсус қилдим. Неварамнинг қулоғига “азон” айтдим-у қирғиз оғайнилари олдига югурдим. Отнинг зўри шуларда бўлади-да. Битта саманни етак-лаб келиб, эртасига элга ош бердим. Неварамнинг отини Ислоубек қўйдим. Билмайсиз, полвонларда отина ўпкалик ҳам бўлади. Элнинг эркатойи бўлиб ўрганган-да... Фарзанд кўрганидан боши осмонда бўлса-да мендан уялиб-қимтиниб юрган ўғлимни ёнимга чақирдим-да, шу бола атак-чечак бўлган куни, сенга рухсат, шаҳарга бориб ўқийвер, деб юбордим. Энди унинг боласи атак-чечак бўлишини интиқиб кутганини, бошқатдан китоб-дафтарини олиб, дарс қилишга киришиб кетганини кўрсангиз. Бир ғашим келади, бир ғашим келади, яна ўзимни овутаман. Ҳа, ўзим ўқимадим, бу полвон бўлмаса, олим бўлар, дедим... Бироқ, ҳалигача шу ишимдан афсусдаман. Олдиндан силжитма, деб Худойим кўнглимга солган экан-да... Неварам атак-чечак бўлиб, “тушов узди” ўтказдик. Бунинг маънисини юриб бошлаган боланинг оёғига иримига тушов солиб, кесиб юборилади. Нега дейсизми? Билмадим. Энди буям, ота-бободан қолган удум-да. Хуллас, ўғлим шаҳарга отланди. Чол-кампир дуо билан кузатиб қолдик... Лекин, кўнглим қандайдир нохушликни сизди, болам, сизди. Бироқ ўзимни оутдим. Шаҳарга, болаларимга бир қўйни тандир қилиб, хуржунга сут-қатиқ, мева-чева солиб боришимни, неварам олиб кетибди, деб уларни койишимни, кейин неварамни елкамга мингизиб “от-от” ўйнаётганимни кўз олдимга келтириб, бир эпкинлаб, бир севиниб ўзимни оутдим. Сал эсини танисин, Худойим бошқа фарзанд берса, бунисини барибир қишлоққа олиб келиб полвонликка ўргатаман, – деб неварамга тикилиб-тикилиб ўтирдим... Лекин ўғлимнинг шаҳарга етиб бориши на-сиз қилмаган экан... Йўлда машина ағдарилиб...

Турсунбой ота яна жим қолади. Лекин бу сафар кўзига ёш инмади. Афтидан кўнглининг туб-тубида ётган армонлари тилга кўчиб, зардоб бўлиб чиқа бошлаган ва бундан у ўзини енгил сезаётган эди.

– Шумхабарни эшитган аёлим “вой болам” деб бир оҳ урди-ю қолади. Шу-шу ўзига келмади. Маъракалар ўтгач фақат сояси қолди. Менга билдирмайман, дейди. Неварасини олди-дан бир қадам силжитмайди. Қоқинса тагига поёндоз бўлсам, дейди. Барибир куйик ёмон бўлар экан, болам, ёмон бўлар экан. Одам ичдан куймасин экан. Куйик барибир қулатди, аёлимни... Боламнинг боласини сизга, сизни Худого топширдим, илоё, тилаганингиздай полвон бўлсин, рози бўлинг, деб омонатини топширди. Шунда билибман денг, у шўрлик ҳам бизга бир полвон тилаб, худди ёлғиз ўғил туққанига ўзини айбдордай сезиб юрганини... Ичдан куйдим, болам...

Турсунбой отанинг овози титради. Ўқтам юзига ярашиб турган соқоли тагидан лунжларининг қимтингани, кўзига қуйилиб келаётган ёшни ичига ютаётганидан, қанча вақтлардан бери уни ўртаган ҳиссиётлари билан олишиб келаётганини билдиради. Афтидан, у бу ҳақда ўйламасликка, безовта ўйларни хаёлидан қувиб яшага интилган ва буни уддалай ҳам олган. Ҳозирги ҳолати полвон билан юзма-юз ўтирган ҳар қандай одамни ларзага солгулик эди...

– Худо дедим, болам, Худо дедим, – яна ҳикоясини давом эттирди Турсунбой ота. – Полвонман, дедим, бегонадангина эмас, яқинларимдан ҳам куйигимни яширдим. Ўзимдан ўтганини эса ўзим биламан. Суянганим, овунчоғим шу неварам бўлди. Яна Худого шукр қилдим. Шу болани қариган чоғимда пешонамга берганидан ҳикмат изладим. Энди тақдирнинг ҳазилларини қаранг. Эртага нима бўлишини одам билмас экан-да. Бўлмаса, қўшнимнинг қизини келин қилармидим. Бошқа бўлганда боласини олиб кетиб қолганда, қайтардим... Келиним, умридан барака топсин, мана энди икки уйнинг суюнчиғи бўлиб турибди. Отасиникида тунасаям, эрталабдан кечгача шу уйнинг хизматида, иссиқ-совуғимиздан хабар олиб туради. Қудам ҳам имонли, мўмин одам. Ўзи синфдошим. Ҳозир уйда йўқ. Бўлмаса, бир танишардингиз. Кичик ўғлини ўзи билан олиб қолган. Кўрган бўлсангиз керак, бир қизчалари бор. Афтидан ота-бола чўлга тушиб кетган чиқар...

Турсунбой ота бироз тин олади. Совуқ чойдан бир чўп-лаб томоқ хўллади-да, фикрини йўқотишдан чўчиётгандек яна ҳикоясини давом эттиради.

– Неварам ўзини тутиб олгандан полвон пирларига бир жонлик атаб боламни эгарнинг олдига ўтиргизиб, кўпкарига олиб бора бошладим. Боланинг отдан чўчилаганини, “ўзим-ўзим” деб юганини ушлашини кўриб бир севинаман-бир севинаман, денг... Бир куни нариги бетдаги қўшнимизнинг ити болалабди. Неварамнинг шаштини қайтармай ўстираётганимни ҳамма билади, шу итнинг кучугини, неварам қўшнининг болачақасини изиллатиб, бермайман десаям уйга кўтариб кепти-да...

Шу ўринда Турсунбой ота мийиғида билинар-билинас мас куйиб қўяди, овозида яширин ғурур сезилади.

– Кейин денг бола тушмагур шу кучукка боғланди-қолди. Фақат ухлаганда ёнидан олиб қўямиз. Бундай қўлга олиб қарасам кучук – сиртлон. Бу дегани бундай зотдор итлар кам учрайди. Ота-боболаримиз уларни бўридан тарқаган дейишади. Сабаби, уларда олти тирноқ – олти панжа бўлади. Ҳа, ақли етмасаям, кўнгли сезибди-да неварамнинг, бўлмаса шундай кучукни уйга кўтариб келармиди, деб қўйдим ичимда...

Турсунбой ота ўзи билмаган ҳолда ҳар қандай ота-она боласининг қилиғидан, гапидан маъно излаб хайратлангандай хайратланар, неварасининг полвон кўнгли уни бошқарганига комил ишонч билан гапирарди. Полвоннинг гапларини жон қулоғим билан тинглар эканман, ундаги ишонч менга ҳам ўтган, бунда, албатта, қандайдир синоат яширин эканига чиппа-чин ишонган эдим.

– Ҳеч кимга билдирмай мен ҳам кучукка хом гўшт, бир парча қуйруқ бериб юрдим. Нега ундай қилдим – билмайман... Энди меҳрдан-меҳр қайтар экан-да. Сиртлон бир ит бўлди, бир ит бўлди... Биринчи бўрини олганда тўртгаям кирмовди... Ажабланманг, бизда итнинг ёши ҳар олти ойда бир йил, деб ҳисобланади... Атрофда, Полвоннинг Сиртлони бўри опти, деган гап тарқагач, узоқ-яқиндан чўпон-чўлик эринмай уйга келиб итни кўриб кетган бўлди. Зотидан берасиз, деганинг саноғи йўқ, денг. Энди ўзингиз тушунасиз, чорвадор халқмиз. Яхши от, яхши ит бизда тилло баҳо...

Бир куни уйга тоға юртдан даштлик оғайнилар келиб қолди. Иззат-ҳурматларини жойига қўйиб кутиб олдим. Гурунг чоғи уларнинг ниманидир айтишга чоғланаётганини, лекин ботинолмаётганини сезиб турганимдан, даврада ҳаммамиз яширишга уринган ноқулайлик ҳукмрон, денг. Меҳмон атоғи Худо. Мен сўролмадим. Улар эса бир неча бор ўзаро кўз уриштириб, гапга оғиз жуфтлайди-ю айтолмайди. Дастурхонга фотиҳа ўқилиб, хайр-хўш қилар чоғи, охири меҳмонлардан бири юрак ютиб, дардини айтди:

– Турсунбой оға, сизни биз ўзимизга яқин қариндош деб биламиз. Орқангиздан мақтаниб юрамиз... Тантилигингиз Олойгача тилда... Энди келишимиздан бир мақсад бор эди... Шу сиртлон итингизни бизга берсангиз. Қанча десангиз, нархини берайлик...

Бир зум лол қотиб қолдим. Полвон халқда шундай удум бор, меҳмон. Аввалам, ҳеч ким бир-бирининг отига харидор бўлмайди. Агарда, кўнгли суст кетиб оғиз солинса, албатта, берилади ё сотилади. Йўқса, от полвонга буюрмайди. Лекин, ит сотилганини тўғриси, ота-боболаримдан ҳам эшитмаган эдим.

– Тоғалар, ҳурмат қилиб, хонадонимга келибсизлар, минг раҳмат. Бошим осмонга етди. Мана кўрам тўла мол, истаганларингни олинглар. Хоҳласаларинг Саманниям совға қилай. Лекин, итни сотинг деганларингиз...

– Кўнглингизга олманг, Полвон оға. Йўлига айтдик-да. Замона зайли. Ҳозир ҳамма нарса сотилаяпти-да... – деб мингиллашди улар

Меҳмонлар ҳурмати яна ўзимни босдим.

– Сўрасаларинг шундай ҳам берардим. Лекин, итни эмас. Тоғалари, бу ит неварамники. Ундан сўрамай беролмайман. Бўлмаса, йигитнинг сазасини ўлдирардим...

Мен бир хижолат, меҳмонлар бир хижолат, хайрлашдик. Сездим, бироз ранжишди. Кўнглим хира тортди. Боя айтдим, полвон элнинг ардоғидаги одам. Шу сабаб, хонадонига бир нарса сўраб келган инсонни ноумид қайтармайди. Етса моли билан, етмаса сўзи билан елкадош бўлади...

Турсунбой ота яна тин олади. Полвонга тикилиб ўша пайтдаги вазиятни кўз олдимга келтирдим. Беихтиёр ўзим ҳам ўша кездеги ноқулай аҳволни бошдан ўтказгандай бўлдим.

– Ҳали ўзимга келиб улгурмай, тоғлик амаки қариндошлар меҳмон бўлиб келишди, – ҳикоясини давом

эттирди Турсунбой ота. – Уларнинг ҳам ҳурматини жойига қўйиб кутиб олдик. Ўтганларни, кўпкари – улоқларни ёдга олиб гурунглашдик. Аския қилиб хумордан чиқдик. Қишлоқнинг ярми меҳмонга келди, десам ёлғон бўлмас. Давра қизиб турган пайт, озгина ширакайф меҳмонлардан бири, тирсагимдан ушлаб четга тортди.

– Полвон, – деди тамақасини бурқситиб, гарчи мендан анча ёш бўлса-да тенгидай муомала қилиб... – Сиз энди ўзимизнинг доврўқли полвонлардансиз. Биз томонларда номингизни эшитмаган одам йўқ. Эшитдик, даштлик тоғаларингиз ҳам келишган экан, сўровларига йўқ, дебсиз. Энди биз шу итингизга харидор бўлиб келдик. Ҳар ҳолда бизга йўқ демасиз... Оғзингизга сиққанини айтинг...

Шу билан гапини тугатсам майли эди. Камига беўхшов ҳазил ҳам қилиб қўяди денг, нима эмиш, биз амаки, ота бир эмишмиз. Отаси бошқа эл бўлмашиш. Бир жаҳлим чиқди, бир жаҳлим чиқди. Бир кўнглим, ҳе ўргилдим, сендай амакидан дегим келди-ю... Бошқа жой, бошқа давра бўлганда-ку ўзим билардим. Бироқ, мен мезбон, улар меҳмон эди, болам... Ичимдан отилиб чиқаётган ҳапқирқни куч билан зардобдай ютдим. Сабабини тушунтириб, узримни айтдим...

Бир кун-икки кун кўноқлаймиз, деб ўтирган меҳмонлар эрталаб зарур ишлари чиққанини айтиб хайрлашиб жўнаб кетишди. Оғир ўйда қолдим. Элчилик-да, баъзан улоқ-кўпкарида тортишиб қолсак, тоғлик оғайнилар “барибир даштлигига борди” деб, даштлик оғайнилар “тоғлик-да” деб ғайирлик қилишини сезиб қолардим. Ҳа, энди ютқизиқ алампидан-да деб кўп эътибор қилмасдим. Энди бир итнинг орқасидан “ўзимизнинг тоғлик”, “ўзимизнинг даштлик” бўп қолганим алам қилди, ўғлим, қаттиқ алам қилди... Элнинг оғзига элак тутиб бўладими, ўғлим. Ён атрофга “полвон итини фалон сўмга сотаётганмиш” деган мишмиш тарқабди. Мен бундан беҳабар. Қудамдан эшитиб, яна куйдим. Энди кўринганини тўхташиб, бу ёлғон деёлмайман-ку... Шунча йил элнинг ардоғидан эпкинлаб юрган одам, тўй-у маърақада ўзимни қандай тутишимни билмолмай доғман денг... Кўнглимга чироқ ёқса, ёришмайди. Энди, ўғлим, ҳамма одамда, яхшими-ёмонми ўзига яраша дўст-душмани бўлади. Биров кучингизни, биров обрўингизни кўролмайдди. Очиқ майдонга чиқиб, бел олишса, хўп-хўп, аммо ўзини дўст кўрсатиб, ичиқоралик қилиб юрганлардан кўрқ экан. Майдонда ноилож тан берганлар яна ғимирлаб қолди, денг. Бир кун...

Шу куни шивалаб ёмғир ёғиб турганди. Нимадандир кўнглим алағда бўлиб кечаси ҳовлига чиқдим. Остонада Сиртлон кўринмади. Оғил томонга ўтдим. Қарасам, ит ўсал бўлиб, қон қусиб ётибди. Шошиб қолдим. Саманни ёйдоқ миниб, молдўхтирникига чоптирдим. Қишлоғимизда Сафарали деган молдўхтир бор. Ўзи яхши бола, молниям билади. Бир айби мана-ви “зорманда»га ишқибозроқ... Ўзи кўлга қараган бола эмас. Шу келиб итни обдон текширди.

– Турсунбой ота, итингизга биров игна едирганга ўхшайди. Энди умид йўқ... – деди.

Менинг ичимдан бир нима узилиб кетгандай бўлди. Сафаралиси тушмагур ҳолатимдан хабари йўқ, ҳазил қилиб қўяди:

– Эрталабгача кутасиз, бўмаса сўйиб юбораверасиз...

Ўша тунни қандай ўтказдим – билмайман. Сиртлон дув-дув ёшланган кўзи билан худди одамдай

тикилиб, мадад излаб мўлтирайди, денг...Кўшилиб менинг ҳам кўзимдан ёш оқади. Нима қилишимни билмайман...Тонгга яқин ўзини у ёқдан бу ёққа уриб жон берди...

Эрталаб неварам итини излаб тополмагач, йиғини бошлади. Нима деб овутишга хайронмиз. Унинг изиллаб йиғлаганини кўриб, охири йиқилдим, ўғлим. Умримда бир марта “вой жоним” демаган одам кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолдим. Ким қилди экан, деб ўйлайман. Ахир бегона қилмагани кундек ойдин-ку. Дўст-у душманнинг гапини чиғирикдан ўтказаман. Аммо, гумон иймондан айрибди. Қўлидан ушланмаган ўғри – ўғри эмас. Ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Қўпол бўлса-да, аламда одам нималар демайди, итимга нисбатан ҳам итлик қиласиларми, деб ўша нобакор билан тортишиб ўртанаман. Ўйлаган сайин ўйларимни ҳазм қилолмайман. Ҳазм қилай десам, уларни одам дейиш ҳам маъқулмикин, деб ўйлаб қоламан...

Турсунбой отанинг овозида аламга йўғрилган нидо сезилади. Ўша кунларни худди яна бошидан ўтказаятгандай бошини сарак-сарак қилиб “Одамлар-а, одамлар...” деб кўяди.

Полвоннинг ярасини янгилашга сабаб бўлганимдан ноқулай аҳволга тушаман. Бироқ, Турсунбой ота яна ўзини босиб олиб, ҳикоясини давом эттиради.

– Вақт ҳамма нарсани даволаркан, ўғлим. Неварам ҳам бола-да, бироз ўтиб итини унутди. Яна кула бошлади. Унинг қийқирган кулгуси мени яна ҳаётга қайтарди...Яна оёққа турдим, болам... Мана энди шу неварамни деб яшаяпман. Унинг биринчи марта мустақил улоқ чопганини кўрсам, зот ташлаб, элдан олқиш олганини эшитсам, раҳматли отамнинг руҳлари шод бўлганини билсам, деб Худодан сўраб яшаб келаяпман-да...

Келинга ҳам ичим ачийди. Гарчи ичимдан қиринди ўтса-да, онаси орқали “Майли, минг бора розиман, энди бошқа оила қилсин”, деб айтиб кўрдим. Орала-рида не хангома бўлган билмадим, лекин келиним ўғлимни унутолмаяптими ёки яна бошқа ўй-хаёли борми, бошқа оила қилмайман, дебди.

Турсунбой ота тин олиб узоқ вақт сукут оғушида қолади. Мен ҳам ўз хаёлим билан андармон эдим.

Чамаси ярим соатлардан сўнг супачада, очик ҳавода Турсунбой отанинг ҳикояси таъсирида осмон тўла юлдузларга тикилиб ётар эканман, беихтиёр, қаердадир ўқиганим ёки эшитганим бир гап хаёлимга келди. Шаҳарда негадир юлдузлар камдай кўринади. Қишлоқ жойларда эса аксинча. Осмон тўла юлдуз. Гўё улар катталашгандек, кўпайгандек, ёрқинроқ нур сочаётгандек...Бунинг боиси, шаҳарда одамлар кўпда осмонга қарайверишмаса керак, деб ўйладим-у ўз ўйимдан ўзимнинг кулгим келди...Болалигим ёдга тушди...

Эсимда, ўқитувчимиз Товбой муаллим бир куни синфга глобус олиб кириб, коинот, қуёш, юлдузлар, ер шари ҳақида сўзлаб берди. Ҳайратланарлиси, улар доим ҳаракатда экан. Ҳатто ўтирган жойимизда ҳам ер шари ўз ўқи атрофида айланганда бир кеча кундузда биз ҳам замин билан бирга айланиб, қуёшу ойга рўбарў бўларканмиз. Қолаверса, йил давомида замин билан бирга бутун коинотни кезиб чиқарканмиз.

– Ер шари доим шундай коинотни айланиб юрадимми, муаллим, – деб сўради синфимиз билағони Бахтиёр. – Айланиб-айланиб, нега яна ўз жойига келади? Нега бошқа жойларга кетиб қолмайди?..

– Чунки, улар Қуёш атрофида айланади, ўғлим, Қуёш атрофида. Дунё яралибдики шундай. Бутун олам тортишиш қонунининг моҳияти ҳам шунда.

– Оймомо-чи, – деб сўрайди синфимиз шоираси, қақажон Меҳрибон.

– Оймомо ҳам, қизим, Оймомо ҳам. Оймомо ери-мизнинг табиий йўлдоши ҳисобланади. У Қуёш атрофида ҳам, Ер атрофида ҳам айланади.

Адабиётдан бошқа дарсларда охириги партада ўқитувчилар кўзига кўринмай ўтиришга интиладиган камина эса бу гапларни эшитиб ҳайратга тушаман. Чексиз коинотда қуёш атрофида айланаётган ойни, планеталарни, ерни, ундаги одамларни, улар қатори ўзимни тасаввур қилишга уринаман... Ноқис шуурим қамрови камлик қилиб, ўхшатиш излайман. Ана Қуёш – Бобом, ана елкаларида бизни кўтариб турган Ер – Отам, Оймомо – Онам...Юлдузлар эса бизлар...

Хаёлларим қаерда тўхтаб, тушларимга уланиб кетганини сезмабман. Қанча ухладим – билмайман, эрта тонгда уйғондим. Тоза тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдим...Мезбонлар эса мендан ҳам олдин уйғонишган, афтидан ҳовлидаги юмушларни саранжомлаб ҳам бўлишганди... Ювиниб-тараниб келганимда супага жой қилинган, иккита янги узилган нон, косада қаймоқ...

Турсунбой ота тунни бедор ўтказган шекилли, қовоқлари сал салқиган, невараси тиззасида, менга тикилиб, мийғида жилмайиб ўтирарди.

Нонуштадан сўнг йўлга отландим. Саманга неварасини мингазиб, арқонидан ўзи етаклаб олган Турсунбой ота йўлгача мени кузатиб чиқди. Узоқдан автобус кўрингач хайрлашишга тушдик.

Ниҳоят, менга эл бўла бошлаган бола ҳам одан тушиб кучоқлашиб хайрлашар экан, “Бизникига яна келасизми?”, – деди.

– От минишни ўргатсангиз, албатта келаман. Ўргатасизми? – дедим Турсунбой отага кўз қисиб.

– Бу қийин эмас, – деди бола жонланиб. – Яна келсангиз ўзим ўргатиб қўяман...

– Насиб, насиб, – деди Турсунбой ота. Яқинлашиб қолган автобусга назар солар экан, кўшиб қўйди:

– Бир илтимосим бор эди, ўғлим.

– Бажонидил, Турсунбой ота.

– Кўриб турибсиз, неварамдан узоқлашолмай қолдим. Сиз эл кезадиган одамсиз. Мабодо азиз-авлиёлар ётган маконларга йўлингиз тушиб қолса, шу полвон укангизнинг ҳаққи учун ҳам бир дуо қилиб кўйинг...

Кутилмаган бу илтимосдан довдираб, беихтиёр Турсунбой отанинг сўзлари билан жавоб қайтардим:

– Насиб, насиб...

Автобуснинг орқа ўриндигига жойлашиб, шарққа қараб кетаётган, бир кечада менга қадрдон, азиз бўлиб қолган бобо билан неварани то кўзларимни қуёш нурлари қамаштиргунча кузатиб турдим...





ТУЙҒУЛАР ТУҒЁНИ

Марҳум шоир Назар Шукур, ҳеч шубҳасиз, сўз оламида юксак мақомга кўтарилган олган ижодкор эди. Шоир дунёдаги барча ижодкорлар сингари инсонни қизиқтирган, инсон қалбини тўлқинлантирган азалий мавзуларда қалам тебратди. Ҳеч бир замонда эскирмайдиган, қадри тушмайдиган шеърлар ёзди. Унинг лирикасида Ватанни, унинг бетакрор табиатини, танти халқимиз ўтмиш маданияти ва тарихини улуғлаш, буюк аждодларимиздан фахрланиш, маънавий-ахлоқий муаммолар, инсоний дардлар, армонлар, ишқ-муҳаббат каби мавзулар кенг ўрин олган.

Шоир шеърларини ўқир эканмиз, унда ўзига хос нафислик ва бетакрорлик аксланганини кўраемиз. Шоирнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, унда жимликдаги исён кўзга ташланади.

*Гоҳ бўлса ҳаётда ташвиш кўндаланг,
Болалик жим қалқиб чиқар хотирга.
Хаёллар эшигин очар шунда ланг:
Хивич от, шўхлик-ла бўламан бирга.
Тағин ҳув, йироқлар туюлар сирли,
Тағин пок руҳимга ҳар нарса тилсим.
Шунчалар покиза,
Шунчалар нурли,
Содда эртаклардан узилган умрим.*

(“Болалик” шеъридан)

Назар Шукур – чин истеъдод эгаси. У яшин янглик қисқа яшаган бўлса-да, чакмоқдек ёрқин из қолдирди. Назар Шукур – одам кўнгли иқлимларини теран англайдиган, қалбдан ҳис қиладиган, тушунган, дардли шоир эди. Зеро, чинакам шеърят дарддан, изтиробдан туғилади. Шоирнинг зоҳиран қувончли ҳолатнинг гўзал поэтик ифодаси берилгандек кўринган мисралари замирида ҳам элнинг, юртнинг ғамида яшаётган кўнгли изтироблари силқиб оқади.

*Севаман,
Ватанимни.
Ҳеч қачон сотмайман
Ўзимни,
Сўзимни бировга.
Хиёнат қилмайман
Навоийнинг шеърига,
Ўзбекистон ерига.*

Шоирнинг соддагина, дилтортар мисралари худди қалб тубидан таралаётган куйга ўхшайди. У Ватанини ҳеч қандай иккиланишсиз севади, ҳеч қачон унга хиёнат қилмасликка қасам ичгандек туюлади гўё.

Назар Шукурнинг ҳаёт, умр ҳақидаги шеърларида абадийлик, ўткинчилик ҳақида теран фикр юритилади. “Умрлар ортида барҳаёт ўлим” номли шеърига эътибор беринг:

*Умрлар ортида барҳаёт ўлим,
У баттар даҳшатли, жим-жит бир дунё.
Қадимий зулумот безавол, сўлим,
Ўлим ҳам жим кезар қўрққандан гўё.*

Шеърда инсоннинг кечинмалари акс этади, яъни ҳар қандай кечинма шеър мисралари қиёфасида моддийлашади. Шоирнинг абадий ҳаёт ҳақидаги тасаввурини “барҳаёт ўлим” ноодатий бирикмасида моддийлашиб, маъно залвори янада теранлашган. Инсоннинг ҳақиқий умри ўлиmidан кейин билинади. Унинг ҳаёт вақтида қилган эзгу амали, қолдирган изи авлодлар хотирасида қанча муддат яшай олганида билинади. Шоирнинг айтмоқчи бўлган фикри шу.

*Дарвоқе, эсларкан уни одамзод,
Силқиган ваҳмини бўлмайдим сўйлаб.
Даҳшатга тушади,
Абадул-абад
Орзусиз, севгисиз яшашин ўйлаб.*

Саодат МЎМИНОВА



1968 йилда Косон туманида туғилган. Қарши Давлат университетини тамомлаган. “Ўзбек фалсафий лирикаси ва Асқад Мухтор шеърляти” номли китоб ва қатор илмий мақолалар муаллифи. Ҳозирда Қарши Давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси.



Инсон ўлимни эсларкан, табиий равишда ваҳимага тушади, зеро, юрилмаган йўл ҳамиша сирлидир. Аммо шоир наздида яна ҳам даҳшатлиси, “абадул-абад орзусиз, севгисиз яшаш”дир. Орзусиз, севгисиз яшашда маъно-моҳият, мақсад, гўзаллик, инсонийлик йўқ. Бу каби умр кечириш бемаънилиқнинг ўзгинасидир. Шоирнинг бу хилдаги шеърлари шундан шохидлик берадики, лирик қахрамоннинг фикр-ўйлари юксак инсонпарварлик ғоялари, олижаноб туйғулар билан суғорилган. Шоир инсоннинг ҳаёт йўлида, умри – тириклик чорраҳаларида учраган одамларга бўлган муносабатида, объектив воқелик жараёнларига билдирган фикрларида, фидойи инсон феъли-фаолиятида халқимизнинг олам ва одам тақдирига камарбаста инсонсеварлик туйғуларини ифодалайди.

Инсон умри – киприк қоққунчалик лаҳзаларга тенг. Оддий ва содда сатрлар инсоннинг тириклик сабоқларига айланмоқда. Бизни келажак лаҳзалардан самаралар ундиришга, ибратли яшашга ундамоқда.

Назар Шукур шеърлятида табиат ва жамият муаммоларига кенг ўрин берилган. Ҳар бир табиат ҳодисасидан ўзига хос хулосалар чиқарилган. Куйидаги “Кунгабоқар ва Намозшомгул” номли шеър фикримизни исботлайди:

*Кунгабоқар ва Намозшомгул,
Гулзор аро яшайди ёндош.
Бири ошиқ қуёшга буткул,
Бирида йўқ кундузга бардош.*

*Бири шоддир, бири тортса ғам,
Бўлишолмас дард-сирларини.
Шунча яшаб бирга бўлса ҳам,
Тушунолмас бир-бирларини.*

Оддийгина мисралар замирида катта фалсафий мазмун яширинган. “Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, иллат излаганга иллатдир дунё” деганларидек, битта гулзорда, битта заминда истиқомат қилаётган иккита гул, яъни Намозшомгул ва Кунгабоқарнинг феъли икки хил. Улар бир хил ҳаводан нафас оладилар, бир хил сув ичадилар, табиатнинг сирлилигини қарангки, бири қуёшга ошиқ, иккинчиси тунга! Инсон қалбининг турфа товланишлари мужассам бу сатрларда. Қуёш ер юзига баробар нур сочади, аммо саҳрода тикан, бўстонда гул унишига нима дейсиз? Бирга яшаб ҳеч қачон бири-бирини англамаган қалблар туғени мужассам бу сатрларда. Инсоннинг мураккаб хилқат эканлиги, унинг кўнглини тушуниш, хоҳишини билиш қийинлиги мужассам бу сатрларда.

Шоирнинг мунис, маъсум қалби қатларидан сизиб чиққан мисраларда дард бор. Шоир гўзаллиқнинг, эзгуликнинг дарди билан оғриган бемор. Ҳазрат Навоий: “Кўнгил ичра ғам йўқлиғи асру ғамдур, Алам йўғи дағи

қаттиқ аламдур” деганларида барча ижодкорларнинг кўнгилидагини ўртага ташлаган эдилар. Шундан бўлса керак, Назар Шукур аламли шеърларни кўп ёзди. Шундай шеърлари ўқувчилар қалбини тўлиқроқ эгаллайди, хотираларида абадий қолади:

*Чўкиб ётар кўзимда Дунё,
Анқиб турар ранг-баранг бўйи.
Масрур оқар қўйнида Зиё,
Чексизликнинг ҳидига тўйиб.
Бехос солиб толиқиш забтин,
Кўтарилар уйку тўзони,
Киприклари ёпар у секин,
Ташқарига қувиб Дунёни.*

Асл ижодкорнинг қиёфасини унинг тили белгилайди. Назар Шукур сўзни руҳиятга бўйсундирган шоир, сўзнинг жиловини унинг қўлида бўлади. Биргина юқоридаги “Чўкиб ётар кўзимда Дунё” деб бошланувчи шеърни таҳлил қилайлик. “Чўкиб ётар кўзимда дунё”. Кўзлар – тимсол. Инсон дунёни қалб кўзи билан кўриши керак. Инсоннинг кўзи очиқ бўла туриб, қалби кўр бўлса, у дунёни идрок этолмайди. Дунёнинг кўзга чўкиши ҳолати эса, қалбнинг дунёни поэтик идрок этиши, англаши даражасидир. “Анқиб турар ранг-баранг бўйи” мисрасида дунё ҳодисотларининг турфа рангда жилоланиши назарда тутилган. “Масрур оқар қўйнида Зиё, Чексизликнинг ҳидига тўйиб” мисраларида инсон қалбини, умр йўлларини ёритувчи нарса бу нур, зиё эканлигига ишора мавжуд. Зеро, зиё бу – ёруғликнинг умрини узайтиришга қаратилган эзгу амаллар, башарий қадриятларни ёқлашга йўналтирилган гўзаллик ғояларидир. “Бехос солиб толиқиш забтин. Кўтарилар уйку тўзони, Киприклари ёпар у секин, Ташқарига қувиб Дунёни” сатрларида дунё ташвишлари бехосдан ҳар қандай кишини ҳам толиқтириб қўйиши мумкинлиги, ўлим ҳақлиги, у ҳамиша ногаҳон ва кутилмаганда ташриф буюриши, ана шунда инсон “уйку тўзони”га бардоши етмай бўйсунушга мажбурлиги, киприкларини секин юмиб, дунёни ташқарига қувиши каби ҳолатлар тасвири орқали инсон умрининг ўткинчилигига ишора қилинган. Шу маънода, Назар Шукурнинг шеърларидаги умр талқини масаласига эътибор берадиган бўлсак, умумбашарий мазмун ташиган ғояларнинг рамзий образларда ёритилганлигини кўрамиз. Улар (Дунё, Кўз, Зиё ва ҳ.к.) ижтимоий воқелик билан боғлиқ дардларга, муаммоларга жавоб излаётган ёрқин рамзий тимсоллардир.

Назар Шукурнинг жозибали шеърлятини мутолаа қилганимизда, унинг атиги 30 ёш атрофидаги одам эканлигига ишониш қийин. Дунё ҳикматларини теран ҳис этадиган, соҳир қалб соҳибининг ҳикматомуз шеърляти ўқувчини ўзига шайдо қилди, унинг умри шеърларида, у ҳақида қилинган тадқиқотларда давом этади.





Киприкларим найзасига илинган осмон

* * *

“Чоргоҳ”ми, “Ушиоқ”ми ёки “Муножот”,
Шамоллар қандай куй?..
Титрайди ҳаво.
Бугун авлодлардан изларми нажот
Чангларни тўзгитиб бу шарқий наво?!
Одамлар тингламас,
Одамлар лоқайд,
Шамолнинг куйлигин ё олмас пайқаб.
Бундай бефарқликка қилолмай тоқат
Дарахтлар, майсалар турар бош чайқаб.



* * *

Юрак осмонида азоб найсони,
Тўсади нурларни – севинчлар йўлин.
Бўзгига тиқилар Ҳарорат жони,
Безубор Чексизлик кўтарар қўлин.

Юрак ҳам бўғилар етмай нафаси,
Туманлар ортида инграйди сурур.
Тинади юзларда кулгилар саси,
Изтироб – изгирин тўкади гурур.

Совуқ сўз!..
Вужудни – юрак оламин,
Қаҳратон қаҳридай қўйди совутиб.
...Севинчлар йўлини очади секин,
Музлаган кўнгилни кимдир овутиб.

Нурлардан ёришгай юрак осмони!..

У ШУНДАЙ КУЧЛИКИ...

Ўрол ТАНСИҚБОЕВ хотирасига

У шундай кучлики...
Бўшлиқни ёйдай –
Замин тепасига қўёлган эгиб,
Тип-тиниқ осмонни баландроқ чизган
Кетмасин деб қушлар қаноти тегиб.

У шундай кучлики...
Чизган заволсиз –
Ерга тўқтирмасдан ўрик гулларин.
То гуж-гуж довучча тугмагунича
Ўзи тўсиб турган шамол йўлларин.

У шундай кучлики...
Ҳайрон қолмаган
Пага булутларни пахтадек ушлаб.
Турналар учмоқда сувратларида
Узун ва ялтироқ нурларни тишлаб.

Чизолган бир вақтлар севгани билан
Кезган қирғоқларни,

Назар ШУКУР



1954 йилда Чироқчи туманидаги Наврўз кишлоғида туғилган. ТошДУнинг география факультетини тамомлаган. “Кўкдаги умр”, “Қишлоқ йўлларида”, “Вақт хиёбонида”, “Мени кечир, муҳаббат”, “Видо”, “Сен қайтмасанг...” (Сайланма, 2006) шеърӣ китоблари нашр этилган. 1985 йил 14 майда Тошкент шаҳрида автомобил ҳалокатидан вафот этган.

Қалин боғларни,
У шундай кучлики,
Ўз хонасига –
Киритиб қўёлган қорли тоғларни!

ТАХТАДАГИ ИХТИРО

Бўр билан ёзилди буюк ихтиро,
Доскага чизилар ноаён шакли.
Жам эди унда нур, фикр, эҳтирос,
Ҳеч битта нарсага йўқ эди тақлид.



Кўп ишлар бажарар оддий шиша най...
Олимлар қайтишар ҳайрати катта.
Сўнг шунча қудратни одатдагидай
Ўчириб ташлайди чириган латта.

СОМОН ЙЎЛИ

Сомон йўли. Босилмайди бу йўлнинг чанги,
Ухламайди ўтиб кетган карвонлар занги.

Киприкларим найзасига илинган осмон,
Шу тиг билан ўртасидан тилинган осмон.

Юлдузлар-ку олов туёқ тевалар изи,
Кўзларимни очтирмайди чанглари тўзиб.

Юлдузларнинг ён-гирдида бўшлиқ хувуллар,
Ютмоқ бўлиб бу саҳрода бўри увиллар.

Киприкларим найзасида инграйди осмон,
Нақ устимга қуламоқчи чексизлик шу он.

Сомон йўли сурат янглиз қоқилган кўкка,
Икки учи уфқларга санчилган тикка.

КУМУШБИБИ АЗАСИ

Кулфат ранги сачраган ёруғликлар қорайди,
Қил сизмаган юракдай олам бағри торайди,
Энди фақат Отабек гуссаларга ярайди,
Ўн тўрт кунлик ой каби тўлгондинг, Қумушбиби,
Сўнгги жонга илиниб тўлгондинг, Қумушбиби.

Энди жонсиз севгингни шул қаро ер кўтаргай,
Йиглаб қаро тобутни Отабек эр кўтаргай,
Менинг кўз ёшларимни титраб бу шеър кўтаргай,
Нурмас, йиғи-додларга чўлгондинг, Қумушбиби,
Сўнгги жонга илиниб тўлгондинг, Қумушбиби.

Қолмади-ку дунёда ёниб бағри бутунлар,
Кўкракларда тугилиб кўкда ўлар тутунлар,
Чар-чурс ёнар оромлар бўлиб гамга ўтинлар,
Ҳар юракда “оҳ!” бўлиб уйгондинг, Қумушбиби,
Сўнгги жонга илиниб тўлгондинг, Қумушбиби.

Сен куйларга ўхшатган серавж сой ҳам йиғлайди,
Нурай-нурай яримта бўлган ой ҳам йиғлайди,
Сени ўзи яратган Жулқунбой ҳам йиғлайди,
Ногоҳ қучган бахтингдай қулгондинг, Қумушбиби,
Сўнгги жонга илиниб тўлгондинг, Қумушбиби.

ҚЎШИҚ

Оҳ урдирма, оҳ урсам
Тоғлар тоши қулайди.
Ёлғиз борсам, ёр сени,
Қашиқадарё сўрайди.

Сенсиз еллар ўрайди,
Урайди-ку йўлимни.
Ҳолимни ким сўрайди,
Сўник кўрса феълимни.

Бақатерак, жон терак,
Хўп толиқдим, бўл тиргак.
Келиним бир кўрай деб
Онагинам жонсарак.

Эъозга зор бу тупроқ,
Согинчлардан тирналар,
Олисларга учади,
Қаранг, элчи турналар!

Баланд Ҳисор наст бўлиб,
Шош сулуvin кўрай, дер.
Ёлғиз борсам, ёр сени,
Қашиқадарё сўрайди!





КИНО САНЪАТМИ Ё САНОАТ?

Санъатшунос Шоҳида Эшонбобоева, ёш тадқиқотчи Фарҳод Умаров ана шу мавзу юзасидан фикр билдиришди.

– Бугунги кунда кино санъати ёшларга қандай маънавий озуқа беряпти? Жумладан, хориж студиялари маҳсулоти бўлган фильмлар-чи? Улар ёшларимиз маънавий оламини бойитиб, эстетик қарашларини юксалтирмоқдами?

Шоҳида Эшонбобоева: – Юртимизда ёшлар умум аҳолининг олтмиш фоизини ташкил этади. Маълумки, бугун улар тарбиясига жиддий эътибор қаратилган. Буни Президентимиз, ҳукуратимиз томонидан ёшлар масаласида олиб борилаётган одилна, оқилна сиёсат моҳиятида ҳам барчамиз кўриб турибмиз. Бу борада улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ўттиз ёшгача бўлган даврда инсон ўта таъсирчан бўлади. Қайсидир маънода буни ўтиш даври ҳам деб аташ мумкин. Ёшлар мустақил фикрга эга бўлгунига қадар кимларгадир эргашади, кимларнидир ўзига идеал қилиб олади. Одатда, ёшлар илк тассуротларидан воз кечиши қийин бўлади. Худди шу вақт мобайнида тарбияни тўғри йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Сир эмас, ҳозир ёшларимиз кўпроқ интернет ва телевидение орқали турли фильмларни томоша қилишмоқда. Улар яхши ва ёмонни ажратмай, асар моҳиятига тушунмай туриб қаҳрамонларини “кумир”га айлантириб олмоқдалар. Мана шу нуқтада миллий ва умуминсоний қадриятлар сингдирилган, юксак маънавий тамойилларига таянган ўз киноларимизга эҳтиёж нақадар катта эканлигини чуқур ҳис этамиз. Биз чет эл деганимизда, одатда, кўпроқ Ғарбни, АҚШни назарда тутамиз. Улар ҳам ўзларининг ички талабларидан келиб чиқиб фильмлар яратади. Шарқликлар учун деб алоҳида кино ишлашмайди. Фақат умуминсоний мавзу танланганда одамларнинг ёши, дини, ирқидан қатъи назар дунёга тез тарқалади. Бизда ҳам кўпроқ Ғарб менталитетига, турмуш тарзига кўр-кўрона тақлид қилаётган ёшларнинг эҳтиёжини қондириш учун бадиий фильмлар суратга олинган десак ёлғон бўлмайди. Ҳолбуки, ўзимизда ҳам кино қилишга арзиғулик воқеалар, ғоялар мўл-кўл, фақатгина уларни илғаб ола биладиган теран нигоҳ керак. Ана шундагина бировларга тақлид камаяди. “Оммавий маданият” хуружларига барҳам берилади.

Фарҳод Умаров: – Гап маҳаллий кино ижодкорлари ҳақида бораркан, мен масаланинг яна бир

жиҳатини тилга олиб ўтишни истардим. Бу – актёрлар маҳорати. Актёрлар образларга муносиб танланмаганлиги, қаҳрамонлар ёшига мос овоз ёзилмаслиги оқибатида сохталик ва ясамалик бўртиб кўринмоқда. Табиийки, бу аудиториянинг ҳафсаласини пир қилади. Тағин бир жиддий муаммо:пишиқ-пухта сценарийлар етишмайди, шунингдек, маҳоратли режиссёрларимиз жуда кам.

Шоҳида Эшонбобоева: – Ҳа, тўғри таъкидладингиз, кино санъатининг яхши бир жиҳати бор, унда бошқа санъатлардан кўра сохталик тез сезилиб қолади. Актёрлар ичида ҳам икки хил тоифадагилар мавжуд. Баъзилари ҳаваскор, айримлари маҳоратли актёр. Кино санъатининг ютуқлари кўп. Битта китобнинг ўн минг нусхаси ўн минг ўқувчисига етиб боргунча, кино асари санокли соатлар ичида миллионлар эътиборига ҳавола этилади. Истаймизми, истамаймизми, бугунги кунда ёшларимиз кино санъатини афзал кўришмоқда.

– Фильмларнинг мавзусига келадиган бўлсак, дунё кино усталари фалсафийликка, ижтимоийликка кўпроқ эътибор қаратишади. Ўзбек кинноси ижодкорлари ҳақида ҳам шундай дея оламизми? Умуман, миллий кино санъатининг қай жиҳатлари билан мақтана оламиз?

Фарҳод Умаров: – Ўзбек киноси деб аташ менга бироз муболағадек туюлмоқда. Ўзбек миллий тамойилларининг асл маъно-моҳиятига бормасдан кино яратётганлар ва уни севиб томоша қилаётган томошабинларни, ростки, ким деб аташимни ҳам билмайман. Аксарияти хусусий корчалонлар. Уларнинг хусусий кинноси пойтахтда ишланиб, пойтахтда намойиш этиляпти. Бордию актёрлар катта аудиторияни ўзига жалб этмоқчи бўлсалар, бунинг учун ўзлари ҳам катта эстетик дид, билим, дунёқараш эгалари бўлишлари лозим. Яратилётган хусусий фильмларда салмоқли ғоя ва мақсадлар, чуқур фалсафий нигоҳлар сезилмайди. Тил масаласи ҳақида гапирар бўлсак, буткул ҳафсаламиз пир бўлади. Чунки ишланаётган фильмларда маҳаллий лаҳжа, шевага хос сўзлар, жаргонлар ҳаддан ташқари кўп қўлланилади. Одатда, кинода бадииятдан завқ олинади, қалб эзгу, ёруғ хисларга йўғрилади, афсуски, бугунги миллий киночилигимизда бундай хислатларни учратишимиз анчайин қийин. Айни даврда ватанпарварликка, қурашчанликка ундовчи, соф муҳаббатни,

фидойиликни тарғиб қилувчи кино асарларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам катта. Бу талабни муҳтарам кино ижодкорлари тўғри тушунади ва зарурий чоралар кўришади деган умиддаман. Назаримда, киночилигимиз тарихида ўтган машҳур, истеъдодли ижодкорларимиз тажрибасини қунт билан ўрганиш зарур. Масалан, Наби Ғаниев, Сулаймон Хўжаев, Шуҳрат Аббосов, Мелис Афзалов каби устоз режиссёрлар улкан мактаб яратиб кетишган. Уларни ўзлаштириш, ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Болалар учун кино асарлар яратган Қамара Каримованинг “Аччиқ данак”, “Ҳамма ёқни оппоқ қорлар қоплади”, “Мени унутма” фильмларида ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутадиган катта фалсафий ғояларни ёритиб беролган.

Шоҳида Эшонбобоева: – Бизда ҳали кино санъати кутилган натижада ривожлангани йўқ. Кино саноати ривожланиб бормоқда. Киночиларимиз бой ва камбағалларнинг табақалинишидаги мавзуларига урғу беришмоқда. Бу бир томондан яхшидир. Фақат ёритиш билан яратишнинг фарқи бор. Ёшларнинг онгида салбий хислатларни уйғотмаслик керак деб ўйлайман. Доим бир хил мавзунинг танланиши кинони санъатга эмас, саноатга айлантиради. Ҳозирда бизнинг киноларимизда оилавий, яъни хонтахта атрофидаги муаммолар, совчилик, уйланиш, турмуш можаролари тасвирга олинади. Тўғри, бизда аёллар эъзозланади, ҳамфикрликда бўлади, бироқ ўжарлик, шартакилик билан устунликка эришмайди. Ўзбек аёллари ибодат, тортинчоқлик, камтаринлик каби ўзига хос хислатлари билан ажралиб туради. Ўзбек аёли образларини тарихга муҳрлаган Лутфиҳоним Саримсоқова, Икромма Болтаева, Марям Ёқубовалардан ўртак олсак арзийди. Бугунги кунда бизнинг киноларда оқсашлик юзага келмоқда.

– Бизнинг аудиториямиздаги томошабинлар кўпроқ чет эл киноларини томоша қилишади. Уларнинг яратган бадиий фильмлари аудиторияни ўзига қарата оляпти. Умуман, кинонинг омалашуви қандай ривожланади?

Фаҳод Умаров: – Кино санъатининг пайдо бўлганига гарчи кўп бўлмаган эса-да, у тез суръатлар билан ривожланди. Бугун ҳар бир давлат кино ижодкорларининг ўзига хос йўналишлари, тенденциялари мавжуд. Айни даврда кино ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларнинг бирини эгаллаб турган Ҳиндистонда ҳам ижодкорлар энг аввало ўз урф-одатларини, турмуш тарзини ифодалашга ҳаракат қилишади. Раж Капур, Дхармендра, Амитабх Баччан, Шохруҳон каби юлдуз актёрлар идеал инсонлар образини яратибги-

на шуҳрат қозонишган. Пойтахт Деҳли шаҳрида асосан давлат сиёсатини ёритадиган кинолар яратилади. Бомбейда эса, ишқ, муҳаббатга бой, кўтаринки пафосга хос кинолар ишланилади.

Япония ва Корея сериалларининг омалашувида уларнинг танлаган либослари, табиат манзаралари энг муҳими актёрларнинг сипо муносабатлари томошабинларда қизиқиш уйғотади. Голливуд кинолари Шарқ киноларидан анча фарқ қилади. Шу ўринда айтиш мумкинки, жиддий изланишлар натижасида янги кино жанрлари ҳам яратилипти. Биз аввал психологик мелодрама, комедияга кўниккан бўлсак, эндиликда экинчи жанри Голливудда пешқадамлик қилмоқда. Бу жанрда инсон тақдирида кескин ўзгаришлар кутаётганини, эртанги кун қандай бўлиши ҳақида ақлга сиғмас фантазиялар яратиб инсонларни қизиқтиради. Илгари суриляётган ғоялар анча мураккаб. Кўплари томошабинда кўрқув, хавотир ҳисларини уйғотади. Бизнинг телеэкранларимизда ҳам “Ҳаёт-мамонт” деб номланган фильми тақдим этилди. Тўғри, унинг фалсафаси, мушоҳадаси мақтовга лойиқ, бироқ ҳаддан ташқари кўрқув ва таҳлика уйғотади. Ўзга сайёрадан мавжудотларнинг ташриф буюриши, ер қаъридан чиқиб келиши, жарроҳлик муолажалари оқибатида мутант мавжудотларнинг яратилиши ҳақидаги фильмлар жуда кўп. Афсуски, булар инсониятга ҳеч қандай эстетик завқ, маънавий озуқа бера олмайди, уларни эзгуликка етакламайди.

Шоҳида Эшонбобоева: – Миллий киномиздаги қатор ютуқларни ҳам эътироф этишимиз лозим. Масалан, “Сув ёқалаб”. Эркин Аъзам сценарийси асосида режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан тайёрланган ушбу фильмни олсак, сув бўйлаб кетаётган кекса Болта Мардоннинг мўйсафидлик давригача бўлган ҳаёти тасвирланади. Унинг умрини шу сув бўйлаб кетиши боғлар яратиши билан ҳаётдаги турмуш тарзи ифодалаб берилган. Ушбу фильм Алишер Навоий номидаги кино саройида илк бор намойиш этилганда томошабинлар унчалик қизиқиш билдиришмади. Москва шаҳрида “Олтин паҳлавон” фестивалида намойиш этилганида бу фильм “Кумуш паҳлавон” мукофоти билан иккинчи ўринни олди. Улар Болта Мардон қиёфасида мард, танти ўзбек йигитини кўришиб қойил қолишди. Кўп ўтмай Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалида намойиш этилганида “Энг яхши эркак роли учун” номинацияси бўйича совринга сазовор бўлди. Биз мана шундай миллий, бадиий пухта, эзгуликка ундайдиган ва эстетик завқ берадиган киноларни яратишимиз зарур.

Суҳбатдош: Феруза ТўРАЕВА



ТЎЛҒОНОЙ

Ҳикоя



Ўтов гуллади...

Шу ўтовга Тўлғоной келин бўлиб тушди.

Осмонда ой кўтонлади...

Ой ўзига ўтов тикиб атрофи айлана оқ гардиш – нур билан ўралди: айлана ўтовда келин, айлана гардишда ой қолди. Ойнинг-ку белгиси элга аён, шу ой ёғин ёғмайди. Аммо Тўлғоной бирам кўнгли тўлиб йиғлади, бирам йиғлади, қуримагур чечаларнинг амали озди. Озмайлар кетсин, Тўлғонойнинг мунчоқлари узилди, алами ичда бўлиб кўнгли бузилди.

Эрталаб куёв Раҳмонберди отасига дуч келиб, кўзи-кўзига тушганида шошиб салом бериш ўрнига алиқ олди. Отаси – Гаффор мулла бош чайқаб “Эсингни йиғиб ол!” дегандек томоқ қириб қўйди.

Келиннинг уялгани-ку безаги, куёвнинг уялгани ёмон экан. Хуллас, Раҳмонберди ўзини, айбдор кўзини четга олиб тоққа йўл оладиган бўлди. Олдига ҳайдаб солгани қўй-қўзи, орқасида бир кўзи, унга шу яқин тоғнинг йўли ҳам олис туюлди. Кета туриб келин саломдан қуруқ қолганини билди.

Тўлғоной Раҳмонбердининг аскар бўлиб қайтганини эшитиб кўнгли қўйди, ялтироқ тугмасидаги юлдузини кўриб суйди. Шу-шу Раҳмонбердининг отини айтолмаган янгалари уни “аскар” дейдиган бўлишди.

Янги келин эрталаб қайнотасининг олдига келин саломга кирди. Қайнотаси:

– Шу кенжам, шу кенжамга атаганининг ҳаммаси сеники, – деб кампирига бош сермаб имо қилди. Сайдиной момо тишлари кемтик бўлса ҳам кўнглининг кемтиги тўлиб, – Мана бу сенга қайнотангдан, – деб келиннинг ипак рўмоли устидан яна бир ипак шоҳи рўмол ташлади. Келин янга келиннинг номидан қайнотасининг остига шоҳи атлас кўрпа ташлаб, ёнбошига бир жуфт ёстиқ қолдирди. Ана кўринг овозанинг баландини. Сайдиной момо ҳали-ҳамон фақат чолининг олдидагина итоатгўй бўлиб ўтирарди. Ташқарига чиқиб чимилдиқ тушириш баҳона келган қишлоқ аёлларини кўриб яна овози баландлади:

– Ҳай! Қайнотасининг атагани қайнотасиники! Энди, мени атаганимни эшитинглар, – деди:

– Кенжамга кенг тўшимни, бахт қушимни атадим. Эшитинг, келин!

Келин Тўлғоной янгаси қўлидан тутган қўйи эгилиб-эгилиб салом қилди. Қайнонаси эса бор атаганини баралла айтайверди:

– Мана шу қўш ўтов, кенг яйлов, мана шу қариндош-уруғ, ён бериб ёндошган ҳамсоялар ҳам, ўчоқ-

Дилором ДИЛХОҲ



1979 йилда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Зарбанд қишлоғида туғилган. СамДУнинг Санъатшунослик факультетини битирган. “Тонги тиловат” номли шеърӣ китоби чоп этилган.

тандир, қозон-товоқ, эчки-улоқ, кувию айрон, олинг-а, бостирмали кўйнинг кўраси ҳам сизники, – деди.

Гапни йғилиб келган хотин-халажнинг ичидан одатдагидек Махфират момо олди:

– Ўзингди менам бир ой дейсан, ўзингдан кечаринг йўқ, супрани келинингнинг қўлтиғига қистир, шу ёлғиз улингга куйишмасанг бўлгани, – деди.

Сайдиной момо ўзи айрон сувга ботириб ййлаган оқ теридан тиккан супрани келинингнинг қўлтиғига қистираркан: – Худога шукур, ўғлим бир ўғил бўлгани билан мусофирчиликни кўриб қайтди, шулар тиниб-тинчиб, ўзидан кўпайса бўлгани, ўзимди чолимдан кўймасин! – деди.

Бу гапга хотинлар қотиб кулди, гапга гап қўшганларнинг бўлари бўлди.

Висол восиллик тилаб орадан чиллала қирқ кун ўтди. Тун чўкканида бир ўтовда келин-куёв, бир ўтовда чол-камбирнинг гангир-гунгур суҳбати қизиди. Келин-куёв висолга, чол-камбир дунёга тўймасдай бўлди. Аммо ташқарида отларнинг дупури эшитилиб уларнинг суҳбати бўлинди.

– Аҳай! Бемаҳалда келган ким бўлдиёкан? – деди Гаффор мулла елкасига яктагини ташлаб.

Отлиқлар тўрт киши эди. “Тоғдан эниб тушган чўпонлар бўлса керак” деб ўйлаган Раҳмонберди ҳам янглишганди. Улар ўзиники бўлса ҳам ўзагини кеса-диган, ҳар гапи қишнинг бўронию, ёзнинг гармселидек эсадиган Қодир “қулоқ” билан Раҳмонкул кесов эди. Кесовнинг кесовлиги ўт титиб ёнмаган оловни ёндирадиган, одамларнинг хонумонини куйдирадиган бесар эди. Бесарнинг бесарлиги гавдасида боши бўлмаганида. Қодир қулоқнинг қулоқлиги эса фиску фасодчилиги етмагандай, ғимирлаган замонда ғимирлаб турган нарса унинг назаридан четда қолмасди. Уларнинг ёнида келган икки отлиқ ҳам отининг қорасидан таниш, танишлиги элга юқмас эди.

– Сен! – деди Раҳмонкул кесов саломдан олдин алами ўт олган одамдек.

– Раҳмонкул ака! – деди Раҳмонберди қоронғуда қўтонга келган бўридек қонсираб турган Раҳмонкулнинг авзойини кўриб.

Гаффор мулла қоронғуда келганларни таниёлмади. Уларнинг ҳовлидаги итнинг безовталаниб хуришига кўшилиб от устида тасирлаб тургани муллани эсанкиратиб кўйганди. Замоннинг зайлини билгани учунми бу милтиқ тутган миршабларнинг “ташриф”и яхшилик аломати эмаслигини кўнгли сезди. Ота эмасми, ўзини эмас, ўғлини ўйлаб боши ғувиллаб кетди. Ўғлининг келганлар билан нима ҳақида гаплашаётгани ҳам негадир шу тобда қулоғига кирмасди:

Бу сафар Гаффор муллани кўриб олдиндаги қорабайир отда келган семиз миршаб – Қодир қулоқ гап бошлади,

– Ҳа мулла бова, хатотлигингизни билардик, аммо хатот хато қилса биласиз, ўйлаб ёзиш керак, ўйлаб! – деди у бўғизланган жонлиқдай томоғи хириллаб.

– Отам! Отам саводли одам, – деди Раҳмонберди кўнглида алланечук ғурур уйғониб. Хаспўшчи хасни ҳам пуфламай олов олдиради дегани рост экан. Ялтоқлиги ялтираб турган Қодир қулоқ от устида ишшайиб ўтирган жойида дадилланиб Раҳмонбердига:

– Менга қара, аскарликда отанга хат ёзиб турганинг ростми? – деди.

– Ҳа...

– Отанг араб ёзувида ҳам ўқиб, ҳам ёза олади, шундайми?

– Ҳа энди, эскининг одами-да, озгина эскичадан хабари бор.

Бу сафар у миршабнинг қулоғига ваҳимали нималарнидир шивирлади. Раҳмонберди уларнинг гапларини, бу ваҳимали шивирнинг сабабини билишга қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳовлидаги итнинг хуришидан безовталаниб депсинаётган отларнинг туёқ товушидан ҳеч нарса эшитолмади. Ниҳоят семиз миршабнинг имоси билан у тилга кирди.

– Сенга бир-иккита саволлари бор экан миршаб акани, биз билан кетсанг, эрталаб қайтасан, – деди.

Гаффор мулла кар одамдек баттар тоқатсизланиб ўғли Раҳмонбердини ёнига имлаб чақирди.

– Ўғлим, “кел-кели” келган кўринади, нима бўлса ҳам энанг билан келинга билдирмай тур, эрталаб бирга қайтармиз, қайтмасак... – деди Гаффор мулла бу сафар чуқур хўрсиниб вазминлик билан. Шундагина Раҳмонкулнинг оёқ-қўллари бўшашиб, гап нимадалигини билиб хуржуни оғди.

– Ўртоқ м-миршаб! Бу қанақаси? Мен аскарликда медал олганман. Ватан учун ҳалол хизмат қилганман! – деди овози дадилланиб.

Яна тилмоч билан миршаб шивирлашди:

– Яхши! – деди миршаб бу сафар бироз кўнгли юмшагандек.

Яна тилмочнинг тили чиқди, яна тилмоч ўртада хаспўшчи даллол бўлди: – Шунинг учун ҳам сени чақириваётган экан, шунча ердан келганнинг иззатини қил-да ўзинг ҳам, – деди тилмоч тоғлиқларнинг жўмардлигини билгани учун ҳам.

Гаффор мулла ўтовга қайганида Сайдиной момо бир муддат чолининг авзойини кўриб деворга осилган хуржунга қараб олди. Бу бежиз эмасди, чунки Гаффор мулла оқ яктагининг шимарилган енгини туширганида албатта чопонинини киярди. Чопонини кийса хуржунни энига олиб, отини шайлаб йўлга отланарди.

– Боваси? – деди ниҳоят Сайдиной момо ҳадди сиғиб.

– Камбир, ўзинг энди бу ёғига бош бўп тур, Раҳмонберди эртаман келади, – деди Гаффор мулла қўллари бетасбех, тасбехнинг тиловатини такрорлаб. Аммо орқасига ўгирилиб қарамади. Бир умр қиладиган ишини ипидан игнасиғача хотинига айтиб ўрганмагани учунми, дардини дастурхон қилишни ўзига эп кўрмади.

Раҳмонберди эса Тўлғоной билан шошиб хайрлашиб йўлга отланди. Муддаоси шошиб яна ортига қайтиш бўлгани учунми, шу тобда у фақатгина кетишга шошилари.

Шу кеча ота-ўғил тўрт отлига эргашиб, бўз отига мингашиб кетган кун ким бундан хабарли, ким беҳабар қолди. Тонгда Шамолли қишлоғининг шамоллари безовта эсганида айни баҳор фасли эди. Баҳор мум тишлади, аммо ҳали аёзнинг саволлари кўп эди. Қайси жавобли, қайси бежавоб бўлди, аммо, ота-боланинг жон жойидан тутди. Гаффор мулла билан Раҳмонбердининг бир айби саводи борлигида бўлди. Отасига аскарликдан ёзган бир хат хатга ташлади, хатга эмас, ўтга ташлади. Икки бирдай аёл бошэғасиз қолди. Қишлоқдагиларнинг ҳам бири ҳадди сиғиб сўраса, бири сўролмади. Оналар қўлига китоб олган боласига:

– Саводлининг савдоси шул бўлса, овуздан ёдлаганинг яхши, – деб боласининг қўлидан китобни тортиб олди.

Оталар куйиниб: – Шундай дейсан, овуздагиниям овуз минан етказар кўп. Индама, молдинг ҳисобинимас, элдинг ҳисобин ҳам билсин, – деди.

* * *

Тўлғонойнинг юраги тўлиб кетди. Югуриб ўз ўтови томон чопди. Янги келин эмасми, кўз ёшини қайнонасига кўрсатишдан уялди. Кўз олдига Раҳмонқулнинг кенг елкалари, суқсурдай сумбатини келтириб кўз ёшларидан ҳам гинадор бўлди. “Нега йиғларканман, ахир келаман деб кетди-ку. Худо йиғлаганга кўз ёш берармиш. Мен... мен барибир кутаверамаман. Аскарликдан юлдуз оп келганман деса миршаб деганлари ҳам кўп тутиб турмас, одамлар айтаверади”. Шу хаёл билан у ўрнидан силтаниб турди. Шу далда билан яна ўтовдан отилиб чиқди. Ширин бир хаёл орқасига қарашга ундаганида эса ранго ранг кигиз гиламлар билан безатилган ўз уйи ҳам кўзига рангпар кўриниб кетди.

Сайдиной момони ҳам бу сафар дардман деганнинг сайдини сийлади. Юрагини создинг терисидай ийлади. Октобрўяда ўтириб, ўзидан ўтганини ўзи билди. “Ай боваси, Раҳмонбердини Худодан тилаб олувдик. Ҳеч нега куймадим, болам деб куйдим. Аёлнинг кўнгли боласида бўларкан. Мен-ку ёшимни яшадим, бечора келин, буям келин бўлмай келисоп бўлди. Бир сўзли одамийдингиз, “эртаман қайтаман” деганингиз шундай бўлишини билганимда улимди сизга қўшмасдим. Пешонага ҳар не сиғаркан. Шу эниш пешонадан бовурингди берганинг, суяниб турганинг сирғалса ёмон экан. Борса келмас деган жойлар борлигини эшитганим борида. Келмаси шу бўлса, кетарим нима, билмайман” деди.

Ўтовдан нарида, бир гужумшоҳнинг орасида олақуш ёқимсиз сайради. Яна Сайдиной момо бунинг сайрови нимадан дарак экан деб гумонда қолди. Салқиган қовоқлари салқиб бўйнигача тушди. Ўтирган жойида офтобда қизиб оёғини куйдираётган қовушини ечиб, эшитилар-эшитилмас қўшиқ хиргойи қилди:

*Олақуш ола экан,
Сайрашга бало экан.
Балоси не билгунча
Билмаган авло экан.*

*Энани яратгунча,
Тошни ярат, Худойим.
Шу олақуш биларма
Жудалар бўлди жудайим...*

Жотқан элда гап жотмади. Биров “Мулла бова минан ули Раҳмонбердини сим панжарага худди какликдай соп қўйипти. Тўқай қишлоқдан ҳам Тўқли полвонни сўровга олиб кетган эмиш. Ҳалиям сўрови тугамай сўрап ётганмиш” деса, бир “Полвоннинг айби не экан, аскара борип отасига хат ёзмаган бўлса?”, деди.

“Шундай дейсиз, Полвоннинг уйига бир меҳмон келган экан, оти атоқли меҳмон экан ўзиям. Илм деганнинг барини сув қилиб ичган экан. Шу келган меҳмон полвоннинг бошини еп кетипти. Шундайчиқин меҳмон кутгунча кутмаган авло экан. Локигин, полвон сўзидан қайтмай “Меҳмон меники” деб меҳмон кутар айбини тан опти. Аммо шу сўров деб сирови келган чиқар...” дейишди.

Бировлар биров бўлди, улар ҳам бировдан ўтганини билмади. Шу орада йўл қарай, йўл қарай икки

аёл бир ўтовни Ватан қилди. Қайнона келинини, келин қайнонасини аяди. Тунда ўтовда ёнган чироқ шуъласи Тўлғонойнинг юзидан сирғалиб тушди. Шуъла Сайдиной кампирнинг қат-қат ажинларига сингиди. Шу кеча туни билан чироқ шуъласи бетовуш, бесас оқди.

Кун қизиб аёлларнинг ҳам ичи қизиди. Аёлнинг дарди ўрмак бўлди. Қиши билан йиғириб чиққан жун калавларини уч аёл, тўрт аёл бўлиб ранг солинган қозонга солиб тур-турига, ранг-рангига қараб бўяйдиган бўлишди. Тўлғонойнинг ичида бир ранг йўқ, бир ранги сарғайиб кутгани, олача гиламга аталган ипларни қозонга солиб кавлай бошлади. Қозондан овқатнинг эмас, ивиган жуннинг ҳиди кўтарилганда Тўлғоной ўхчиб кетди.

– Йўғ-ей, – деди бир девор кўшни Салима ўчоққа ўтин қалай туриб. – А, бу келин укамни келганда суюнтирадиган кўринасиз.

Тўлғоной ўзи ҳам ҳайрон: – Йўғ-эй, нималар деяпсиз?... Ахир, ахир...

– Гап шунда-да! Шу ахирдан кейин бўп қолган бўлса ажабма.

Тўлғоной кўшни аёлнинг гапидан уялиб кетди, қозондаги ип юзларининг қизилидан баттар қизилга бўялиб кетди.

Аёллар бир-бирларига шивирлашиб, Тўлғонойнинг гумонаси гумон бўлди.

Бу орада Сайдиной момонинг кўнглини бузиб, келинли уйга эшик қоқиб Тўлғонойга совчи келди. Сайдиной момо бошига тушган савдони билиб ҳам юзинг, кўзинг демай келган совчиларни ҳам яхши гап билан кузатди. Аммо Тўлғонойга сездирмади. Тагин ичига сиғдирилмай бу гапни Тўлғонойнинг отасига эшиттирди. Тўлғонойнинг отаси Марди жувозчининг бу гапни эшитиб ори келди. Аммо у ҳам хотинига сездирмади. Аламдан, “Энди келса ўзимнинг олдимга жўнатинг, бунақаларни жувозга солиб мойини чиқараман” деди.

Тўрт ойда Тўлғоной тўлин ойдек тўлишди. Энди унинг гумонаси гумон эмас, чин бўлди. Момо келинининг орқасидан қараб “улга ўхшамайди, бу қорин солмай бел бувини кенгиш тортиди, эй Худойим-ай жонимди эмантириб, танамди шундай сербалтиргунингча, кўзимнинг косасида кўрғошин қайнатсанг розийдим” деди. Кўнглининг бир чеккасида умид учқунлади. Тўлғонойнинг кўзи ҳам бу сафар фарзанд йўлида бўлди. Аммо уни дунёга келтирганида эри Раҳмонқулнинг қувончи насиб қиладими-йўқми, ўзи ҳам билполмай ҳасрат чекарди. Унинг жериги ҳам, ўйи ҳам, кутгани ҳам эри бўлди. Савдоли қул бек бўлса ҳам, бий бўлса ҳам, эркагу аёл бўлса ҳам синаладиган замон эди. Ёмғирдай ёғилган бу хўрлик Тўлғонойнинг ўба-жўбасидан ўтди.

Ҳар чиққан янги ойга айтилган тилак тўлишиб, яхши-ёмон кунни бўлишиб орадан тўққиз ой ўтди. Ойнинг бир дили эмас, юзи ҳам доғли бўлди.

Тўққиз ойда тўққиз ой кутган Тўлғоной оғир-оғир одимлаб юзлари қизарса-да тўлғоқдан дарак бўлмади. Бундан кўнгли ҳадик олган Сайдиной момо келинига туянинг юнгини чайиб ичирди. Отнинг юганидан ўтказиб, бахшига бағишлаб товўқ билан қоқтирди. Хуллас, ўнинчи ой ҳам ойтўлғоқ тутса тутдики, оғир оёғи енгил бўлмади. Доялик қиладиган Хадича кампирнинг икки букилиб, эгилган арпадай тўкилиб келиб кетишидан-да тиним бўлмади. Кутганда тўлғоқ ҳам келмади. Шунда ҳам Тўлғонойнинг хаёли Раҳмонбердида бўлди. Бир куни Раҳмонбердининг куёвлик тўнини ёпиб уйқуга кетиб Тўлғонойнинг бўлари бўлди. Шу тўннинг ислари-

ми ё соғинч ҳисларими Тўлғонойнинг белидан олди. Танасига бор азобни солди. Дод солганида эса имилласа ҳам ишини билиб қиладиган Хадича кампирнинг оёқлари қалтиради.

Сайдиной момо уйга кирганида Хадича кампир чақалоқни йўргаклаб, қўлини ювиб дастурхон бошига келди. Сайдиной момо безабон бўлди, набирали бўлса ҳам сўрарга ҳадди сиғмади. Ёшини яшаб, ошини ошаган кампир эмасми, Сайдиной момо Хадича кампирнинг дастурхонга узанишидан ҳаммасини билиб олди. Хадича кампир беқасам дастурхоннинг бурчини ҳам очмай, дастурхонга қўлини ҳам теккизмай парвардага узанди.

Тўлғоной ингранди. Сайдиной момо эса: – Нима ҳам дердим, – деб Хадича кампирнинг ёнига сидирға матони кўйиб қўлини дуога очди. Қизалоқни бешикка солиб исмини Санобар қўйишди.

Қизалоқ, оти Раҳмонбердининг қизи бўлди, ўғил бўлмаса ҳам орқасида изи бўлди. У ҳам эмаклай туриб ўзи билмай оёқлари орасидан йўл қаради.

Эрталаб Санобар уйқудан туриб томга қараб:

– А-ҳа-а! – деди, – Мен сени олтинга айланиб қолади десам, қизғалдоққа айланиб қолибсан-да?..

Бу олти ёшли Санобарнинг кеча томга отган тушиб қолган тиши эди. Сабаби бу пайтда қишлоқдаги одамлар қиш кириб пастдаги гувала уйларга кўчиб ўтишганди. Марди жувозчи эса ҳаммиша одамлар қўйқўзиларини йўлга солиб тоғнинг биқинига кўча бошлаганида ҳам негадир кўчишга шошилмасди. “Мойим томчилаб, тоққа тирмашиб нима қилдим. Эл-эллат бодом тўнини елкасидан сидирганда барибир олдимга келади” дерди. Марди жувозчини жа мойини оқизиб мақтамасак ҳам гапи одамга мойдек ёқадиган одам эди. Кампири Хулкар момо ҳам, не қилай боламнинг тақдири экан, қизимга суянч бўлай деб ўзини тутди. Аммо қудаси Ғаффор мулла билан куёви сўровдан қайтмагач анча чўкиб қолди.

Марди жувозчи беэга бўлмасин деб уйининг ёнидан бир кулба солдириб Сайдиной момони, қизи Тўлғоной ва набирасини кўчириб келди. Бир кўчган икки таланса, Сайдиной момо билан Тўлғоной етти таланди. Талангани ҳамма ширин орзулар, тотли кунлар ўша тош қудуқли ҳовлида қолиб кетгандек эди. Қудуқ ҳам оғзи ёпиб ташлангани учун кўрқудуқ бўлди. Кўрқудуқнинг ичи тўла сир бўлди. Сирлиги Ғаффор мулланинг ўзи бир пайтлар айтиб юрадиган “йиққан-тергани” – саҳифалари сарғайиб кетган ҳамма китоблари шу қудуққа ташланганди. Ўқиганнинг кўзини очган қудуқ кўр бўлди. Ғилофли-ю ғилофсиз китобларнинг ҳаммасини шу қудуқ бағрига олди.

– Э-эна-а!.. – деди Санобар момоси томон йиғлаб, оёқяланг чопиб келаркан. Ўтирган жойида ўчоқдай ўмолиб ерга сингигудай бўлиб ўтирган Сайдиной момо набирасининг йиғи товушини эшитиб ичи тандирнинг ичидай тўкилди: – Вой! Қизи тушмагур, – деди Сайдиной момо ўрнидан туриш учун гўшти суягига осилиб қолган қўлларига таяниб.

Санобар етиб келиб ўтириб йиғлади, ернинг тупроғини оёғи билан сидириб, тепиб йиғлади. Тўлғоной тандир бошидан бери келолмай кўнгли ҳадикда бўлди.

– Эна! Ёлғон айтипсиз! Ҳаммаси ёлғон экан!

– Бовуримга кел, – деди ҳали-ҳамон гап нимадалигини англолмаётган Сайдиной момо набирасига қўлини чўзиб.

– Бормайман, анов Садир “гуппи” бобонг билан отанг кулоқ бўп кетган деди! Шундайми?!

– Нима?.. – бу сафар Сайдиной момонинг таянган қўли ҳам мадамай қалт-қалт титрарди. – Б-бекор айтипти, шу Садирам алповузми дейман-да. Яна шундай деса, отам сувлар тиниса қайтади, юлдузларини яна кўксига тақиб юради дегин...

– Сув тиниса, сув тиниса... – Момосининг гапидан қизалоқ Санобарнинг ичида яна алам кўзғолди, – Доим шундай дейсиз, булоқлар ҳам, сойдаги сувлар ҳам тиниқ. Қачон лойқа сув кўргансиз – билмайман. Айтинг! Шундай катта одам қандай қилиб жимжилоқдай кулоққа айланиб қолиши мумкин?..

Тўлғоной чорасиз бир қайнонасига, бир қизига қараб, рўмолининг бурчи билан оғзини ёпиб ерга термулди.

Санобарнинг тим қора шахло кўзларидаги сўроқлар Сайдиной момонинг киртайган мунгли кўзларига яна мунг улашди.

– Берман ке, бўлмаган гап. Одам кулоқ, “кулоқ”! одам бўлганмас. Садирдинг кулоғини ўзим чўзиб кўяман. Ўйин боласи десанг, булар ўйиндан ҳам ўт чиқаради. Эй Худойим-ай, – деди Сайдиной момо ниҳоят ориқ тиззаларига Санобарни олиб чуқур хўрсинаркан.

– Одамлар боланинг олдида нимани гапириш керак, нимани гапирмаслик кераклигини билишмайди-да, болам, – деди.

Санобар эса болаларча кўнглидаги гина нима эканлигини адаштириб бу сафар савол мавзусини ўзгартирганди.

– Кеча сиз олтинга айланиб қолади деган тишим ҳам олтингамас, қизғалдоққа айланиб қопти.

Сайдиной момонинг ҳам бу сафар хаёли чалғиганди: – Сабр қилсанг, олтинга айланади қизим...

– Қизғалдоғ-а?

– Ҳм...

Тўлғоной ўзини эшитмаганга олиб бу пайтда бир жуфт иссиқ нонни бағрига босиб ота уйига йўл олганди. Қиз бўлиб илингани шу бўлди. Марди жувозчи она-боланинг гурунгига ўзини парво қилмагандай кўрсатса-да, Тўлғонойга:

– Эганг кетсаям эгалисан, қизим. Олдимга келдинг дегани орқада турган рўзгорингни унутиш дегани эмас, кеч кирди, уйинга бор, – деди.

Чиққан қиз эмасми, Тўлғоной отасининг бу гапидан чирқираб, қирқ бўғини зирқираб қайтди. Уйига етиб келганида эса ўзи ҳатлаган остонадан кўз ёши ҳатламади.

Кута-кута кун кўрмаган Сайдиной момо кунчувоқда жон берди. Қайнонасининг очиқ қолган кўзларини Тўлғоной кафтлари билан ёпиб қўйди. Эл йиғлади...

– Ҳей Санав!

– Нима дейсан?

– Мени биласан-а?

– Сен ўзингни билмаганга айт!

– Отанг билан бобонг нима гап олганини биларсан!

– Сен уларнинг соясига етмайсан.

– Соясига етмасам сенга етарман.

– Қиз отим билан қасам ичирма, қасам ичсам, сен қора ерга етасан!

– Энди ўзингдан кетдинг! – деди Садир олдинга эмас, орқага тисланиб тихирлик қилаётан отини қамчилаб.

– Ҳих! – деди Санобар олдига солиб келаётган сигирни йўлга солиб хўшлаб: – Молча фаҳминг бўлмаса ҳам қийин экан. Сумакбурун!

Садир орқада қолиб бурнини ушлаб кўрди. Аламидан бурнини тишлагудай бўлди. Узун бурни-да бўй бермади.

Тўлғонойнинг қирққа кирмай кўкайи қирқилди. Кутишнинг охири бўлмади. Бўйчан эмасми, суяги сўррайиб, елкаси чуррайиб қолди. Унинг хусну жамоли Санобарга ўтгандек эди: Санобар ўн олтида бир қиз бўлди. Бўйига санобару шамшодлар, жаннатнинг тўбисида ҳавас қилгулик бўлди. Юлдузи – юзи иссиқ бўлди. Сочининг толимидан-да совчилари кўп бўлди. Аммо кўнғлида қолган болалигидаги гинаси учун янги раиснинг ўғли Садирни унча хушламасди.

– Райис деганини энди билдим. Бечора колхознинг қўйларига келган офат бу, – деди у сигирни ёғоч қозиққа боғлаб келгач онасига юзланиб.

– Қизим...

– Рост айтаяпман, Шувоққияда бўри бўғизлаб кетибди дейишган қўйларни ҳам шу Абди раис...

– Сен буларга қизиқма, қиз боласан, – деди Тўлғоной савоқчўпни кўлига олиб ташқарига отланаркан.

– Барибир шу Садирга...

– Сени бермайман қизим, сўзи юқмаснинг ўзиям юқмайди. Сенинг палагинг тоза.

– Палагим? Унда ҳандалак эканман-да?

– Ҳа! – Тўлғоной қизининг бу тошиб, шошиб гапирган гапига мийиғидан кулиб қўйди. Ҳовлига чиқиб ичини дард савалаб турган Тўлғоной пахтага жун кўшиб савалади. Унинг қил сиғмаган кўнғлига қизи Санобар туфайли орзу-ҳавас сиғди. Аммо эл ичида сўровга кетган деган гап ҳам ёмон экан. Айби йўқни айбдор қилди. Бу сафар ёзувни – хатни билганлар анчайин бошқача, Абди раисга ўхшаб ҳароми ҳалолга ётадиган эди.

Тун ярмида Тўлғоной қизи Санобарнинг елкасига кўрпани тортиб ёпиб, янги чиққан ойга тилак қилди: “Мен кўрмаганимни шу қизим кўрсин энди. Отаси қайтар, Худогаям шак келтирмайин. Қайнонам, отам, қорасидан онам кетди. Укам яхши бўлгани билан, ишқилиб келинга турттирмайгина шу қизимни эгали қилсам, армоним йўқ эди” деди. Ой – ойни тинглади.

Эрталаб йўл сўраб кирган икки аёл аслида манзилни билиб топиб келган совчилар эди. Тўлғоной оқ оралаган сочларини тузатиб, рўмолини қайта тугиб совчиларни уйга олиб кирди.

– Эгачи, шу десангиз, бизам эшитиб, билиб, – деб гап бошлади аёллардан бири кўз остидан иккинчи аёлга қараб олиб, –қизингиз борлигини эшитиб келгандик.

– Сизларни танимайроқ турибман, – деди Тўлғоной эшик томонга кўз ташлаб.

– Биз, Салай наҳалчининг аёли Гулзебар опани танирсиз, шу киши отамнинг аммаваччаси бўлади.

– Энди тенг-тенгги билан дегандай, – деб гапни илиб кетди иккинчи аёл.

– Билмадим, ҳали қизимни кичкина деб юрсам, со-

вчилар ҳам... – деди Тўлғоной ой бағридан ситилиб учган юлдузини кўзи қиймагандек.

Бу орада девор паналаб ўчоққа уннаган Санобар ҳовли юзида ҳам ўзини яширарга жой тополмасди. Гурунг-гурунгга уланиб наҳалчининг хотини Гулзебар кампирнинг мақталмаган биронта қариндоши қолмади. Мулла авлод ҳам, тик сўзли ҳам, айтгандан қайтмайдиган ҳам хуллас уларнинг уруги бўлиб чиқди.

– Фа-қа-ат, беайб парвардигор деганларидек жиянимизнинг бир айби бор. Тилсиз-забонсиз, берсангиз шундай йигитга берасиз қизингизни.

Тўлғоной бу “тилсиз, забонсизлик”ни сўкиш билмайдиган, мўминқобил йигит ўрнида қабул қилиб жилмайиб бош ирғаб қўйди.

– Шунинг учун ҳам элга эл бўлиб, тилига тил бўлиб ўзимиз келдик. Ўша отдан йиқилганидан бери ҳассатаёққа суянса суяндики, бировга тиз чўккан эмас, – деди бу сафар анчадан бери мум тишлагандек жим ўтирган аёллардан бири.

Тўлғоной ичидан бечидам бўлди, оти совчилиги учун иззатини қилиб, лабини тишлаб, ёқасини ушлаб гап бошлади: – Бу, нима деганингиз? Ҳали жиянингиз?..

Тўлғонойнинг бу саволидан кўрққан олдин мушт кўтарар деганларидек аёл тутоқиб кетди: – Айтдим-ку сизга! Тил-забонсиз деб. Гунг бўлса нима қилибди? Ҳасса таянса нима қилибди?! Оти чиққанмас сизларга ўхшаб, – деди. Тўлғоной аёлнинг бу гапидан гангиб қолганди,

– Оти чиққан, бу нима деганингиз? – деди Тўлғоной она кўнгли ўртаниб. Кимни, қизимними?

– Э-э-э, ким қизингизни оти чиққан деди?! Отасининг оти чиққан демоқчи эгачим. Худди ўзингизни билмагандай ўсалга олиб турганингизни-чи, ҳали бу гап элда ётганмас! Шунинг учун кўрпангизга били-иб туриб оёқ узатинг демоқчи эдик, – деди аёл ёзиқлик дастурхон бурчини ўзидан қайириб.

Тўлғоной бирда ўзини бирлаёлмади. Бир гап айтай деса, оти элчи! Шунда у ҳам ота, ҳам она бўлиб бир гап айтди:

– Келган оёғингизга гул битсин. Фақат, менинг сизга берадиган қизим йўқ. Ажр худодан! – деди-ю, ҳам иззат, ҳам изза ўрнига кўзини четга олди. Ўзига келганида эса бўхча кўтарган икки бўхчадай аёл ташқарилаб остона ҳатлаганди.

Кун келиб очилган бўхча – тугун билан Санобарнинг бахти очилди. Санобар тоғасининг оёғига бош уриб йиғлади. Унинг бегуноҳ кўз ёшлари тоғасининг тиззаларига томди.

* * *

Кутишнинг қирқ йили ўтиб, қирқ бирида Тўлғоной ердан баландлади. Ой осмонга кетди. Тобути елкада бўлди. Санобар бўзлаб қолди...

Шу орада эл ичида “Тўқли полвон оқланибди” деган гап тарқалди. Аммо оқланган одамнинг қорасини ҳеч ким кўрмади.

Тўлғонойни олиб ҳам ернинг бағри тўлмади. Ўркак-ўркак қабристон устида яна ой шуълаланди. У яна тўлиб-тўлиб, осмондаям бечидам бўлиб кутди.

Ишонмасангиз ой чиққан тунда осмонга қаранг, у ҳали-ҳамон ўз ёрини кутмоқда...



Шамол шивирда шитирлар хазон

КЕТИНГ

Кетинг хаёлимдан,
Қаргаманг мени,
Энди...
Энди сизга топинмагайман.
Куёш ҳув тоғларга бош қўйган кун
Афсусни, армонни ёпинмагайман!

Кетинг ҳаётимдан,
Кетақолинг тез,
Йиғламанг, барибир ўзим – тасалли.
Истанг, пойингизда чўкаман-у тиз...
Овутмоққа сўз йўқ...
Сўз йўқ ақалли.

Кетинг ҳаётимдан,
Арзимам сизга,
Сизни кузатаман қалбим тўридан.
Мен лойиқ бўлмадим ҳузурингизга,
Безор бўлдим
Бу юрак дупуридан!



Азмиддин ШАРИФ



1992 йилда Хатирчи туманида туғилган.
Хатирчи иқтисодиёт коллежини тамомла-
ган.

Кетинг ҳаётимдан,
Ортга боқмайин,
Билинг, барча гуноҳ елкамда менинг!
Майли азоб беринг, қийнанг атайин,
Фақат...
Фақат кечира кўрманг...

* * *

Шамол тиниб қолди, шамоллар тинди,
Шовқинли, суронли томонлар тинди.
Сизни йиғлатган у ёмонлар тинди,
Мен барибир тинмай яшайвераман,
Айрилиққа кўнмай яшайвераман!

Бир дард бор унга мен бағирман ўзим,
Бир сизга мушкулман, оғирман ўзим.
Бу юкдан елкаси яғирман ўзим,
Лек йиқилмай, сўнмай яшайвераман,
Айрилиққа кўнмай яшайвераман!

ТУН

Бу олам, бу ҳаёт бесафо, беун,
Юлдузсиз самони қучмоқда очун,
Сабримнинг сабрини билмоқлик учун,
Тун чўкди.

Бу кўнгил, бу юрак, хастадил гумроҳ,
Субҳлар саҳардан-да хабардор, огоҳ,
Мени менадан юлиб олмоқдадир, оҳ...
Тун чўкди.

Ҳилолнинг чашига ювилди осмон,
Шамол шивирда шитирлар хазон,
Хаёл гирдобига бермоқ-чун имкон,
Тун чўкди...



ШЕЪРИЯТДА РУҲИЯТ МАНЗАРАСИ

Ўзбек шеъриятида психологизм муаммоси ҳали ўрганилмаган мавзу десак, ёки аниқроқ айтганда, чуқур тадқиқ этилмаган соҳа десак янглишмаган бўламиз. Чунки ўтган тузумнинг ҳукмрон мафқураси бу каби ёндошувларни нафақат ёқламаган, балки, худди иқтисодиётда кўп укладли ишлаб чиқаришга йўл бермагани ёки хусусий мулкка оёқ тираб қарши тургани сингари, адабиётда ҳам социалистик реализм қобиғидан ташқари чиқишга рухсат бермас эди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ ҳаётига тазйик билан киритилган таомиллар кўнгилдан қабул қилинмайди. Эҳтимол, муроса йўлини танлар, аммо имкон туғилиши билан уни улоқтиради. Ўтган асрда халқимиз ҳаётига, унинг онгу шуурига мана шундай ёт тушунчалар, ғоялар, урф-одат ва маросимлар сингдирилди. Мисол тариқасида юзлаб миллат ва элатлар истиқомат қиладиган мамлакатда ягона тил сиёсатини юритиш учун қилинган уринишларни олиб кўрайлик. Аввал тилларни қисқартириб зонал тилларни вужудга келтириш, сўнгра ягона тил – муомала воситасини жорий этиш режалаштирилган эди. Бу ислохотлар ўзини билган, ўзлигини англаган кишиларга ҳақоратомуз бўлиб туюлгани ҳам шундан. Шунинг учун ҳам рус бўлмаган халқлар адабиётида мазкур мантиққа танқидий муносабат тарзида асарлар дунёга келган эди. Бир сўз билан айтганда “халқнинг виждони”

мартабасидаги кишилар она тилининг ҳимоясига отланишган. Жумладан, Эркин Воҳидовнинг “Она тилим”, Абдулла Ориповнинг “Она тилимга” номли шеърлари ҳам мана шу мантиққа муносабат тарзида ёзилган эди.

Не тонгки, мустақиллик йилларида адабиётшунослиқда ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Худдики, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ судлар жазоловчи органдан одамларга ёрдам берувчи, уларнинг муаммоларига ечим берувчи органга айланиб бораётгани каби, ўтган асрнинг бошидан бери “кўрсатма бериш”, “фош этиш”, “аниқлаш” – бир сўз билан айтганда танқид билан шуғулланиб келган миллий адабиётшунослиқ бугунда таҳлил ва талқинга майл билдирмоқда. Эндиликда ўзбек адабиёти тарихи янгиланаётган бадиий тафаккур талаблари асосида қайта идрок этилмоқда. Хусусан, асарларни психологик таҳлил этиш малакаси шаклланимоқда.

Психологизм – шеъриятнинг алоҳида ажралиб тургучи жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Биз бунга забардаст шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижоди мисолида яққол кўришимиз мумкин. Зотан, бу икки муаллифнинг “Ўзбегим”, “Жаннатга йўл”, “Рухлар исёни”, “Ҳаким ва ажал” сингари туркум шеър ва дostonларини бемалол улкан бир эпик асарлар тарзида талқин қилиш мумкин. Улардаги маъно ва миқёс шу қадар улканки, моҳиятан улар трилогияларга татийди.

Ёки бир мавзуга нисбатан ҳар иккала шоирнинг муносабати тарзида дунёга келган мана бу шеърий сатрларга эътибор беринг:

*Бир қадам кўйсанг бас – нарёғи ўлим,
Бир қадам кўйсанг бас – шаксиз ҳалокат.
Одамзод бошида турибди шу зум,
Қазойи муаллақ, мудҳиш фалокат.
(А. Ориповнинг “Сўнғи уруш” шеърдан)*

*Заррани ижод этиб, оқибатни ёд этиб,
Даҳшат бало бунёд этиб,
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг...
(Э. Воҳидовнинг “Инсон ўзинг” шеърдан)*

Агар таъбир жоиз бўлса ҳар икки шеърни “Ҳазрати инсон” номли улкан насрий асар дейиш мумкин. Чунки улар худди шунга муносиб залворга эга.

Бу икки забардаст шоир шеърларини кузатар экансиз, улар ҳис-ҳаяжонини, ички кечинмаларини

Малика
ДАВРОНОВА



1986 йилда Касби туманида таваллуд топган. “Орзулар оғушида”, “Қалбим гавҳари”, “Борлиғимсиз, онажон”, “Мен ватанни гул деб севаман” номли шеърий китоблар муалифи.

тўғридан-тўғри ифода этмайди, балки бадий деталлардан руҳият манзарасини чизади. Бу ижодкорларнинг поэтик оламида ҳар бир нарса ва ҳодиса муҳим бадий восита бўлиб хизмат қилади.

*Кекса қайрағочнинг
Илдизин очиб,
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.
Лекин у тупроққа панжасин санчиб,
Сира қўзғалмасди
Унган еридан...
Ниҳоят гурс этиб ерга қулади,
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ –
У ўз панжасида олиб жўнади
Яшаган еридан
Бир сиқим тупроқ.*
(“Садоқат” Эркин Воҳидов шеъри)

Бу – юқоридаги таъриф тўла-тўқис ўз аксини топган шеър, десак янглишмаймиз. Урушга ёки узоқ сафарга йўл олган киши, туғилиб ўсган заминдан бир сиқим тупроқ олади. Бу тупроқ унга мадад, овунч ва далдадир.

Абдулла Орипов шеъриятида бош мавзу – руҳий кечинмаларнинг инъикосини ташкил этади.

*Бўри эмас, дейсан одам одамга,
Кўзинг каттароқ оч, боққин оламга,
Биров отамга дер, биров онамга...
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин...*

– дейди шоир. Мана инсоннинг руҳиятида содир бўлаётган ички зиддият. У инсон онгида кечаётган ўзгаришларни, руҳиятида рўй бераётган эврилишларни тушунишни истайди. Узини доно санамайди, бошқалардан ўзини ақлли ҳисоблаб, бировларга насиҳат бериш фикридан йироқ.

Шоирнинг баҳс-мунозарага сабаб бўлган ижод маҳсулидан бири бу “Дорбоз” шеъридир. Шаклан миттигина бу шеърнинг таъсир кудратини, маъно қувватини чақиннинг чақнашига ўхшатса бўлади.

*Булутларга ёндош осмон остида,
Киприкдаги ёшдек турибди дорбоз.
Қиличнинг дамидек арқон устида
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.
Одамлар, одамлар уни олқишланг,
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.
Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар
Эплаб юролмаимиз катта йўлда ҳам.*

Шу миттигина шеър адабиёт сахнида момақалдироқдек гумбирлаб, яшиндек чақнаб инсонларнинг шуурини ёриштириб юборади, деб ҳеч ким ўйламаган, назаримда. Ҳатто шоирнинг ўзи ҳам буни кутмаган. Қизиғи шундаки, бу дунёда ҳеч бир янгилик кучоқ очиб қарши олинмаган. Қадимий таомил, шоирнинг янги шеъри ҳам адабий танқидчилар томонидан таёқ-тўқмоқ билан кутиб олинади. Матбуотда турли-туман фикрлар билдирилади. Ақсар муносабатлар шоир шахсини ёмонотлиқ қилишга қаратилгани таассуфланарлидир.

Аслида-чи, келинг, шу ҳолатни аввал одмигина, оддий томошабин бўлиб томоша қилайлик. Дорбоз дор ўйинини намойиш қиляпти. Минглаб кўзлар унга термулган, юракларда ҳадик: “Сирғалиб кетмасинда, ишқилиб”. Дорбоз кўзларини боғлаб арқон устида

югуради, томоша аҳли уни ҳар бир шунақа мураккаб элементни бажарганидан сўнг олқишлайди. Томоша тамом, томоша аҳлининг дорга ҳам, дорбозга ҳам муносабати шу нуқтада якун топади.

Шоир мана шу жараённи чўзиш тарафдори. Инсоннинг инсонга нисбатан хайрихоҳлиги, бир-бировнинг тақдирига куюнчаклик, юксалиш маҳоратидан қувониш ҳисси юракларни ҳея қачон тарқ этмаслигини истайди. Дорбознинг дордаги маҳорати шоирга қадар фақат кўнгилхушлик учун кўриладиган томоша бўлиб келган. Шоир уни бир умр изланадиган илмлар қаторидаги сабоқ дарсига айлантириш лозимлигини уқтиради. Шоирнинг “Одамлар, одамлар, уни олқишланг!” деган сатрига диққат қилинг: худди мана шу сатр шоир руҳиятининг нечоғли теран эканини намён этиб турибди. “Одамлар, одамлар...” сўзининг икки бор такрорланиши бу ўша даврада, ўша давра аҳлигагина тааллуқли эмаслигини шундан англаш мумкин. Шоирнинг ҳайқириғи бугунги ва эртанги одамларга қаратилган. Зотан, одамлар уч замонда мавжуд: ўтган замон одамлари, бугунги давр аҳли ва келажак наслар. Ваҳоланки, шоир ушбу сатрини “Одамлар олқишланг, олқишланг уни” тарзида тузиши ҳам мумкин эди. Шунда ҳам шеър техникасида бирор-бир ноқислик бўлмасди. Фақат ижодкорнинг руҳиятида рўй берган ранглар жилоси ҳозиргидек кўркам кўриниш касб этмасди. Шеъриятнинг ўзига хос гўзаллиги, мафтункорлиги, бетакрорлигини тасдиқловчи янги бир феномен вужудга келмасди. Зеро, адабиётшунос олимларимиз таъкидлаганидек, Абдулла Орипов шеърияти билан ўзбек лирикасига кўнгил дардлари, сувратлари, орзу-армонлар фожиаси, руҳий изтироблар манзараси кириб келди.

У ёзади:

*Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда халқ яшар.
Унда она тилим яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қилади башар.*

Шоир инсоннинг сувратини сийрати билан муқояса қилиб, зоҳирида намён бўлган манзараларни ботиний қиёфаси билан чоғиштириб, соф бадий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлади. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари барчага бирдек манзур. У тева-рак-атрофида кечаётган воқеа ва ҳодисаларни ўзига тадбиқ этади, боши узра чарх ураётган гардуни дуннинг сир-асрорларини англашга ҳаракат қилади. Ҳаёт исмли мураккаб тизимнинг янада мураккаб тилсимлари устида бош қотиради. Муайян кашфиётлар қилишга эришади.

Адабиёт – сўз санъати. Кулол лойдан, наққош ганчдан, мусаввир ранг-бўёқлар воситасида санъат асари яратгани каби, қалам аҳли сўзга ишлов бериб асар яратади. Маъно маҳзанидан зебу зийнатлар ахтариб топиб, сўзга либос кийгизади, ясантиради. Сафга тизиб, кўпнинг ҳукмига ҳавола этади. Демокриманки, яхши шеър дунёга келиши учун илоҳий илҳомнинг ўзигина кифоя қилмайди. Барча қиймати баланд унсурлар (олтин, нефт, пахта, уран, олмос, марварид ва ҳоказолар) машаққатли меҳнат билан қўлга киритилгани сингари, заҳмат чекиб ишлов берилган ҳар бир қиймат касб этиб боради. Шу жумладан, ижод маҳсули ҳам!



БИР ТАРИХИЙ ҶОЖИА СИРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сига таянган тарихчи Турғун Файзиев “Темурийлар шажараси”да шундай бир мудҳиш ҳодисадан хабар беради: “Хитойдан Андижонга келаётган минг кишилиқ катта карвонни Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғлардан қор кўчиб (кўчкина) босади. Бу мудҳиш Ҷожиадан фақат икки киши омон қолади” (211-бет).

Энди ана шу даҳшатли Ҷожа баёни аслиятини, яъни “Бобурнома”даги шу маълумотни келтирамиз: “Хитой корвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди” (“Бобурнома”, 2002, 37-бет).

Ниҳоят, ушбу маълумотни мутаржим Михаил Александрович Салье таржимасида русча баёнини ўқийлик: “Однажды, когда из Китая шел караван то у подошвы гор, к востоку от Андижана караван из тысячи людей так засыпало снегом, что спаслись только два человека” (“Бабурнаме”, 1993, с. 34)

Ушбу иқтибосларни ўқиган киши ваҳимага тушса ажаб эмас. Қор кўчкиси остида 998 киши ҳалок бўлишган-а! Қандай даҳшат!

Аслида воқеа шундай бўлганми? Ё биз Бобур сўзларини тўғри тушунолмадикми? “Бобурнома”нинг хитой, қозоқ, уйғур, япон ва ҳатто турк тилидаги таржималарида ҳам “минг ўйлуқ” сўзлари минг киши сифатида талқин этилган. Машҳур япониялик бобуршунос Эйжи Мано ҳам, туркиялик донишманд Рашид Раҳмати Арат ҳам “Бобурнома” таржималарида ушбу антиқа хатога йўл қўйганлар. Аннета Сюзанна Бевериж хоним таржимаси ҳам бу хатодан истисно эмас.

Камина бунинг ҳақиқатини билиш учун “Бобурнома”нинг Жан Бакие Луи Граммон таржимасидаги французча, Гарвард университети профессори Уилер Макинтош Текстон таржимасидаги инглизча нусхаларни кўздан кечирдим. Улар “минг ўйлуқ” сўзларини “минг қорамолли” тарзида тўғри таржима қилганлар. Булардан ҳам илгарироқ 1947 йилда австриялик адиб Фриц Вюртле “Бобурнома”нинг

форсий таржимасини ўқиб ўсмир Бобур ҳақида немис тилида “Бобур – йўлбарс” номли қизиқарли саргузашт қисса ёзган. Немис тилидаги ушбу қиссада ўша машъум қор кўчкиси офати ва минг қорамолни ҳайдаб келаётган карвон ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Демак “минг ўйлуқ” сўзи “минг қорамолли” эканлигини “Бобурнома”ни форс тилига илк маротаба таржима қилган Абдулрахим Хонихонон яхши билган.

“Ўй” сўзи мумтоз адабиёт намуналарида сийрак учрайдиган ҳодиса эмас. “Бобурнома”дан “ўй” сўзи қатнашган яна бир матнни мулоҳаза қилайлик. Чунки “Бобурнома”даги бу воқеада ажиб мутойиба ҳам бор: “Ўшул сайр асносида бир кун намози дигар билан намози шом орасида бир иничка номушаххас йўл била бир ўй тушуб борадур эди. Мен дедимким: бу йўл қаён борур экан? Уйға кўз солинг, ўйни итурманг, то йўлнинг қай сари чиқари маълум бўлғай.

Хожа Асадуллоҳ зарофате қилди, деди: “Говгум шавад, чи кор кунем?”.

Матннинг сўнги гапини қуйидагидек икки хил талқин қилиш мумкин: “Қорамол йўқолса нима қиламиз?”, “Қоронғи тушса (говгум) нима қиламиз?”

Кўриняптики, ушбу воқеа баёнидан ҳам “ўй”нинг луғати қорамол экани аниқдир.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Хисрав Парвез ўзини шер, Миҳинбонунни сигир деб ҳақорат қилади:

*Ҳазанфар худ нетар чанголу ёлин,
Чекар бўлса тиши ўйнинг маҳолин.*

Мазмуни: Сигирнинг аҳмоқона нозини кўтарадиган бўлса, йўлбарсга панжа-ю ёлнинг нима кераги бор?

Таассуфки, 10-синф “Ўзбек адабиёти” мажмуасида (1997) “уй – ҳўкиз” деб луғат берилган. Бу луғатнинг матн учун хатолиги шундаки, ҳўкиз йўлбарсга бас кела олади. Буни даҳо Алишер Навоий билади. Шунинг учун “тиши уй” – урғочи қорамол

(сигир) деб махсус уқтирган. Бу ўринда биз мажмуа тузувчисини айблай олмаймиз. Чунки у олим биздаги энг нуфузли луғат: Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовлар тузган “Навоий асарлари луғати” (1972) дан фойдаланган. Луғат муаллифлари “ўй” сўзига “хўкиз” (623-бет) луғатини берганлар. Бизнингча “ўй” сўзига “қорамол, хўкиз, сигир” сўзларини луғат тарзида кенгайтириб беришса мақбулроқ бўлар эди. Луғатларимизда мазкур сўз гоҳ “ўй”, гоҳ “уй” тарзида берилмаган.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида “ўй”ни “хўкиз” маъносида ҳам қўллаган:

*Жанбида гардун кўрубон тавсанин,
Уйки юруб янчар анинг хирманин.*

Энди “минг ўйлук карвон” сўзлари мазмунини талқин этайлик: буни минг қорамоллик карвон ёки минг қорамолни ҳайдаб кетаётган карвон дейиш мумкин.

Мингта қорамолни тахминан ўн чоғлик чўпон бошқараётган бўлса, қор кўчкиси 7-8 одамни босган бўлиши мумкин. Демак, ўша фожиа юз бергани рост, бироқ қурбонлар миқдори юқоридагидек 998 киши эмас экан...

Шунинг учун “Бобурнома”нинг ҳозирги ўзбек адабий тилига ўгирилган табдилида юқоридаги матн қуйидагича таҳрир қилинган: “Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг пастида Хитойдан келаётган минг қорамоллик карвонни шундай қор босдики, икки киши қутулиб қолди, холос” (“Бобурнома”, 2008, 32-бет).

Ушбу хатоликдан энди “Бобурнома”ни рус тилида ўқийдиган кишилар ҳам фориғ бўлдилар. Чунки бу шоҳ асарнинг 2008 йилда “Шарқ” нашриётида босилган нусхасида қуйидагича таҳрирли соғлом матн берилган: “Однажды, когда из Китая шел караван, гнавший тысячу голов крупного рогатого скота, то у подошвы гор к востоку от Андижана караван так засыпало снегом, что из надсмотрщиков спаслись только два человека” (стр. 15).

Таржимоннинг луғат соҳасида оқшаши ҳам асл нусха воқеасини нотўғри талқин қилиш сабабчиси бўларкан...

БИЛИК КУЛГУ – БИЛИМ КУЛГИСИ...

Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асари муталааси давомида “билик кулгу” бирикмасига дуч келиб, лол бўлиб қолдим.

Ўринсиз, бевақт, қаттиқ кулгини “қурбақа савтига” ўхшатган Алишер Навоий наҳотки, “Намоз ичра билик кулгу” ҳақида – билим кулгиси хусусида фикр юритса? Бунда мантиқ йўқ-ку!

*Намоз ичра билик кулгу вуқуъи
Ки, бор анинг сужудию рукуъи.*

Мазмуни: Намозда билим кулгиси юз берса, унинг сажда ва рукуи ҳам бор.

Намозда кулиш мумкинмикан ўзи? Бу қайси фикр китобида бор? Навоий намозда кулгига эрк бермоқдами? Ё билим кулгиси ҳам мавжудми?

Ушбу байт аслияти қўлғималарини топиб ҳиж-жаладим ва кўчирдим:

*Намоз ичра бийик кулгу вуқуъи
Ки, бор анинг сужудию рукуъи.*

Бийик – қаттиқ; бийик кулгу – қаттиқ кулмоқ. Дарҳақиқат, намозда қаттиқ кулги сарлавҳада ўқтирилганидек “вузуъ ноқислари” жумласига киради.

Навоийнинг “бийик” ва “билик” сўзларини фарқлаш керак.

ҚОШ ҚҲЯМАН ДЕБ...

Паригоҳ – парилар манзили; парилар яшайдиган маскан демакдир. Агар куйидаги байтга ишонсак:

*Не бўлғайким баҳори хусн аро
очилса бир гулким,
Тушуб бир барқи ишқ ўртансам
андоққим, паригоҳе.*

(Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами” 2-жилд “Наводир ун-ниҳоя” 513-бет).

Мен мулоҳаза қиламан: ошиқ хусн баҳорида бир чиройли гул очилишини истамокда. Бу ерда пари ёки парилар манзилнинг матнга дахлли жойи йўқ-ку?

Мумтоз адабиётдан яхши баҳраманд бўлган матншунос шу матн аслиятни излаб ўтирмайди: байтнинг бошқа қисмларга дахл этмаган ҳолда “паригоҳе” сўзини араб ёзувида тасаввур этиб, матн муаммосини ҳал қилиб олади. Бунинг учун у “паригоҳе” сўзининг бир эмас, иккита сўз эканлигини, “г” ва “к” эски ёзувда шаклдош эканлигини инобатга олиб иш кўради ва байтни қуйидагича саҳиҳ ҳолатга келтира олади:

*Не бўлғайким баҳори хусн
аро очилса бир гулким,
Тушуб бир барқи ишқ ўртансам
андоққим, пари коҳе.*

Пари коҳ – сомон парчасидир. Сомон парчаси ва парилар манзили бир-биридан йироқ тушунчалар.



Тоғ Биринги уграшиув

Тоғ Биринги уграшиув
Тоғ Биринги уграшиув



Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Мушки анбарларга тўлсайди осмон


МУСАВВИР

Мусаввир рангларга чанг солаётир,
Мавжли тўлқин аро тўлгонмоқда жон.
Гўё хаёлида жанг қилаётир:
Нигоҳида олов, вужудида қон.

Хаёлин банд этган нолами, фарёд,
Қаро гирдобларга бериб зеб, жило.
Ўтмиш кўзгусида жонланар ҳаёт,
Қандай тасаввурдир – бу ўтли дунё.

Бунда уйғонади минг йиллик тарих,
Хароба шаҳарлар, вайрон қалъалар.
Чинқираб кезади бечора бир руҳ,
Жовдираб боқади мунис болалар.

Қани лашкарбоши, тўхтатинг дарҳол,
Хаёлнинг бу асов, учқур отини.
Бардоши етмайди, қарамоқ маҳол:
Шоҳни ўлдирмоқда маккор хотини!



Дарёлар гуллаган, водийлар қани?
Асар ҳам охирлаб борар ниҳоят.
Озриқли қийноғу азоблар қани,
Ҳар тун такрорланар ушбу ривоят.

* * *

Ишқ мени ўзирлаб кетган у кеча,
Юракни ўзингга қайтар моҳитоб.
Юпатма йиғласам нурли тонггача,
Умр бир сония ўтаркан шитоб.

Гарчи кўп югурдим, умрим арзимас,
Нурни истагандим кўнгил дардимас.
Мен-ку барига ҳам кўнардим, эвоҳ,
Умр бир сония ўтаркан шитоб.

Эвоҳки, ишқда жим ёнмоқ лаззатдир,
Дилни дилга бермоқ бироз фурсатдир.
Шундай фурсат кутдим, югурдим, чопдим,
Умр бир сония ўтаркан шитоб.

* * *


Ҳар қаён югурдим телбадай гариб,
Жисим аҳволина изладим нажот.
Такрор сўроқладим кўксим куйдириб,
Наҳот уйғонмади қалбимда ҳаёт.

Сўнгра иқбол сўраб кутдим неча бор,
Довуллар бераҳм умрни қувди.
Меҳрга ташинадай йўлларида зор,
Охири кўз ёшлар юзимни ювди.

Йўлчидай ҳайрона сўзламас забон,
Оёгим куйдирар саҳро тупроғи.
Мушки анбарларга тўлсайди осмон,
Тарқаб кетармиди қайғу фироғи?

Ҳар не қарогимда, ўзинг илтижом,
Тенграмда тентираб кезмоқда дунё.

Хайрулла
ХОЛТЎРАЕВ



1984 йилда Бойсун туманида туғилган.
Ўзбекистон Миллий университетининг журна-
листика факультетида таҳсил олган. Ҳозирда
ОАТ “Агробанк” Матбуот хизматида фаолият
кўрсатмоқда.

* * *

Руҳим, йиғламагин – ҳасрат тўла жом,
Пойинга бош урдим, бетин, бемурод.
Ғофиллик бижсиган нигоҳларда ком,
Инжулар додлаган бўғзимда фарёд.

Хазонлар кўксимга урилар бир-бир,
Дилим хун, боқаман оламга мафтун.
Кўзимда улгайиб борар хавотир,
Мен кимни кутаман, ёлғиз ушбу тун.

Олгин азобимни бенаво, бедил,
Юзимга ҳижобин тортар – заъфарон.



Йўқласанг кетмасди бечора кўнгил,
Руҳимда андуҳлар яна бефармон.

Зулматдан ёрилар йиғлаётган руҳ,
Мунгли нигоҳимда боқар андиша.
Оқ нурлар ёгаркан сочларимга, уҳ,
Кўшимда оғу ишқ қўяр томоша.

Бесадо руҳимда шивирлар осмон,
Маҳваши қучоғимга йиқилар беҳуш.
Кўнгил кўзгусида тирилар забон,
Бу – лаззат туши эди, гуллаётган туш.



Биринги урраишув
Биринги урраишув
Биринги урраишув

Гулчеҳра МАДАМИНОВА

Сенсан мангу ишқнинг ифори

КЎНГИЛ

Сенсан мангу ишқнинг ифори,
Муз қотган вужуднинг баҳори.
О, бир чимдим меҳрнинг зори,
Сен бунчалар нозиксан, кўнгил.

Дардинг аён бўлар кўзимда,
Исминг ороланар сўзимда.
То тирикман, борсан ўзимда,
Садоқатим сийлагин, кўнгил.



ҲАЙРАТ

Кўзларингда порлайди учқун,
Унга синган гўёки олам.
Бедор тунлар хаёлга тутқун,
Хаёллардан тугилар шеър ҳам.

Ўзлимда йўқ бўлсам ўзим,
Бу не ҳолат, бу не синоат.
Бу дунёнинг сирлари сим-сим,
Кўзларимда ҳайратдир, ҳайрат.

ТУН

Сокин тун самога термулсам,
Бағрида уч кунлик ой кезар.
Осмоннинг жамоли юлдузлар,
Ҳиллолнинг ҳуснидан нур узар.

Айтаман дардимни фалакка,
Ишқ бер, дея менга оташин.
Шу тунда сўз берсам юракка,
Рўёбин топарми нолишим.

Қордайн безубор кўнглимга,
Малҳамлар улашгин қаро тун.
Дуо ила чўзган қўлимга
Тутқаз чин ишқнинг шаробин.

Гулчеҳра
МАДАМИНОВА



Андижон иқтисодиёт коллежи ўқувчиси



ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ СЎНГГИ МАКТУБИ


Адабиётимиз тарихидан маълумки, буюк даҳо ижодкорларга хос бўлган битта умумий жиҳат мавжуд. XV аср тимсолида қарайдиган бўлсак, Алишер Навоий умр шомида ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” деб номланган – инсоният учун мўъжаз бир мактуб битиб қолдирди. У асарда кўнгил ва руҳ ободлиги хусусида теран мушоҳадалар инсониятга ибрат бўлгулик турфа қарашлар келтирилган. XX аср интиҳосида даҳо Лев Толстой “Иқрорнома” асарида ўзининг барча “қилган ва қилолмаган” ишлари ҳақида изтироб билан ҳикоя қилади. “Ҳаёт нима?”, “Яшаш-чи?” қабилдаги иқрорлари ҳар бир кишини ўйга толдириб қўйиши шубҳасиз. Айниқса, Толстой умр шоми ботаётганда “Мен нима излаяпман?” деган саволни инсонга, уни тушунган инсониятга ёзиб қолдирди. XX аср адабий ҳаётида бир неча асарлари билан шўҳрат қозонган Маркес “Видо мактуби”да: “Эй аҳли маъни ахтараётган зотлар, бир-бирларингни севинглар, меҳрли бўлинглар” дея битиб кетди. Узоққа бормайлик, ўзининг юзлаб ҳикояларини жаҳон адабиёти намуналарига бўйлаб яратган фидойи адиб Шукур Холмиров “Динозавр” асарини қайта-қайта ёзиб, битганларидан кўнгли тўлмай, “ён дафтарчаси”га видо мактубини

ёзиб қолдирди: “Динозавр”ни мукамал ҳолда ёзиб тугатсам, армоним йўқ” деди. Умри давомида “сиз ва биз” ҳақимизда ўнлаб дилбар романлар яратган XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос сўқмоқ очган, мактаб яратган даҳо санъаткор Одил Ёқубов “Осий банда” асари билан “сўнги мактуби”ни битиб қолдирди...

Айтиш жозики, Одил Ёқубов “Осий банда” романини яхлит китоб ҳолида кўриш орзуси билан яшади. У умрининг сўнги давларида қилган адабий суҳбатларида шундай дейди: “Мен ҳамма нарсани ёзиб бўлдим деб айтолмайман. Яхши асаримни Худо умр берса энди ёзаман”. Кўринадики, адиб ўнлаб қисса ва романларидан қониқиш ҳис қилмаяпти. Ҳатто “Осий банда” асридан ҳам. Бўлмаса ушбу роман жуда катта маҳорат ва ички изтироб билан битилган. Роман “Адолат манзили”нинг мантиқий давомидек таассурот уйғотади. “Ўзбекистон” нашриёти савобли ишга қўл уриб, адибнинг яқиндагина “Осий банда” романини нашр қилди.

Китобга сўз боши ёзган мунаққид Иброҳим Ғафуров адиб ҳақида шундай фикрларни илгари суради: “Одил Ёқубов реализм деганда ҳаётни теран билиш ва шунга чамбарчас уйқаш акс эттиришни тушунарди. Ҳамма вақт ҳаёт дерди ва ҳаёт деганда халққа хизмат қилишни англади. Бу унинг эътиқоди эди”. Бинобарин, “Осий банда” романида миллатимиз бошига тушган “қайта қуриш” йилларидаги аҳвол-руҳияси, “неча юзлаб” инсонларнинг бегуноҳ қурбон бўлиши, ўз тақдирлари олдида чорасиз қолиши дарду нидо билан тасвирланади. У асар ёзмапти. У фақат кўз ёшларини қозоғга тўқяпти. Биз Одил Ёқубов истеъдоди олдида, кўпни кўрган оқсоқол адибимиз олдида бош эгамиз. Чунки у бутун миллат тақдирига бефарқ эмас! Бошига неча синов ва машаққатлар тушса-да, ҳақиқатни, ўша “айтиш” мушкул бўлган даврда катта минбарларда туриб баралла айтди. У ўз эътиқодига содиқ жонкуяр эди. “Миллат оёғига эмас, бошига қараб фикр юритар”ди. Ушбу китоб мутолаасидан кейин зукко ўқигувчида шундай таассурот туғилиши тайин. Яъни “менга ҳозир Одил Ёқубов ҳикоя қилиб берди” деб юбриши ҳеч гап эмас. Чунки асарда ўқувчи қўлидан судраб олиб ўтувчи чизиқ – руҳ унинг ҳаётини ва ҳаққоний, “юксак истеъдод эгаси”нинг олтимиш йиллик тажрибаси, маҳорат-ла битилгани билан ўлчанади. Айниқса, ўзининг болалиги, у қандай қийинчиликлар билан кечгани, “болалиқнинг аччиқ кечмишлари” уни нималарга рўбарў қилганини

Нодира СУЛТАНОВА



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўзбек филологияси таълим йўналишининг 3 – курс талабаси.

гоҳ алам, гоҳ соғинч, гоҳ кайғу билан эслаб тасвирлайди...

Одил Ёқубов – гоҳ тарихий, гоҳ замонавий мавзуда қалам тебратар экан, у кўпроқ инсон қалбига қараб иш тутати. “Осий банда” ёки “Хотиралар”ида ҳам бунинг ёрқин ифодасини кузатамиз. Айниқса, миллатимизнинг бир неча зиёли адиблари-ю, адолатли раҳбарлари хусусида фикр юритар экан, шунча оғир машаққатлар гирдобиде қолган мамлакатимиз бошига тушган кўргуликларни алам билан хотирлайди. “Қаттол” тузумнинг ўйинларида қурбон бўлган сахо-

ватли инсонлари ҳақида куюниб ҳикоя қилади. Чунончи, табиатига реализм сингиб кетган Одил Ёқубов ўзи бошидан кечирмаган, ўзи ҳис қилмаган, ўзи иштирок этмаган нарсалар ҳақида ҳеч бир сўз очмайди. Адибнинг маънавий жасорати ҳам аслида шудир. Одил Ёқубов “ўтмишга айланган” тарихнинг сабоқларидан хулосалар чиқарди. Миллатни миллат қилиб кўрсатадиган энг қудратли куч – “адабиёт яшаса, миллат яшар” деган Чўлпоннинг ҳикматиға хос жавоб излади. Ва, умр шомиде битиб қолдирган “Осий банда” романи (мактуби) ҳам бундан мустасно эмас.



Биринги уррашув

Биринги уррашув
Биринги уррашув

Хуснигул АҲМЕДОВА

Оптоқ эди унда орзулар...

БОЛАЛИК

Оптоқ эди унда орзулар,
Хаёллар ҳам беғубор эди.
Мен истаган у манзилларнинг,
Йўлларида навбаҳор эди.

Етар эдим тушларимда ҳам,
Осмон қадар орзуларимга.
Гоҳо қўшиқ айтардим тунлар,
Кўкка боқиб юлдузларимга.
Оптоқ эди унда орзулар...



ОНАМ НАСИҲАТИ

Болам, мудом саҳар тур,
Тўрт мучангни соғ кўрай.
Эгилмагил ҳеч қачон,
Кўкрагингни тоғ кўрай.

Ёмонга йўлдош бўлма,
Яхшиликка қараб юр.
Сендан рози бўлсин эл,
Юрт қорига яраб юр.

Алдовларга ишонма,
Дунё ваъдаси – рўё.
Сен қалбингни кўкка оч,
Ишққа тўлсин бу дунё.

Болам, ҳар дам саҳар тур,
Сени доим соғ кўрай.
Эгилганинг кўрмай ҳеч,
Дуогўйинг бўб юрай.



Хуснигул АҲМЕДОВА



1995 йилда Чироқчи туманида тавалуд топган.



“ТУРМУШ – МУШТ”

Ҳикоя

Яқиндагина никоҳдан ўтган ёш жуфтлик черковдан қайтаётган эдилар.

– Хўш, Варя, – деди эри, – қани, соқолимдан ушлаб, бор кучинг билан тортиб кўр-чи.

– Нималар деяпсан, жиннимисан?

– Йўқ, йўқ, илтимос! Ўтинаман сендан! Ушлагинда, ваҳима қилмасдан тортавер...

– Масхарабозликни бас қил. Нимага бундай деяпсан ўзи?

– Варя ўтинаман... буюраман энди! Агар мени ростданам севсанг, соқолимдан ушлайсан ва тортасан. Мана соқол, торт!

– Овора бўласан, бундай қилмайман! Умр бўйи севган одамимга озор етказиш... йўқ, ҳеч қачон!

– Ўтинаман! – дея ялина бошлади янги куёв. – Тушуняпсанми? Мен сендан илтимос қиляпман ва... талаб қиляпман!

Ниҳоят, узоқ тортишувлардан сўнг, ҳеч балони тушунмаган хотини ўзининг нозик қўлчалари билан эрининг соқолидан тутди ва кучи етганича силтаб тортқилади... Хўжайини эса ҳатто юзини тириштирмади ҳам...

– Хотиржам бўлавер, умуман оғриқни сезмаяпман! – деди у. – Худо ҳаққи, сираям оғримани! Қани, бўлди тўхтат, энди менинг навбатим.

Эр хотинининг бир тутам сочларидан ушлаб, куч билан торта бошлади. Хотини эса оғриқдан чинқириб юборди.

– Мана энди, азизим, – дея хулосалади эри, – кўрдинги, мен сендан анчагина кучли ва чидамли эканман. Буни ҳар гал менга мушт ўқталганинда ёки кўзларимни ўйиш учун, тимдалаш учун тараддудланганинда ёдга олишинг керак. Қисқача айтганда, хотин ўз эридан кўрқиши керак, тушундинг?..

Рус тилидан Темур ТАНГРИБЕРГАНОВ таржимаси.

Баҳром ТОЖИЕВ

“Ёшлик” журналидан шикоят

*Луқмон Бўрихон қаранг,
Чиқиб қолди йўлимдан.
Дер: “мақола чоп бўлар,
Келса агар қўлимдан”.*

*Акбарали олганди,
Мақолам бир йил олдин.
“Чиқади бу” деганди,
Йўқ, ҳали, билмай қолдим?*

*Бир қанча шеърларим-ку,
Ҳали ҳам турар “музлаб”!
У Алишер Назарда
Дейишди, бордим излаб...*

*“Шеърларни кўрмадим” дер,
Назм бўлим бошлиғи!
Ёдидан чиққан бўлса...
Қайда қолди – ёшлиғи?*

*“Ёшлик” журнали шундай,
Мени қилар оввора.
Кун, ой, йил ўтиб борар,
Ҳақ қарор топса зора!*

*Борайми, Собир Ўнар...
Таширифим қабул қилар?
Ходимлар феъл-атворин,
У мендан яхши билар...*